

КАМОЛИДДИН ШУКУР

**ОТАМДАН ЎРГАНДИМ
ОДАМИЙЛИКНИ**

ШЕЪРЛАР



“БУХОРО” НАШРИЁТИ,
2019

84(5Ў)6

Ш 91

Шукуров, Камолиддин

Отамдан ўргандим одамийликни : шеърлар / К.Шукуров.

– Бухоро : Buxoro nashriyoti, 2019. – 176 б.

КБК 84(5Ў)6

Шеърят – азалдан мўъжиза аталган. Унинг баъзида роҳатбахш, кези келганда дардчил, изтиробли қудрати бутун Инсониятнинг қалбини ларзага солиб, ўзига хос туйғуларни бахшида этиб келган.

Қўлингиздаги ушбу китобда ҳам муаллифнинг йиллар давомида ёзилган бири биридан бетакрор назмий дурдоналари тузилган. Ўқиб, баҳраманд бўласиз, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-5736-5-9

БЕЗОВТА КҮНГИЛ КУЙЧИСИ

Шиддатли, шафқатсиз ҳаёт оғушидамиз. У гоҳ асал тутса, гоҳ заҳар узатади. Кунларимиз, тунларимиз қувончу қайғуга қоришиб, гоҳ шўху шаън, гоҳ ҳасратли ўтмоқда. Инсоният ўз орзую армонлари билан андармон: умр, тириклик маъно-мазмуни билан иши йўқ. Аммо шундай тала-тўплар ичида ижодкоргина безовта. У қувончдан қайғу, қайғудан қувонч ахтаради. Ҳаётнинг асл маъносини англашга интилади. Кечинмаларини гоҳ, назмий, гоҳ насрий йўсунда қоғозга тўкишга ҳаракат қилади. Юртимизнинг олис бир гўшасида истиқомат қилувчи, камтар-камсуқум инсон, шу боис ўз ижод намуналарини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмоққа шошилмай юрган шоир Камолиддин Шукурнинг битиклари билан танишганимда хаёлимда худди шундай ўйлар кечди. У борлиқни бутун ранглари билан қабул қилишга, ҳис этишга ҳаракат қилади. Ҳаётга безовта юрак билан юзланади.

*Бахтим нима – бахтсизлигим не?
Сўлгин тортар ғамгин япроқлар.
Дардларимни шивирлаб айтсам
Жонланади шўрхок тупроқлар.*

Ушбу сатрларда йил фаслларини хаёлчан кузатаётган лирик қаҳрамонни кўрамиз. Унинг маъюслиги, соғинчи, армонлари беихтиёр бизга ҳам юқади. Ҳазонларга беихтиёр юз босиб йиғлагимиз келади. Бу, шак-шуҳбасиз, қаламга эш қалбнинг беғуборлигидан дарак.

*Тўлқинидан айро тушган кўлдайман,
Манзилсиз, маконсиз, овлоқ йўлдайман.
Ўшал бирга кечган, хушнуд дамларни
Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман...*

Мен Камолиддин Шукурни безовта кўнгил куйчиси деб атагим келади. Чунки унинг аксарият шеърларида соғинч, илҳақлик, ёвузликка, жаҳолатга нафрат, уларга қарши исён силқиб турибди. Меҳр-муҳаббатнинг, вафосадоқатнинг қадрига етишга ундайди. Оддий воқелиқдан ҳам чуқур фалсафий ечимлар топишга уринади. Камолиддин Шукурнинг битикларини кузатарканмиз, тагин бир ажиб ҳолатни англаймиз. У нафақат яхши шоир, балки яхши ўқувчи ҳамдир. Ижодкорнинг ҳар бир асарида унинг жаҳон адабиёти намуналарини ўқиб-ўрганаётгани, машҳур қаламкашлар ижодий мактабидан сабоқ олаётгани кўриниб турибди. Бу ҳам адабий жамоатчиликни қувонтириши шухбасиз.

Бугун биз шиддатли бир даврда яшамоқдамиз. Унинг рангин суратларини бадий сатрларда чизиш, ўқувчи кўнглига гўзаллик, жозиба улашиш осон эмас. Бироқ ижодкор укамиз Камолиддин Шукур худди шу залворли, масъулиятли юкни ўз елкасига олган. Унинг ижодий режалари ҳали кўп. Мен фурсатдан фойдаланиб, безовта қалб, изланувчан ижодкоримизга, адабиётнинг сермашаққат йўлида янада собит, янада иродали бўлишни тилаб қоламан.

Луқмон Бўрихон,
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

ИҚРОР

Билганим, – дарёлар, сойлар, анҳорлар,
Чўққилар устида, мудраган қорлар,
Минг йиллаб даврини сурган чинорлар,
“Эрман” деб қўксига муштлаган сорлар.
Биз абад тўтиё айлаган тупроқ,
Она юрт ҳажрида ёшланган қароқ.
Ҳаяжонга тўлиб Ватан деб айтсак,
Вужуд-вужудларда уйғонган титроқ.
Барчаси энг улуғ иқрорин айтгай,
Ватандан бошлангай, Ватанга қайтгай!

Ватан недир – дўст-у, бегонанг Ватан,
Саждага урилган, пешонанг Ватан.
Минордан чумоли инига қадар,
Кошонанг Ватандир, остонанг Ватан.
Диёринг бағрида унган ҳар тикан,
Ҳар гиёҳ, кўзингга тўтиё экан.
Ватан не – борича, борлигинг Ватан!
Кўксингда уйғонган, оғригинг, Ватан!!!

Дил дардим тўкмоққа чорлар бир туйғу,
Ёшим қирққа етиб, анлаганим шу:
Майсаларнинг илк бор саломлари ҳам,
Шабнам-у, ёмғирлар давомлари ҳам,
Шоирларнинг улуғ каломлари ҳам,
Ватандан бошланиб, Ватанга қайтгай.

Ватандан бошлангай энг буюк ҳислар,
Бағрига маржондек терилгай сўзлар.
Сен унга чин дилдан меҳр тут болам,

Сохталардан Ўзи асрасин Эгам.
Қара, кунлар худди гўдак пайтингдай,
Ватандан бошлангай, Ватанга қайтгай!

Минорлар устида, ухлаган сирлар,
Тонгги найсонларга беланган қирлар.
Менимча, эл суйган, асл шоирлар,
Ватандан бошланиб, Ватанга қайтгай!!!

ВАТАНИНГ БЎЛСИН!

Кетарда эгнингда кафанинг бўлсин,
Булбулсан, қарғасан – чаманинг бўлсин.
Ватангадоликдан асрасин Эгам,
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Айвонда ини бор қалдирғочнинг ҳам,
Орзулари бисёр қорасочнинг ҳам,
Капаси бут бўлсин тўқ-у очнинг ҳам.
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Мусофирлик дарди тутса этагинг,
Тўтиё бўлгайдир юртнинг кесаги.
Дейдилар: "Ўз уйинг – ўлан тўшагинг,"
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Ким бунёд этгайдир, ким барбод этар,
Тақдири азалда не қисмат кутар?
Кун келиб бир ҳасрат ёқангдан тутар,
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Олисда, кимларнинг орзуси Ватан,
Кимларнинг энг оғир қайғуси Ватан.
Тарк этсанг, зўр армон бўлғуси Ватан:
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Тўрт-беш Лайлоларинг бўлмасин, майли,
Кумуш, тиллоларинг бўлмасин, майли,
Мол-у дунёларинг бўлмасин, майли,
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Тонгда бош кўтариб иссиқ кўрпадан,
Чиқсанг отанг қурган эски кулбадан.
Ҳамма дардларингнинг давоси, Ватан,
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Қай кўнгиллар тугал, қай манзил бекам?
Ватанга тош отма, қулоқ тут бир дам.
Вайрона бўлса ҳам, хароб бўлса ҳам,
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Майлига, тиллони янчиб ўт, босиб,
О бундай толеъга кимлар муносиб?
Магар юрт тупроғи этмаса насиб,
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Аввалинг Одам-у, Момо Ҳавосан,
Ўзинг беморсан-у, ўзинг давосан.
Оқ тан-у, қоратан, шоҳ-у гадосан,
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!

Айтганинг бир ҳикмат, айтганинг бир сир,
Эр одам, ризқ учун ошар, тоғу-қир.
Камолиддин Шукур, аввал-у охир:
Ўз уйинг, ўз юртинг, Ватанинг бўлсин!!

ШУНЧАКИ СЕВИБ БЎЛМАЙДИ

Фарзандликнинг фарзи фидолик экан,
Сохталар дардидан кўнгил тўлмайди.
Ҳатто ширин жондан азиздир Ватан,
Ватанни шунчаки севиб бўлмайди.

Ватан деб кўксингга урмоқлик осон,
Йиғилиб суҳбатлар қурмоқлик осон.
Бир ҳовуч тупроғи кимгадир армон,
Ватанни шунчаки севиб бўлмайди.

Меҳридан завқ олиб, таъзим бажо эт,
Саодатин тилаб, Ҳаққа нидо эт.
Она юрт ишқини қалбингга жо эт,
Ватанни шунчаки севиб бўлмайди.

Шу элнинг дардига дармон бўл, болам,
Эл дардида ёниб, нолон бўл, болам,
Ватанга муносиб ўғлон бўл, болам,
Ватанни шунчаки севиб бўлмайди.

Бўғзимда йиғлаган ноламсан, Ватан,
Уйимнинг райҳони, боламсан, Ватан,
Оқ ювиб тараган, онамсан Ватан,
Ватанни шунчаки севиб бўлмайди.

Ким дилида мангу армон, севгайдир,
Ким бир умр йиғлаб гирён, севгайдир.
Ким сохта севгайдир, ёлғон, севгайдир?!
Ватанни шунчаки севиб бўлмайди.

Гар севсанг чин шайдо, бемор бўлиб сев,
Тунлар хизматга шай, бедор бўлиб сев,
Жонингни бермоққа тайёр бўлиб сев,
Ватанни шунчаки севиб бўлмайди.

Кор эмас, тўқиган сохта фалсафинг,
Бир сахий дехқондек тегмаса нафинг,
Юртга не керакдир қуруқ суҳбатинг?
Ватанни шунчаки севиб бўлмайди.

“Ватан, Ватан дема”, – борингни ата,
Она тупроғига бир ниҳол қада,
Ўғлисан – ўғиллик бурчингни ўта,
Ватанни шунчаки севиб бўлмайди.

СЕВАМАН ВАТАН!!!

Минг йиллар ўртаган –
Армонлар гувоҳ,
Қанчалаб кўпчиган –
Суронлар гувоҳ,
Момом шивирлаган
Достонлар гувоҳ,
Ер усти, ер остин
Тўлдириб ётган,
Инсонлар гувоҳдир,
Инсонлар гувоҳ...
Кўнгли тоғ –
Йўқ, кўнгли –
Вайронлар гувоҳ.
Вайроналар гувоҳ,
Вайронлар гувоҳ.
Бир кокили учун

Қонлар тўкилган –
Тупроқ бўлиб ётган –
Жанонлар гувоҳ.:
Мен сени бетаъма
СЕВАМАН ВАТАН!!!
Мен сени бетаъма
СЕВАМАН ВАТАН!!!

Нималар кўрмадим –
Тақдир йўлида.
Гоҳ дарёлар кечдим –
Гоҳ дард кўлида,
Алпомишлар йиғлар –
Армон дилида.
Карбало чўлида –
Адам чўлида.
Мажнун оҳ дер – ҳижрон
Ўнг-у сўлида...
Менинг изтиробда
Тобланган жоним
Худонинг қўлида – Худо қўлида!!!
Бошимни кўксингга қўяман
Ватан!
Мен сени бетаъма
СЕВАМАН ВАТАН !!!

Мен кимлар учундир –
Унсиз мажруҳман.
Аслида ҳақиқат истаган руҳман!
Отамга олтовлон бўлсам-да
Вале
Сенга суюқдирман,
Сенга суюкман !

Кўксимни тонг қадар кўтармоқда шан,
Киндигим қонини симирган маскан,
Ҳов баланд тоғлардан
Чинқирар Ҳаққуш
"Ватан дегани бу –
Орият экан."
Бўғзимни титратар
Бир туғён улкан –
Мен сени бетаъма
СЕВАМАН ВАТАН!
Мен сени бетаъма
СЕВАМАН ВАТАН !!!

О ҳаёт – кимгадир
Ханжарлар керак;
Кимга пул таратган
Анбарлар керак ...
Кимга сочин тараб салламно айтган
Дилбарлар керақдир,
Дилбарлар керак.
Ватанга соҳиби санжарлар керак –
Ватанга соҳиби
Санжарлар керак!..
Кимгадир – чўзилиб вайсаб ётгани,
Минбарлар керақдир,
Минбарлар керак!..

Айт меҳрингдан бўлак –
Не истадим ман..?
Мен сени бетаъма
СЕВАМАН ВАТАН!
Мен сени бетаъма
СЕВАМАН ВАТАН !!!

ВАТАН АБАДИЙ!

Ватан қолар экан, Ватан абадий!
Сирожиддин Саййид.

Ўтар ойлар, ўтар фаслар,
Ўтар авлод, ўтар наслар,
Асрлар ўтади – асрлар,
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

Эриб битгай – тоғларнинг қори,
Тугар бир кун ғаним озори.
Юрагимда шу бир сўз бори:
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

Оқиб кетар, хор-у хаслар ҳам,
Ўтиб кетар, мард-у пастлар ҳам,
Сен-у - мен ҳам кетамиз, эркам,
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

Қулар бир кун кўркам саройлар,
Ичи тўла, қошлари ёйлар,
Кўк тоқида нур сочиб ойлар,
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

Биз бир дарахт шоналаримиз,
Одам Ато болаларимиз,
Чириб битгай – таналаримиз,
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

Бошпаналар нурарлар ҳорғин,
Яксон бўлиб қуларлар ҳорғин.
Кўнгилларда бор буюк таскин,
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

Дўст ғанимат – ғанимат ёғий,
Ўтди Кубро, ўтди Яссавий,
Бунда ҳеч не эмасдир боқий,
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

Боболарим жо бўлган тупроқ,
Менга жонимдан ҳам азизроқ,
Ҳайқираман – танамда титроқ,
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

Вақтинчадир – мусибат, қайғу,
Вақтинчалик ҳар қандай туйғу,
У ўлмагай, боқийдир мангу,
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

Ўтар тинмай одамлар ўтар,
Эрта ўтар, бу дамлар ўтар.
Азал-абад қиёмат қадар,
Фақат Ватан қолар абадий,
Фақат Ватан қолар абадий!

ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК КУНИГА

Йиғлаб турган боланинг бегонаси бўлмайди.

Ўткир Ҳошимов.

Она сўзи энг буюк калом,
Онага оқ бўлмоқлик ҳаром.
Бутун дунё оналарига
Лойиқ эъзоз, мангу эҳтиром!
Оналарнинг меҳри беминнат,
Оёқларин остида жаннат.
Элат, ирқ, халқ танламас улар,
Оналарнинг ўзи бир миллат.
Сийнасига қадалмасин ўқ,
Оналарнинг бегонаси йўқ!

Қанча фурсат ололмадим тин,
Қон дилимга изладим таскин.
Олисларда зор йиғлаб ётар,
Гўдак қони тўкилган замин.
Гўр бандалар, иймонни ютманг,
Иймон ютиб, Ҳақдан бахт кутманг.
Бу жаннатнинг райҳонларини
Тўпга тутманг, ўқларга тутманг.
Кўкрагимни куйдирар бир чўғ,
Болаларнинг бегонаси йўқ!

Болаларнинг бегонаси йўқ!
Боласидан тонмас ҳеч элат.
Дуо олгай – эли бўлгай тўқ,
Фарзандларин асраган миллат.
Зарб берманг дил пораларига,
Эм бўлинг эл болаларига.

Ер тўлмасин, осмон тўлмасин,
Гўдақларнинг нолаларига.

Тинчлик бўлсин – шу менинг зорим,
Йиғлаб айтай, дилимда борим.
Ер юзида неки инсон бор,
Ўзинг асра Парвардигорим!
Йиғлаб қўлим очдим самога,
Қўл очайлик тонгдан дуога.
Хайқираман бутун дунёга,
"Оналарнинг бегонаси йўқ,
Болаларнинг бегонаси йўқ!"

ОТАМ ТУҒИЛГАН ҲОВЛИ

Ёшлигим ортда қолган,
Гарчи сочим қировли.
Барибир соғинаман –
Отам туғилган ҳовли.

Ўтди ёшлик – беқарор,
Бугун ўғил-қизим бор.
Лой супангда изим бор,
Отам туғилган ҳовли.

Мозийдан қўшиқ айтар,
Хоналари мунаввар,
Ёшлигимни эслатар,
Отам туғилган ҳовли.

Отам деворинг қучган,
Қудуғингдан сув ичган.

Болалик сенда кечган,
Отам туғилган ҳовли.

Улғайиб қадринг билдим,
Деворингга гул илдим.
Мен ҳам сенда туғилдим,
Отам туғилган ҳовли.

Болалик кечган Чаман,
Сен Ватан ичра Ватан,
Менга жуда яқинсан,
Отам туғилган ҳовли.

Деворинг кўрар кўзи,
Раҳматли бобом изи,
Қари бувим ёлғизи,
Отам туғилган ҳовли.

Болалар чопиб юрган,
Жонимиз асраб турган,
Неча замонни кўрган,
Отам туғилган ҳовли.

Қанча йиллаб яшалган,
Ерга наमत тўшалган,
Гувалақдан ясалган
Отам туғилган ҳовли.

Биздайларга бағринг кенг,
Ўзинг эдинг, ёқа – енг,
Тупроғи олтинга тенг,
Отам туғилган ҳовли.

Ўйнаб бағринг қучганмиз,
Қучоғингдан учганмиз,
Олисларга кўчганмиз,
Отам туғилган ҳовли.

Бағрингдаги лолангман,
Шўхлиги шалолангман,
Ўша шоир болангман,
Отам туғилган ҳовли.

Ҳеч қуламас биносан,
Ўтмишдан бир нидосан,
Қасрлардан аълосан,
Отам туғилган ҳовли.

Дилимда чексиз ихлос,
Турибман – гўдакка хос,
Келдим, бир бағрингга бос,
Отам туғилган ҳовли.

КЕЧ КУЗАК

Кеч кузак... хаёллар судрайди олис,
Гумонлар қалбимни эзар бешафқат.
Мени таъқиб этиб борар тинимсиз,
Китоблар қатида ётган бир сурат.
Қай китобга қўйдим, қай варақда жо,
Қайга яширганим, барин биламан.
Йўқ, уни унутай – ёрдам бер, Худо,
Токай ўртанаман бағрим тиламан.
Керакмас, ёқаман – соврилсин кули,

Бир сурат ёқмоқда йигит умримни.
Йўқ, тақдир деганнинг айродир йўли,
Инобатта олмас менинг кўнглимни...
Кетсин, ҳасрат тўла ҳаёт керакмас,
Мен кимга умримни бахш айладим, шан?
Ёқамдан тортқилаб, тинмас басма-бас,
Бу дунё гул эмас, бир даста тикан...
Яна сурат... яна ўша шўх кўзлар,
Бир текис жилмайиб, маҳзун боқади.
Бу кўзларни бир зум кўрмасам агар,
Кўкрагимдан салқиб, қонлар оқади.
Керакмас – ёқаман, оловлар ўрлаб,
Бағрини оташга чулғасин уни.
Бошимга булутдек чулғаниб, тўрлаб,
Кўкларга туташсин, ишқнинг тутуни.
Сўнг унсиз эзилиб, хўрсиниб секин,
Ҳорғин ўксинаман, ишқ қандай ёмон.
Мен зўр иродали инсонман, лекин...
Тағин йўл босаман китоблар томон.
Йўл аро ўйлайман, мен нечук инсон?!
Чидадим тақдирнинг қийноқларига.
Сўнг унсиз, оҳиста, дарбадар, ҳайрон,
Термуламан бир қиз қароқларига...

БАХТИМ НИМА – БАХТСИЗЛИГИМ НЕ?

Бахтим нима – бахтсизлигим не?
Дардим айтиб куйлаганимми?
Жаҳолатнинг тор даврасида
Ҳақиқатни сўйлаганимми?

Бахтим нима – бахтсизлигим не?
Сўлғин тортар ғамгин япроқлар.
Дардларимни шивирлаб айтсам
Жонланади шўрхок тупроқлар.

Бахтим нима – бахтсизлигим не?
Шул саволга бормикан жавоб?
Ҳайқирганим, шижоатларим
Гуноҳмикан ё балким савоб?!

Мен Тангрининг даргоҳидан шан,
Фоний томон шамолдек елдим.
Бу жаҳонда, энг буюк сўзни
Айтмоқ учун дунёга келдим.

Мен билмадим, умрим қай йўсин,
Ўтар, қайда аталган жойим?
Бутун умрим Сенга таваккал,
Ўзинг билгувчисан, Худойим.

Қалбим шошар, ҳақ калом томон,
Ҳақдан келдим, Ҳаққа қайтаман.
Юрагимни кемириб ётган
Буюк сўзни қачон айтаман?

Бахтим нима – бахтсизлигим не?
Ич-ичимни кемирар алам.
Қалбидагин баланд айтсин деб
Худо менга тутқазган қалам.

Бахтим нима – бахтсизлигим не?
Шуни ўйлаб, танга сиғмадим.

Бу дунёнинг дардларин сезиб,
Туғилмасдан олдин йиғладим...

Мен шеър эмас, оғулар йиғдим,
Юрагимнинг саватларига.
Ҳасратимни яширдим, зимдан
Сўзларимнинг қаватларига.
Бахтим нима – бахтсизлигим не?
Бахтим нима – бахтсизлигим не?..

БУХОРОЙИ ШАРИФ ДЕРЛАР

Нечун дўстлар, Бухорони
Бухоройи шариф дерлар?
Бу янглиғ кўҳна маъвони
Бухоройи шариф дерлар.

Сабабким бағрида сирлар,
Ётарлар авлиё, пирлар.
Ки дунё ичра дунёни,
Бухоройи шариф дерлар.

Заминида оларлар тин,
Абдулхолик, Баҳоуддин.
Тариқат отли дарёни
Бухоройи шариф дерлар.

Ери олтинга тенг тупроқ,
Келиб, тилло заминга боқ.
Ҳавоси соф мусаффони
Бухоройи шариф дерлар.

Минорлар нақшида минг йил
Буюк тарих кўрингайдир.
Битилган нақши орони
Бухоройи шариф дерлар.

Неча пир, нечалаб авлод,
Неча минг-минг улуғ аждод
Ҳам олим, ҳам шуарони
Бухоройи шариф дерлар.

Виқор тўккай виқорларга,
Ўшал кўҳна деворларга.
Ўйилган мангу имзони
Бухоройи шариф дерлар.

Келиб кўр – бағри бир уммон,
Топарсан дардингга дармон.
Биродар, ушбу маъвони
Бухоройи шариф дерлар.

НАВОИЙ БЎЛҒАЙ...

О элим, мунчалар оҳанрабосан,
Минг пора жонимга, малҳам, шифосан!

Не-не машаққатлар чиқди йўлингдан,
Йиғлаб ўпгим келар қадоқ қўлингдан..

Минг йиллар кўксингда кўтардинг ихлос,
Ҳар қадам отишинг Навоийга хос.

Сабабким, ноласи сенинг нолангдир,
Ҳазрат Навоий ҳам сенинг болангдир.

Сенга ўғлон бермиш Тангри таборак,
Унинг мартабаси шунчалар юксак.

Қучоғингда сақла дилбандларингни,
Ўзи ёрлақагай фарзандларингни..

Сен мудом покиза, покиза дилсан,
Яратганим суйган, бетакрор элсан!

Тарқатиб, дилдаги армонларингни,
“Алишер” деб қўйдинг ўғлонларингни..

Илоҳим, бағринга қайта нур тўлғай:
Ўғлонларинг бари Навоий бўлғай...

ОҚИБАТСИЗЛАР

Росмана ҳасратдан юрак минг пора,
Қалб таскинга муҳтож йиғлаган кезлар.
Тағин азоб берди ўлса деб зора,
Тўрт-бешта калтабин, оқибатсизлар...

Йиқилдик, қоқилдик, юрдик, сурилдик,
Борлиққа умид-ла, термулар кўзлар.
Тиржайди, кийикка кўз тиккан шердек,
Яна ўша юзсиз оқибатсизлар...

Бошга ташвиш тушди, кўзлар бўлди нам,
Ўчмади дилдан доғ, чехрадан излар.
Кафансиз кўмишди оқибатни ҳам,
Бети ҳам кети бир оқибатсизлар...

Худодан – қисмат ҳам, синов ҳам азал,
Тақдири азал Ҳақ битган синоат.
Ўзи раҳм айлаб, бахт бериб тугал,
Яратганим Ўзи берганда омад:

Бугун остонамда омад, бахт ётар,
Яна бахтдан масрур, чехралар, юзлар.
Ана – оқибатдан сафсата сотар
Яна ўша юзсиз, оқибатсизлар...

КЎНГИЛ ЙЎЛЛАРИДА...

Кечаги қушларнинг палапонлари,
Йил ўтиб, кўк кезган сор бўпти, қаранг.
Бўғалоқлар ўсиб, қоя сингари
Карвонлар тиргаги – нор бўпти, қаранг.

Тиканлар ҳукмрон бўлган бу ҳудуд,
Кун келиб, бир гўзал чаман бўптими?
Тойчоқлар, ўтмишин айлашиб унут,
Мардларга муносиб саман бўптими?

Умр ўтиб борар, оқмоқда умр,
Кунлар шовуллайди мисоли дарё.
Дақиқалар ўрнин бўшатар бир-бир,
Фонийлик кўрсатар ўткинчи дунё.

Биз-чи – биз, биз ҳамон безовта юрак,
Гоҳ сувда, гоҳ элда, саҳро, чўлдамиз.
Ҳамон ўша-ўша, ўша жонсарақ,
Биз ҳамон йўлдамиз, ҳамон йўлдамиз...

Токим уйғоқ қолгай қалблар безовта,
Токим машғал тутиб толмагай қўллар.
Мангу сувлар кечиб, довонлар оша
Бизни чорлайверар бу сирли йўллар.

Ортга йўл йўқ, вале олдинда қанча,
Биз забт этолмаган манзиллар қолмиш.
Олис ҳудудларга нигоҳин санча
Кўнгил йўлларида кўнгиллар қолмиш.

ЖУДА ҚИЙИН...

Жуда қийин, жудаям қийин...
Бедор уриб турса юрагинг.
Ёлғон кулиб яшасанг,
Кейин:
Ҳеч кимга бўлмаса керагинг...
Жуда қийин, узун тунлари,
Ғусса ўсиб чиқса кўксингдан.
Ва кузакнинг салқин кунлари
Ғийбатинг тингласанг дўстингдан...
Жуда қийин - жудаям, эркам,
Хотирдан кўчмаса ўтмишинг?!
Кўксингга тиғ санчса хотиржам
Дунёда энг ишонган кишинг...
Жуда қийин, жудаям, ишон,
Шеър пойига жонни тўшамоқ.
Сўнг сени тушунмай, саргардон
Авом билан бирга яшамоқ!
Жуда қийин, инон, азизам,
Манфур каслар ичра дарбадар,
Дил доғига изламоқ малҳам,

Бошни эгмоқ асрлар қадар...
Жуда қийин, мағрур юракка
Кўникмоқлик, тор сукунатга.
Ишонолмай, ёлғон эртакка
Мотам айтмоқ ишқ муҳаббатга.

Сўнг:

Жуда қийин – узун тунлари,
Тана узра турганда титроқ.
Оловларда қоврилиб вужуд

Бўсалар хумори билан ўртанмоқ
Ва сенсиз яшашга ўрганмоқ!

ҚЎМСАШ

Тўлқинидан айро тушган кўлдайман,
Манзилсиз, маконсиз, овлоқ йўлдайман.
Ўшал бирга кечган, хушнуд дамларни
Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман...

Мен ўзин ўйловчи кас эмасман, йўқ,
Севгисин топтовчи, паст эмасман, йўқ!
Фақат юрагимни қуйдирар бир чўғ,
Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман.

Расмингни атайин ёққанлигим рост,
Сўнг соғиниб йўллар боққанлигим рост.
Унсиз ўтиб борар баҳор, кузак, ёз,
Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман.

Гоҳ билмай, тушунмай туйғуларингни
Ушалтиролмадим, орзуларингни.

Тонглардек беғубор кулгуларингни
Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман...

Қўллар, майин-майин сочингни излар,
Чорлар-чорлайверар ул шаҳло кўзлар.
Ўрнинг боса олмас, нозанин қизлар,
Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман...

Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман!
Ҳануз йўллар қараб, юрак бағрим қон.
Ўша нигоҳларни соғиндим ёмон,
Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман...

Қирқни қувиб борар бугунда ёшим,
Қорларга чулғаниб бормоқда сочим.
Ҳамма дардларимни энди англадим,
Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман...

Узун сочларингни тарашларингни,
Араз-араз, яраш-ярашларингни.
Олисдан термулиб қарашларингни
Ҳануз соғинаман, ҳануз қўмсайман...

МУҲАББАТ

Ҳисларим тор сўқмоқ аро сочилган,
Ёқамдан тортқилар турфа хусумат.
Гулдек юрагингни ғамга ботирган,
Ким экан, айт менга, айтгил муҳаббат?
Унсиз эзиламан, термулиб, хорғин,
Кунда минг бор татиб ҳасрат ошини.
Афсуски, мен ҳам бир сен каби мискин,
Бориб артолмайман кўзинг ёшини...

Муҳаббат, кўзларинг нақадар маҳзун,
Нигоҳингга боқиб, оғрир юрагим.
Ўртанаман, тақдир йўлида нечун,
Манфур кимсаларга бўлди керагим.
Сенинг ихтиёринг қолди айт кимда?
Тақдир отди тинмай қайғу тошини.
Афсуски, бир тўйиб йиғлаганимда
Келиб артолмайсан кўзим ёшини...

ЎҒЛИМГА НАСИҲАТ

Ечилмас тилсимга тўла бу ҳаёт,
Тақдирлар сўқмоққа ўхшайди гўё.
Гоҳида ёмонга бахт бериб, ҳайҳот,
Яхшидан омадин қизғанар, дунё.
Эртага не бўлар – Тангрига аён,
Гарчи омадинг йўқ, сиқилма, ўғлим.
Майлига, ўлимга тик боқ, ҳеч қачон
Номардлар пойига йиқилма, ўғлим!!!

Тескари айланар, баъзан чархпалак,
Кўзгулар битикни ўқир тескари.
“Уламо” бир луқма ризқ учун ҳалак,
Мунофиқ қўйнида дунёнинг зари?!
Нонинг йўқ бўлса ҳам, оринг бор бўлсин,
Юзсиз давраларга, суқилма, ўғлим.
Бошингни силадим – Худо ёр бўлсин,
Номардлар пойига йиқилма, ўғлим!!!

Телба тақдир экан, телба тақдир бу,
Суйганин, бир бурда нонга зор қилган.
Олимни авомга айлаган кулгу,

Бўрини – сичқонга мардикор қилган...
Азал шу, эзгулик истаган каслар,
Чоҳларга отилган, сувга босилган.
Эрк деганга қуллик этган муяссар,
Ҳақиқат арқонда - дорга осилган!!!

Мен сенга ёмонлик соғинмайман, йўқ,
Аmmo олдда турар имтиҳонли йўл.
Қўрқаман: кўксимни куйдиради чўғ,
Қўйгил, даҳо бўлма, оддий одам бўл!
Қўрқаман: етмайди бардошинг, болам,
Яхшига бир назар қилмайди дунё.
Чирок кўтарганинг мудом бири кам,
Даҳонинг қадрини билмайди дунё...

Атрофга разм сол,
теран боқ , сокин:
Лўттивоз, сатангинг ошиғи олчи.
Адабиёт бағрин тўлдирар секин
"Шоирман" деб юрган тўрт-бешта "фолчи".
Назар сол, ўрган бу овораларни:
Бирининг қўлидан, бири ушлаган.
Азалдан биз каби бечораларни,
Туянинг устида кучук тишлаган...

Умид уйғоқ бўлсин то сўнги нафас,
Инсон ўлар, вале ўлмайди умид.
Сен асл ОДАМга айлагил ҳавас,
Ахир сен эрсан-ку, йигитсан, ЙИГИТ!
Нонинг бўлмаса ҳам, оринг бор бўлсин,
Борингни аяма, шоҳдан, гадодан.

То тирик экансан, Ўзи ёр бўлсин,
Мен шуни сўрайман фақат Худодан!!!

Орият кўксингни безатсин ҳар он,
Бесамар йўлларга тикилма, ўғлим.
Ўлсанг мардларча ўл, аммо ҳеч қачон,
Номардлар пойига йиқилма, ўғлим,
Нокаслар пойига йиқилма, ўғлим...

ИЛИНЖ

Ортада қолиб кетди залворли ўтмиш,
Энди эслаш қолди ўксиб, барини.
Кунлар тутаверар юзга, ёз-у қиш,
Тақдири азалнинг кўзгуларини.

Баъзан шод энтиқдим эркалаб, суйиб,
Баъзан қонлар ютдим, ўтларда куйиб.
Онажон, кўксингга бошимни қўйиб,
Унутсайдим, дунё қайғуларини.

Гуллаб бораётир кўксимда чаман,
Бир оҳ униб борар ўксик юракдан.
Тушларимда бузмай дея ҳалакман,
Бир нозанин қизнинг уйқуларини.

Парирўй, ҳижронда кўп оғу ютдим,
Маҳзун нигоҳларга боримни тутдим.
Узун сочингизга илдириб кетдим,
Бир шоир йигитнинг орзуларини..

Мен кимман, бир оддий шоирман, холос,

Хаёллари олис юлдузларга мос.
Бир пайтлар юракка кўмганлигим, рост,
Севгининг энг ширин туйғуларини.

Тагин ўйга чўмдим...
Нигоҳларим ўқ,
Бир чехра термудди, бир ширин, бир шўх.
Бутун дунёларга алишмайман, йўқ
Алишер ўғлимнинг кулгуларини...

ИНСОН БЎЛИБ ҚОЛ!

Пасткашлар наздида, сен битта ҳеч ким,
Ҳаёт кўрсатади, сўз исботини.
Тумшуғи осмонлар кеккайганча жим:
Бир тийинга олмас одам зотини.
Уларга назар сол, ҳар бир қадамда
Учрайди экканин ўраётганлар.
Азал жавоб берган икки оламда
Ҳайвонга айланиб бораётганлар!!!

Кўксингни тебратиб турса юрагинг,
Тириклик ташвиши келмасин малол.
Мудом оқибатга бўлсин керагинг,
Инсонсан – умрбод ИНСОН бўлиб қол!
То ҳаёт экансан, Ҳаққа таваккал,
Тириксан, топилгай бир бурда нонинг.
Ишонгин, ҳақиқий инсон экансан –
Виждон азобида ўртанса жонинг...

НИЯТ

Бир байт битгил, юрагим,
Ғазал бўлсин, фард бўлсин.
Тинглаганнинг юраги
Ўртанмоғи шарт бўлсин.
Бир калом айт, эй кўнгил,
Титраб кетсин замонлар.
Сўзингдан ибрат олсин
Яхшилар-у ёмонлар.
Қўлинг кўтар дуога,
Тил шукурдан толмасин.
Илоҳо, бу дунёда
Кўнгли ярим қолмасин.
Тириклик бир синовдир,
Фақат қорин учунмас.
Дарди борни ҳеч қачон
Дарди йўқлар тушунмас.
Завол кетган ҳар бир дам,
Олар сендан интиқом.
Бу дунё бир синоат,
Бу дунё бир имтиҳон.
Мен ким, бир дил одами,
Бир кўнгил ошиноси.
Шеъроят, шеър қасрининг
Бир дарди бедавоси.
Бор-йўғимни қўш-қўллаб
Қоғозларга тутаман.
Юрагимга солганин
Йиғлаб-йиғлаб битаман.
Англаганим, билганим,
Дардсиз юрак – юракмас.

Хазинам, шу шеърият,
Ўзга бир ганж керакмас.
Ўй-хаёллар авжида
Жавлон уриб, беминнат.
Юрагимнинг торини
Чертиб ўтди бир ният:
Умр шамъи сўнгунча
Юрак тўла дард бўлсин.
Дўстларим-ку мард келди,
Душманларим мард бўлсин!

ИЗЛАЙМАН МАЛҲАМ...

Оқшом чўкар қароқларимга,
Зулматлардан излайман малҳам.
Узун тунлар қулоқларимга,
Севаман деб шивирла, эркама.
Лабларингдан учсин, эҳтирос,
Кўксингни тебратсин ҳаяжон.
Кел, ҳижронни сочларингга ос,
Севгимизга буркансин, жаҳон!
Севаман деб, пичирла, жоним,
Жон-жонимга сингсин шу бир сўз.
Бор дунёни унутганча жим:
Кел, кўксимга бош қўй, қорақўз.
Кел, кўксимга бош қўй, қорақўз,
Вужудимда олов ловулар.
Ғам, андуҳнинг ришталарин уз,
Дил меҳрингдан бўлсин мунаввар.
Кўзларингга термулай ҳорғин,
Айтиб-айтиб ҳасратларимни.
То тонггача гуллар тингласин,

Ишққа тўла суҳбатларимни.
Мен-ку кечдим дунё заридан,
Энди сокин бир висол қучай.
Лабларингнинг қирғоқларидан
Муҳаббатнинг шаробин ичай...
Айланади эски чархпалак,
Оқиб-оқиб ўтар умрлар.
Йўқ, бекорга сиқилмас юрак,
Ахир, умр ўтмоқда, дилбар.
Оқшом чўкар қароқларимга,
Зулматлардан излайман малҳам.
Узун тунлар қулоқларимга,
Севаман деб шивирла, эркам..

ОТАМ – ТОЖИМ, ОНАМ – ДАВЛАТИМ!

Меҳри осмон, пойи жаннатим,
Ҳар каломи тилло, ҳикматим.
Бошимдаги соябонларим,
Отам – тожим, онам – давлатим!

Паст-у баланд йўл экан, ҳаёт,
Бир манзил танг, бир манзил обод.
Бу дунёда икки улуғ зот:
Отам – тожим, онам – давлатим!

Битмас экан дунё ғавғоси,
Тирикликнинг минг бир савдоси.
Бир пулга тенг мол-у дунёси,
Отам – тожим, онам – давлатим!

Умрин заҳматларга белаган,
Фарзандларин бошин силаган.
Шом-у саҳар иқбол тилаган,
Отам – тожим, онам – давлатим!

То умрбод айлаб эҳтиром,
Хизматида бўлолсам мудом.
Тилда янграр шу эзгу калом:
Отам – тожим, онам – давлатим!

Доим ҳамдам ёрлигингиз бахт,
Оппоқ сочи қорлигингиз бахт.
Бу дунёда борлигингиз бахт,
Отам – тожим, онам – давлатим!

Сизлар борки, бахтиёр мен ҳам,
Сиз ҳамиша жонимга малҳам.
Умр берсин Яратган Эгам,
Отам – тожим, онам – давлатим!

Ўзга ҳиммат керакмас менга,
Шон-у шуҳрат керакмас менга.
Ганж-у давлат керакмас менга,
Отам – тожим, онам – давлатим!

Камолиддин куйлар бир ғазал,
Дилда илҳом жўш урган маҳал.
Энг бадавлат инсонман, азал,
Отам – тожим, онам – давлатим!

ВИЖДОНИНИ ПУЛГА СОТАЁТГАНЛАР

Ғафлат ботқоғига ботаётганлар,
Ўз дўстин қонини тотаётганлар.
Минг афсус, ҳар ерда кўпайиб кетди,
Виждонини пулга сотаётганлар!

Тиланиб учраган шоҳдан, гадодан,
Фойдаланар дўсти қилган хатодан.
Айтинг, қўрқмайсизми Қодир Худодан?
Виждонини пулга сотаётганлар!

Ким арзи ҳолини дил билан ўлчар,
Ким гулзор, дардини гул билан ўлчар.
Одамнинг қадрини пул билан ўлчар,
Виждонини пулга сотаётганлар!

Фирибгар, газанда, доғули улар,
Учраган ҳар дўст-у душманни шилар.
Энг яқин дўстини сотиб, пул қилар,
Виждонини пулга сотаётганлар!

Бизга назар қилманг, не бўлар бизга?
Хатолар илашар, ҳар босган изга.
Яратгандан инсоф сўрайман сизга,
Виждонини пулга сотаётганлар.

ОТА-ОНАНГ ТИРИКЛИГИДА

Майли завқ ол, давронинг сургил,
Бахт-у омад шериклигида.
Дуосидан баҳраманд бўлгил,
Ота-онанг тириклигида.

Энг покиза ҳисга тўласан,
Эзилмайсан, ўйнаб-куласан.
Тоғни урсанг – талқон қиласан
Ота-онанг тириклигида.

Ҳузур топиб еган нонингдан,
Туз тотасан дастурхонингдан.
Бахт аримас хонадонингдан,
Ота-онанг тириклигида.

Ўтгандан сўнг армон керакмас,
Маърака-ю, эҳсон керакмас,
Дийдорингни қизғанмасанг, бас,
Ота-онанг тириклигида.

Ютуқларинг кетмас қўлингдан,
Бахт эргашар юрган йўлингдан.
Омад келар, ўнг-у сўлингдан,
Ота-онанг тириклигида.

То ҳаётсан, хизматида қол,
Кексалиги келмасин малол.
Камолиддин, ризолигин ол,
Ота-онанг тириклигида.

ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ

(ЎША ҚИЗГА)

Шоирларни суйманг сиз,
Эй, кўзлари хумор қиз.
Бошингизга минг бало
Ортиб нима қиласиз?

Шоирнинг чорваси йўқ,
Янтоқ босган ерини.
Ахир, еб бўлмайди-ку
Янги ёзган шеърини.
Шоирларни суйманг сиз,
Дерлар: “Шоир ичади.
Тунлари сизни эмас,
Шеърларини қучади”.
Дерларки: “Айрилиқда
Куйиб яшар шоирлар”.
Сиз каби жанонларни
Суйиб яшар шоирлар.
Опангиз айтган каби,
Шоир бола боқмайди.
Шоирдан шеър чиқар-у,
Ва лекин эр чиқмайди!
Умрингиз ўтар, тинмай,
Кўча-кўйда шамоллаб.
Қўлингиз чарчар, эски
Кастюмини дазмоллаб.
Маили, мақтанг, ардоқланг,
Алқанг шоир зотини.
Фақатгина бўлманг сиз,
Суюклиги, хотини...
Шоирнинг айблари кўп,
Дачаси йўқ, боғи йўқ.
Гапингиз тўппа-тўғри,
"Шоирларнинг соғи йўқ!"

Ойжамол, оқ юзингиз,
Уполардан тиниққан.
Аслида, шоир зоти,

Эл дардига йўлиққан.
Шоирнинг, миллат деган,
Эрк деган савлати бор.
Тиллоси йўқдир, аммо,
Шеър деган давлати бор!
Бу Дунёнинг ганжлари,
Моли, бир пулга қиммат.
Шоир зоти, меҳрни,
Улашади, беминнат.
Сиз ошиқни эрмаклаб,
Сўнг қонини тотасиз.

Муҳаббатни бойликка,
Алишасиз, сотасиз.
Аслида гўзалликни
Суйиб яшар шоирлар.
Ватан, эл-юрт дардида
Куйиб яшар шоирлар.
Шоирларнинг номуси,
Осмон қадар, ори бор.
Юки бор елкасида,
Бошида рўзғори бор!
Шоир бир қўли билан
Шеър захмини ортади.
Бир қўл билан, рўзғорнинг
Аравасин тортади.

Ҳар кимса эмас қодир,
Ишқ завқига тўлмоққа.
Таннозлар лойиқ эмас
Унга хотин бўлмоққа.
Минг йилда, англолмайсиз

Ўжар, шоир зотини.
Покиза қалб гўзаллар
Бўлгай унинг хотини.
Тунлари ухлолмасдан,
Қондан ғазал битади.
Бор-йўғини қўш-қўллаб
Миллатига тутади.
Шароб эмас, ишқ дардин
Ичар экан шоирлар.
Сўзни қиздек эркалаб,
Қучар экан шоирлар.

Таннозойим, ранжиманг,
Тортманг сира хижолат.
Шоир зоти бозорда,
Қилолмайди тижорат.
Суриштирмай ҳаётин,
Даласини, ерини.
Яхшиси меҳр билан,
Ўқинг ёзган шеърини.
Мардга ини тутинмак
Асл мардлар хислати.
Шеърга жонин тўшамоқ
Шоирларнинг қисмати.
Онадек азиз билгай,
Она тупроқ гардини.
Елкасида кўтаргай
Миллатининг дардини.
Шоирга меҳр – давлат,
Шеъри – бойлиги, зари.
Шоирлар Яратганнинг
Эркатои бағдалари!

ЭРКАКЧА ГАП

Азалдан мардларга муҳтождир Ватан,
Мард йигит, оила кўрки, қуёши.
Эр йигитнинг кўкси муқаддас маскан,
Унга қўйилажак: гўзалнинг боши.
Бас, шундайин экан, эрга ярашмас,
Асрий анъанага рўй-рост тупурмоқ.
Барча гуноҳларни қилиб басма-бас,
"Йигитчилик" дея оғиз кўпирмоқ.

Йигитчилик нима? Йигитлик синов,
Чўғларда тобланмоқ самандар каби.
Эл дарди йўлида кечганда олов,
Ўшанда оқланар эрлик мансаби!

Фақат:

Йигит зотин, этар фаромуш,
Бақувват вужудни тебратар титроқ.
Менимча, эркакка энг оғир юмуш:
Йўқчилик ҳақида гапирмоқ...

БАҲОР КЕЛГАНИГА ЎХШАЙДИ

Бир ажиб тонг, юз очди куртак:
"Кўтар, - деди, - ғамдан бошингни!"
Қулоғимга шипшиди шамол:
"Соғиндингми, қаламқошингни?"
Тупроқ иси тутди хонамни,
Маҳзун боқди новдадан шабнам.
Янги кўкни кўзига суриб,
Чучваралар қовурди онам.

Омонликми, сомонлик энди?
Тушгандайман баланд қоядан.
Энтикиш ва бир чимдим илҳом
Тилаб олдим бедапоядан.
Мунча оғир келди қаҳратон?!
Мунча оғир ситамлар ичдим?!
Соф ҳаводан нафас олдим-у,
Сўнг оҳиста расмингни қучдим...
Қаҳратоннинг қадами тинди,
Қара, кўклам кўкин тўшайди.
Тур, қошингга ўсма қўй энди:
Баҳор келганига ўхшайди!

ДАРВЕШОНА

Ҳақ дўст, мавлон дўст!
Дарвешона зикрдан.

Тортиб, ранжу-маломат,
Нолон бўлгай охири.
Жисм отли иморат
Вайрон бўлгай охири.

Ўртанар бахшиларинг,
Наққош-у, нақшиларинг.
Сийлаган яхшиларинг,
Ёмон бўлгай охири.

Не кўрибсан туғилиб?
Бахт ридосин суғуриб,
Ҳасратларинг йиғилиб,
Достон бўлгай охири.

Кунда ҳолинг сўрганлар,
Атрофингда юрганлар,
Аҳволингни кўрганлар,
Ҳайрон бўлгай охири.

Беҳуда эрмакларинг,
Эртагинг, чўпчакларинг,
“Дард” деган кўлмакларинг
Уммон бўлгай охири.

Айт, неларни кўзладинг?
Қаҳ-қаҳ урдинг, бўзладинг,
Ортингдаги изларинг
Армон бўлгай охири.

Етмагайлар оҳингга,
Қулагайсан чоҳингга.
Савобинг, гуноҳингга,
Товон бўлгай охири.

Не ўтса, ўтди ўздан,
Ҳаловат кетди ўздан.
Надоматларинг кўздан
Равон бўлгай охири.

Гулмикан, тикан умринг,
Бир кема экан умринг,
Абадий деган умринг
Хазон бўлгай охири.

Бунда ҳар жон ўткинчи,
Фоний жаҳон ўткинчи,
Сен-у менсиз ўтгувчи,
Замон бўлгай охири..

ОМАДСИЗ ЙИГИТ

Омад кетди йигитдан,
Кўпайди кам-кўстлари.
Бегонага айланди
Жўралари, дўстлари.

Омад кетди йигитдан,
Ғийбатлари хўп бўлди.
Ортидан иғво қилиб,
Тош отганлар кўп бўлди.

Омад кетди йигитдан,
Надомат бўлди шерик.
Рўзғорига ёпишди
Нотовонлик, йўқчилик.

Бечоранинг юраги
Йўқсилликка илинди.
Асли ким қандайлиги
Шу заҳоти билинди.

Омад кетди йигитдан,
Кенг дунёлар тор бўлди.
Заррача илтифотга
Маҳтал бўлди, зор бўлди.

Омад кетди йигитдан,
Тополмади йўлини.
Йиқилганида ҳеч ким
Узатмади қўлини.

Фақат сенга юкингай
Ёдинг, мададинг малҳам.
Йигитни ёлғизлатма,
Ўзинг паноҳ бер, Эгам!

Бандани ёруғ йўлга
Йўллагувчи Ўзингсан.
Йиқилганларни суяб,
Қўллагувчи Ўзингсан.

Тангрим, ҳадсиз йўлларда
Хор қилмагин йигитни.
Ўзингдан ўзгасига
Зор қилмагин йигитни.

Бандаси ҳеч ким, асли,
Банда беш кунли меҳмон.
Ер-у кўкнинг султони
Танҳо Ўзинг, Художон.

Омад кетди, йигитдан,
Кўксига ғам тўлдирма.
Бир йиқилган бандангни
Умидини сўндирма!

Омад кетди йигитдан,
Жовдиради кўзлари.
Гоҳо оғир ботади,
Аёлининг сўзлари.

Омад кетди йигитдан,
Ғамлар дилин ғашлайди.

Туянинг устидан ҳам
Дайди итлар тишлайди.

Омад кетди йигитдан,
Оғир тортар нафаслар.
Иш ўргатар ўзича,
Чала туғилган каслар.

Қачон эл қутуларкан
Ҳасад деган иллатдан?!
Қўлимни ювдим, оға,
Шу бевафо омаддан:

Эр йигитни хор қилиб,
Қон йиғлатар бўлса гар.
Бир пулга қиммат экан
“Омад” деган баччағар...

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Тонг ошга борасан, оқшом – базмга,
Довруғинг сиғмайди, шаҳри азимга.
Эй, сен, нодон бола, ўхшадинг кимга?
Ўзингга саволлар бердингми такрор?

Номингни эшитса хуркади одам,
" Пулларим кўп, - дейсан, - шу менга малҳам".
Эслаб боқ , ўтириб, одамдай бир дам:
Қай бир гуноҳингга бўлгансан иқрор?

Яратган сенга хўп айлабон ҳиммат,
Кўпдан кам айламай, берибди давлат.

Бирор кун таъмасиз, сокин, беминнат
Сендан ризо бўлди қай битта ночор?

Бу давлатнинг ҳар бир тийини қадар
Ҳисобин берурсан, ўйласанг агар.
Ҳақнинг даргоҳида ҳамма баробар,
Сен шунинг ғамин еб, бўлдингми бедор?

Париж учдинг, сўнгра бординг Амриқо,
Денгиз кечдинг, хуллас кездинг бор дунё.
Сен бормаган манзил қолмади, аммо,
Отанг мозорига бордингми бир бор?!

ҚАЙДАНАМ БИЛСИН?

Юрт учун тунлари бедор юрмаган,
Элим деб кўксига муштин урмаган.
Тўртта товуғига катак қурмаган,
Ватаннинг қадрини қайданам билсин?

Лабда қизил бўёқ, эгнида нимча,
Кийгани уззу-кун тор, тажанг шимча.
Чиройига бино қўйган ойимча,
Йигитнинг дардини қайданам билсин?

Ишқ бу кимлар учун бир умр армон,
Кимга ҳасрат, кимнинг дардига дармон.
Севги нималигин билмаган нодон,
Хотиннинг фарқини қайданам билсин?

Дассти баланд бўлар, дейдилар, шернинг,
Қадри баланд бўлар туғилган ернинг,

Хотинлар таваккал топилган эрнинг,
Мард-у номардини қайданам билсин?

О бу инсон зоти ақлдан тонган,
Мол-дунё ҳирсида ёнгани-ёнган,
Худо олдидаги узилмай қолган
Бир дунё қарзини қайданам билсин?

ЛАБЛАРИНГИЗ ПИЧИРЛАЙДИ

Лабларингиз пичирлайди, пичирлайди,
Шу лабларга капалакдек қўнолсайдим.
Лабингиздан бўса олган ўша дайди,
Шамоллардек бўлолсайдим,
Бўлолсайдим...

Мен нотовон, сокингина термуламан,
Борган сари, ортиб борар ҳавасларим.
Термуламан, яна-яна термуламан,
Тезлаб борар, тезлашади нафасларим.

Лабларингиз пичирлайди, майин-майин,
Ўксинаман, ҳорғин ўксинганим сайин.
Куйган дилга қийин экан нозанин қиз,
Суйган дилга қийин экан, жуда қийин...

Мен тунлари ўртанаман, сизни эса
Тонглар сочингизни силар, ҳур-малаклар.
Жон томирим узилади "севдим" деса
Лабингизга қўнолмаган капалаклар.

Ҳар тун, сабо бўса олмиш сиздан, дилдор,
Менинг ўшал саболарда аламим бор...

ГУНОҲ

Дилимдагин Худо билади,
Кунда ҳасрат бағрим тилади.
Ҳижронимда куйиб қолган қиз,
Сизни севсам – гуноҳ бўлади.

Сабо айтар, "Сочларидан ўп,
Илиб кетар ошиқлар бир тўп."
Оҳ, шундоғам гуноҳларим кўп!
Сизни севсам – гуноҳ бўлади.

Сиз гўзалсиз, жуда бетакрор,
Изингизда ошиқлар бисёр.
Ахир, менинг икки болам бор,
Сизни севсам – гуноҳ бўлади...

ҲИКМАТ

(ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВГА)

Чексиз саҳро узра, шовулар шамол,
Елкалаб заминнинг тупроқларини.
Тўлқинлар сийпалар бир она мисол,
Тўполондарёнинг қирғоқларини.

Тошқанда бир ўғлон термулар, маъюс,
Кўзлари нигорон боқар дунёга.
Қаерда бўлмасин, кеча-ю кундуз
Хаёллари учар Сурхондарёга.

Оҳ, ота юрт дарди, шу қадар буюк,
Бир зум кетолмайсан ундан нарига.

Чорлайди туйғулар баридан суюк,
Болаликнинг сирли сарҳадларига.

Болалик, ўсмирлик, мусофирчилик,
Бу йўлларга боқиб дийдалар толган.
Қувончига шерик, дардига шерик –
Отанинг кулбаси Бойсунда қолган.

Қоғозларга бир-бир тўкилар армон,
Саҳифалар тўлар дақиқа сайин.
Олисдан туриб ҳам англайди Сурхон,
Ёзувчи ўғлининг изтиробларин.

У тинмай ёзади, тинмайди шаҳди,
Оқ қоғозга тўкар дардин, ноладин.
Шамоллатишга ҳам етмайди вақти
Тутунларга тўлиб тошган хонадин.

Биз-чи, биз, бир текис, яшайвердик, жим,
Кўникиб ҳаётнинг завқи, жабрига.
Тириклик дардидан изладик таскин,
Гоҳ етдик, етмадик, унинг қадрига.

Кимлардир жар солди ёқа йиртиб, кенг,
Ўқиб, англадим деб, асл ҳаётни.
Буюклигин билди ўтганидан сўнг
Холмирзаев битган адабиётни.

Кўнгил одамига не керак асли?
Бир чимдим эътибор ва озроқ меҳр.
У ёзиб тинмади йилнинг тўрт фасли,
Ёзувчига ортиқ не кор бор, ахир?

Ёнида қолгани – ўғил-қиз бўлди,
Чорламади хушрўй, гўзал чаманлар.
Узун тунлар узок ўйларга чўмди,
Дунёга келганда янги романлар.

Бизда азал шундай, бир иллат ғолиб,
Узоқ ўйланамиз бошимиз қашлаб.
Мақтанамиз, аввал ўлдириб олиб,
Сўнг қат-қат китобин чиқариб ташлаб.

Самимий сўзларин тинглаганмиди
Ўзича бир тотли ганжга ботганлар?
Кеча унинг дардин англаганмиди
Бугун у ҳақида вайсаб ётганлар?

Бугун унинг ёди мангу барқарор,
Ҳақиқат жаранглар хитобларида.
Асрлар қатига сингиган дард бор,
Ҳар қисса, ҳикоя китобларида.

Мен бугун оҳиста, тингладим, ҳорғин
Юракнинг ҳақ айтган суҳбатларини.
Китобдан руҳимга сингдирдим, сокин
Шукур Холмирзанинг ҳикматларини...

РЎМОЛЛИ ҚИЗ

(X... га)

Фаришталар олиб кетмиш хаёлингни,
Нигор, кимга ҳадя қилдинг рўмолингни?
Атиргулга айтиб-айтиб қарорингни,
Дилдор, кимга ҳадя қилдинг рўмолингни?

Чархи палак, айтгил, қачон тўхтар экан?
Вақт умрни пойларингга тўшар экан.
Анов варрак рўмолингга ўхшар экан,
Эй, ёр, кимга ҳадя қилдинг, рўмолингни?

Киприк билан дардларимни терган эдинг,
Қошларингни мағрур-мағрур керган эдинг.
Рўмолингни фақат менга берган эдинг,
Такрор кимга ҳадя қилдинг рўмолингни?

Кунлар сайин ҳижрон байтин битмоқдасан,
Юрагимни тилка-пора этмоқдасан,
Айтгил, нечун, бошинг очиқ кетмоқдасан?
Маккор, кимга ҳадя қилдинг рўмолингни?!

Эй, ёр, кимга ҳадя қилдинг рўмолингни?..

ЯШАШ КЕРАК!

Дардингни одамдай тинглолмайдилар,
Меҳрини гиламдек тўшаб юрганлар.
Танангдан не ўтар, англолмайдилар,
Бир умр ёнингда яшаб юрганлар...
Не-не ташвишларга айладинг тоқат,
Саробга айланди энг сўнгги илинж.
Собиқ севгилингдан қолгани фақат:
Бир чимдим муҳаббат, бир тутам соғинч!
Кимнидир кутасан, энтикиб, илҳақ,
Йўлларга нигорон қадалган кўзинг.
Гоҳо базмларда тутасан қадаҳ,
Гоҳ ўтга соласан ўзингни-ўзинг.
Атроф тўла одам, битта сирдош йўқ,

Ғалаён дунёдан қочасан қаён?
Қўксингни бир ёмон куйдиради чўғ,
Ўзингдан ўтгани – ўзингга аён.
Фақат битта таскин – бир умр ҳамроҳ,
Фақат бир мурувват – қалбингга малҳам.
Тангрим ёлғизгина жонингга паноҳ,
Сени ёлғизлатмас Яратган Эгам!
Ўртанма, тик боқиб дарднинг юзига,
Ҳақ берган ризқини ошамоқ керак.
Мудом шукроналар айтиб, Ўзига,
Яшаш керак!
Яшаш, яшамоқ керак!!!

ОТАМНИНГ УЙИ...

Ёшлигим!
Хотирлар кўрсатишар бўй,
Ёдимда, бир майин сатрлар битдим.
Қишлоғим четида қора тортган уй,
Қўйнингдан қуш каби учдим-у, кетдим.

Сўнг йиллар талади тортқилаб тинмай,
Чалажон қилдилар орзуларимни.
Пойингга сочаман андеша қилмай,
Тириклик топтаган туйғуларимни.

Умримни юлқилаб тинмади шеърим,
Ҳасрат аримади жигарпорангдан.
Меҳр кўрган гўшам, туғилган ерим,
Айт, нима наф кўрдинг шоир болангдан?

Ота юрт, она эл, ўзимдек содда,
Тушларимда сени алқадим, қучдим.

Майсалар бўйнига терилган шода,
Дардингни ҳовучлаб келади ичгим.

Ғариб остонангдан ҳатладим, секин,
Танамни титратди райҳонлар бўйи:
Сўқмоқ йўллар аро термулиб сокин,
Мени қанча кутдинг Отамнинг уйи?
Мени қанча кутдинг, Отамнинг уйи...

ЗАЙНАБГА

Хотиралар сарҳадларида
Сокин хаёл суради Зайнаб.
Неча кундир ҳеч қанда қилмай,
Тушларимга киради Зайнаб.

Кўзларида оғир сукунат,
Илҳақ боқар, термулар кимга?
Сочларидан чорлайди зулмат,
Киприклари ботар кўксимга.

Зимистондан излайди паноҳ,
Чорлайверар кўксимни эзиб.
Сўнг уйғониб кетаман ногоҳ,
Пешонамдан қаро тер сизиб...

Тушларимга киради Зайнаб,
Билмам, ҳануз излайди кимни?
Мени чорлар, ёнига имлаб,
"Тоғиб бер" дер суюклигимни.

Уни ўйлаб ўтади куним,
Хаёлларим бўлар паришон.

Оғринади, оғрийди дилим,
Юрагимни эзғилар гумон.

Мени ўтга солар изтироб,
Оғринаман олисга бўйлаб.
Кундузлари тортаман азоб,
Тунлар ўтар Зайнабни ўйлаб.

Шунчакимас изтиробларим,
Бекор эмас кўрилган тушлар.
Мени қаттиқ қийнайди, синглим,
Бугундаги сохта Кумушлар.

Мен-ку, дарддан кетаман нари
Ва кўмаман чалажон тушни.
Унинг суйган ёри тунлари,
Сочларини силар Кумушни.

Тош отамиз билиб ё билмай,
Англолмаймиз армонларини.
Узун тунлар ҳидлайди тинмай
Отабекнинг чопонларини.

Зайнабларга тўзим бер, Тангрим!
Сендан ўзга бир паноҳ қайда?
Жоним опам, муштипар синглим,
Сенга кун йўқ кундошли уйда.

Тушларимга киради Зайнаб,
Тор сўқмоқдан қайга чопаман?
Ўзинг менга сабр бер, Ё Раб,
Отабекни қайдан топаман?!

Тушларимда ором йўқ, санам
Лол қоламан бардошларига.
Кечалари бир муштипарнинг
Чўмиламан кўз ёшларига.

Қийин, ахир, иккала дунё,
Яшамоқлик ғуссани чайнаб.
Тушунтиринг, Қодирий бобо,
Заҳар ичган Кумушми, Зайнаб?

ДЎСТ

Дўст ким у? Дўстликдан сўзлаган ҳам “дўст”,
Ўлдириб ортингдан бўзлаган ҳам “дўст”.
Шундоқ ёнгинангда тузинг еб туриб,
Суйган дилдорингни кўзлаган ҳам “дўст”.

Айланар жонингнинг парвонасига,
Давлатингнинг маст-у мастонасига.
Ишинг тушиб борсанг остонасига,
Минг битта баҳона излаган ҳам “дўст”.

Кечир, мен сўзладим билиб ё билмай,
Эски ғазал айтиб бағрингни тилмай.
Пиёда қолсанг гар ҳурматинг қилмай
Пулинг кўпайганда сизлаган ҳам “дўст”.

Қўй мендан яширма кўзинг ёшини,
Эгма эгилмаган марднинг бошини.
Изларингдан қалаб ғийбат тошини,
Ёнингда ер чизиб музлаган ҳам “дўст”.

Сомон тикмоқ бўлар терингни шилиб,
Гоҳ илтифот этар назарга илиб,
Бир бутун нонингни яримга қилиб,
Насибангдан қийиб тузлаган ҳам дўст.

Дўст кимдир? – дўстликдан сўзлаган ҳам дўст,
Ўлдириб, ортингдан бўзлаган ҳам дўст,
Ишинг тушиб борсанг остонасига,
Турфа хил баҳона излаган ҳам дўст...

ЎГИТ

*Бўйним эгилгунча кетсин узилиб,
Орият йўлида кўкси қалқонман...*
Муҳаммад Юсуф.

Бошингни эгма, ўғлим,
Турфа таги пастларга.
Ҳар нотавон касларга
Ранжитма, тегма, ўғлим,
Бошингни эгма, ўғлим!!!

Киприкда армонларим,
Турар шундоқ тизилиб.
Эр боши эгилгунча
Кетсин шартта узилиб...

Эгилганни элакка
Солар экан бу дунё.
Кўнгилчандан аламин
Олар экан бу дунё.

Кўнгилчан бўлдим, болам,
Ўтга тутдим ўзимни.

Оқибат душман тепди,
Дўстим ўйди кўзимни.

Камтарин бўлдим яна,
Тош отганга гул отдим.
Нонкўрнинг бошин силаб,
Айт, болам, нима топдим?!

Бошингни эгма, ўғлим!
Нафс домига илиниб.
Нигоҳингдан ғуруринг
Турсин шундоқ билиниб.

Разилларнинг дўстига
Садоқати бўлмайди.
Разил ўлар-у, аммо,
Разилликлар ўлмайди!

Йигитни қирққа кирмай,
Йиқар экан йўқчилик.
Тириклайин тупроққа
Тиқар экан йўқчилик.

Тирикчилик танг қилиб,
Ҳам бепичоқ сўяркан.
Арслонни – қўнғизга
Муте қилиб қўяркан.

Токи эрлик мақоми
Баланд, пойидор бўлсин.
Бу туғни кўтарганлар
Мангу барқарор бўлсин!

Шама бұлма, таъм бұлма
Бемазалар чойига.
Мардлар боши эгилмас
Калтабинлар пойига.

Фақат бир ўтинчим бор,
Айтай умрим битгунча.
Эгамга эгил, токим
Жонинг чиқиб кетгунча!

УМР (..га)

Умринг ўтиб борар, малагим,
Кунинг дардга қораётирсан.
Ҳаммасини ичга ютиб, жим
Унсиз кетиб бораётирсан.

Ҳаёт сокин, карвондир гўё,
Битта бошда минг бир муаммо,
Паст-у баланд сўқмоқлар аро,
Йўлсиз кетиб бораётирсан...

Нигоҳларинг чулғаб хавотир,
Узун тунлар эзасан, бағир.
Кўксинг тўла айтилмаган сир,
Тилсиз кетиб бораётирсан.

Ғам кўзларин ёполмаяпман,
Сукутдаман, чополмаяпман.
Харчанд излаб тополмаяпман,
Изсиз кетиб бораётирсан.

Эгик бошинг, кўзда ёшинг бор,
Қаноатинг ҳам бардошинг бор.
На ҳамроҳинг, на сирдошинг бор,
Ёлғиз кетиб бораётирсан.

Ўздан кечиб, дарддан кечолмай,
Висол деган майдан ичолмай,
Суйганингни бир бор қучолмай,
Қўлсиз кетиб бораётирсан.

Мудом хумор кўзларингда нам,
Энтикасан, ранжийсан бир дам,
Тупургансан муҳаббатга ҳам
Дилсиз кетиб бораётирсан...

Таскин кутиб, назм-у наводан,
Нажот тилаб, рост-у риёдан,
Энг ёмони ғариб дунёдан
Менсиз кетиб бораётирсан...

МУҲАББАТ НЕ?

Муҳаббат не – айтиб Бер, санам,
Кимга исён, кимгадир алам,
Муҳаббат бир ўзгача олам,
Бир афсона, масал муҳаббат.

Муҳаббат не? Муҳаббат ихлос,
Нигоҳлари фариштага хос,
Одам Ато, Ҳаводан мерос,
Бизга азал-азал муҳаббат.

Унга дунё қайғуси нима,
Нозанинлар кулгуси нима?
Гўзалларга “гўзалсиз” дема,
Гўзаллардан гўзал муҳаббат.

Муҳаббат не? Муҳаббат бир чўғ,
Ошиқларнинг кўксидаги ўқ.
Унинг чеки-чегараси йўқ,
Ердан осмон қадар муҳаббат.

Бир дард бағрим тилгани-тилган,
Бир гўзал шўх кулгани-кулган,
Гул шохига шабнамдек инган,
Томчи-томчи асал муҳаббат.

У бир тилак, у буюк армон,
Гоҳо висол, гоҳида ҳижрон.
Кимни бўлгай дардига дармон,
Кимни қилгай касал муҳаббат.

Билмам, не дард манглайга битган,
Не қисмат, ғам ёқамдан тутган.
Чўлда Мажнун ёндириб кетган,
Ўчмайдиган машғал муҳаббат.

Қачон бўлгай висол муяссар?
Армонларим ер-у кўк қадар.
Англаганим – биздан ҳам баттар
Ўжар экан, ўжар муҳаббат.

Қанчаларни гирён йиғлатган,
Қанча қалбни вайрон йиғлатган.

Шоирларни қон-қон йиғлатган
Ёзилмаган ғазал муҳаббат.

Дили йўқлар не сўзлар демас,
Тили ўқлар не сўзлар демас:
Кўзларингдан томган ёш эмас,
Ўша севги, ўшал муҳаббат...

БАЪЗИЛАР

Баъзилар бор!
Пулинг бўлса бас:
Етти пуштинг гулга ўрайди.
Кўришганда ҳолингни эмас;
Мансаб-мартабангни сўрайди.

Баъзиларда "виждон бор", лекин
Кемиради, учраса текин.
Тўй-ҳашамда, эгилиб секин
Кийган кийимингга қарайди.

Уларни ҳам тушун-да, ахир,
Ифвогарлик шароби тахир.
Ота-бобом айтган бир нақл:
"Илонлардан – илон тўрайди".

Омад ётса ёнингда кулиб,
Анҳорларинг оққанда тўлиб,
Индамасанг: дайди ит бўлиб,
Келиб оёғингни ялайди.

Хушёр тортиб қолар баъзилар,
Нигоҳлари ханжардек тилар.
Ҳаёт сени йиғлатса, улар
Тиржайиб қўйишга ярайди...

ИККИ ТОМЧИ

Дунёнинг турфа хил ғамларин кўрдим,
Суронли, осуда дамларин кўрдим.
Дунё бир кам дея уқтирма менга,
Шундоқ ҳам неча минг камларин кўрдим...

* * *

Бир сўзни уқмасдан маъно талашма,
Ким Мажнун эмассан, Лайло талашма.
Эй, сен, иззатталаб, такаббур инсон,
Кенг дунё ичинда дунё талашма!

ИЗТИРОБ

(ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДАГИ ЎЙЛАР)

Мени бир изтироб қийнайди ҳамон,
Кўксимни бир туғён қиймалар ёмон.
Ўткинчи дунёда нелар талашиб,
Нечун қақшатади инсонни – инсон?!

Инсон буюк сорбон, инсон бечора!
Инсон ўз ғамига ўзи овора.
Дайди фарзандларин яраштиролмай,
Ғамгин, лол-у ҳайрон она сайёра.

Бир ёнда талотўп, қайта қуришлар,
Бир ёнда ёқа-енг, ҳар ён суришлар.
Заминнинг бағрини тўлдирди қонга,
Одамзод бошлаган чексиз урушлар.

Айт нечун, бағрингни қонатар тикан?
Инсонсан!!!
Одамсан – оқ тан, қора тан!
Нечун бошинг эгик, қўлинг мудом қон,
Нима талашасан ғариб дунёдан???

Миллат талашасан, миллатинг нима?
Оёғинг остида ғанимат кема.
Иймон талашасан, эгнингда ридо,
Гўёки иймонсиз қолгандек дунё?!

Аросат, кин дединг, бир- биринг единг,
Қайда таскин дединг, бир-биринг единг.
Ўйлаб боқ, бу замин гултожи бўлиб,
Бир-биринг емоққа яралганмидинг?

Ирқ талаш, оқибат, иймон талашмоқ,
Тиғ суқиб, қондошин, қонин ялашмоқ.
Қай махлуқ, қай жонзот, кимга хос, аммо,
Одамзод феълига ярашмас асло!

Сабабким, Инсонмиз – оқ тан, қора тан,
Биз учун яралган шу гўзал чаман.
Биз Одам Атодан зурриёт, жигар,
Барчага Ер деган, Сайёра – Ватан!

Жаҳон кенг, кенг бўлинг, кенг гўзал очун,
Инсоният асли кўркам, бир бутун.
Ўн саккиз минг олам соҳиби Эгам,
Барчани яратган яшамоқ учун!

Мен ҳам бир зарраман, бир хаста, нодон,
Ўз ҳолига ҳайрон, юраги вайрон.
Миллат, элат, ирқим битта, айтаман:
Ирқим – бани Одам, миллатим – Инсон!!!

ПАХТАЗОРДА ТУҒИЛГАН АКАМ

Пахтазорда туғилган акам:
Кўринишдан туюлар бекам,
Асли кўнгли тўла дард, ситам,
Пахтазорда туғилган акам.

Қачон кўрсам, қўлида кетмон,
Соддагина, беғараз инсон.
Бахт тилайди душманига ҳам,
Пахтазорда туғилган акам.

Гоҳ тириклик ишқида куйдим,
Баъзан бирров йўқламай қуйдим.
Бўлолмадим жонингга малҳам,
Пахтазорда туғилган акам.

Чаккасини оҳиста қашлаб,
Кифтга қадок қўлларин ташлаб.
Жилмаяди: "Сенга нима кам?"
Пахтазорда туғилган акам.

Меҳр дейман, меҳр кам менга,
Қачон тиргак бўламан сенга?
Ўйланади: ким тўкис укам?"
Пахтазорда туғилган акам.

Орзу қилмас тиллони, зарни,
Ўйламас “пул” деган занғарни.
Боласидан зиёд кўради
Далаларни, тракторларни...

Уйи куйсин тирикчиликни
Аямайди, нимжон, йирикни.
Улоқтиргин кетмонни бир дам!
Пахтазорда туғилган акам.

Пахтазорда туғилган акам:
Қатра нурдек таралганмидинг?
Меҳнат учун яралганмидинг?!
Пахтазорда туғилган акам.

Мен ўзимни аядим кўпроқ,
Сенга ошно бўлди шўр тупроқ.
Пешонангда йилтирар шабнам,
Пахтазорда туғилган акам.

Саҳармардон чопасан токай?
Келгин, қадоқ қўлингдан ўпай:
Томчилайди кўзларимдан нам,
Пахтазорда туғилган акам.

Далам дединг – ич этинг единг:
Болам дединг – ич этинг единг.

Пахтазорда туғилгунча сен
Шаҳарларда туғилмасмидинг?!

Кел, ёнимда, сўрида ўтир,
Мен тошбағир укангни кечир.
Ахир деҳқон боласи мен ҳам,
Пахтазорда туғилган акам.

Менман – куйган юрак ноласи,
Бечоралар энг бечораси.
Онамнинг соддадил боласи,
Пахтазорда туғилган акам...

АНГЛАМОҚ

Мен Ватанни гул умримнинг наҳоридан англадим,
Шабнамларнинг тўкилмаган оҳоридан англадим.

Мен Ватанни зардан эмас,
баландпарвозлардан эмас?!
Онам ёпган ширмойларнинг ифорида англадим.

Мен Ватанни гўдак чоғим,
хаёлимда қучганча-жим.
Кипригимга инган тупроқ , ғуборидан англадим.

Ватан недир? Ватан бир боғ,
Ғариб кўнглим суянган тоғ.
Мен Ватанни қиш, кузак , ёз, баҳоридан англадим.

Ватан недир? Ватан бир ком,
Унинг ҳар сарҳади илҳом.
Мен Ватанни юрагимнинг хуморидан англадим.

Ватан хоки тиллога тенг,
Ватан чексиз, Ватан ҳур, кенг.
Ватанни Ғиждувон, Бойсун, Ғузоридан
англадим.

Мен Ватанни зўрдан эмас,
Остонадан, тўрдан эмас?!
Боболарим ётган қўҳна мозоридан, англадим.

БИР ЖИЛМАЙИБ ҚЎЙИНГ...

Сочларингиз ифорларини
Дайди еллар олиб кетади.
Менга берманг дунё зарини,
Бир жилмайиб қўйинг... етади.

Термуламан меҳр ахтариб,
Елкамдан бахт юкин ағдариб.
Не сўрардим сиздан мен ғариб?
Бир жилмайиб қўйинг... етади.

Ажралишмоқ тақдири азал,
Фақат ўзим суйдим бемаҳал.
Менга дунё керакмас гўзал,
Бир жилмайиб қўйинг... етади.

Соғинч қийнар бағримни ёқиб,
Безовтаман хаёлда оқиб.
Узоқлардан бўлса ҳам боқиб,
Бир жилмайиб қўйинг... етади.

Бизга армон – висол минбари,
Кокилларнинг мушки анбари.
Ўзингизга буюрсин бари,
Бир жилмайиб қўйинг... етади.

Қувонардик ҳимматингиздан,
Камаймасди давлатингиздан.
Ҳеч бўлмаса суратингиздан,
Бир жилмайиб қўйинг... етади.

Ишқни суймас замона зайли,
Ошиқ хаста, армон туфайли.
Ўлганимда йиғламанг, майли,
Бир жилмайиб қўйинг... етади.

ОДАМЗОД

Аввал меҳр тутиб беминнат,
Жон талашди куйди, одамзод.
Сўнг меҳрга тупурди фақат:
Мол-дунёни суйди одамзод.

Манманлик, кибрни қўймади,
Нодонлик, жабрни қўймади,
Худбинлик, фирибдан тўймади,
Оқибатдан тўйди одамзод.

Хиёнатнинг таълимин уқиб,
Асл ишқнинг дафтарин ёқиб.
Муҳаббатнинг бошига чиқиб,
Кўзларини ўйди одамзод.

Минг балони қилди ихтиро,
Дайдиради сўқмоқлар аро.
Қилиғидан нураса дунё,
Томошага йўйди одамзод.

Хислат бор деб парча терида,
Омад қушин билди бўрида.
Қафас ясаб уйин тўрида,
Қуш хирмонин уйди одамзод.

Товус еди қушлиги учун,
Нафс сиртмоғи тушлиги учун.
Оний кўнгилхушлиги учун,
Шерга қопқон қўйди одамзод.

Арслонни ўйнатиб цирқда,
Маза қилди ботганда ширкка.
Ўзни ажраб, кофир, мушрикка,
Бошдан айрон қуйди одамзод.

Энг ёмони иғво ярашиб,
Ҳасад билан суқ-ла қарашиб.
Кенг дунёда, дунё талашиб,
Бир-бирини сўйди одамзод...

БИЗНИ КУТАР ҚАНЧА КўНГИЛЛАР

Олис йўллар, олис манзиллар,
Бир-бирига муштоқ бу диллар.
Гулдасталар ясар сингиллар,
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

Ҳаловатдан кечиб келдик биз,
Ишқ шаробин ичиб келдик биз.
Сиз томонга учиб келдик биз,
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

Йўллар юрдик доволар ошаб,
Соғинч бирлан дард бирлан яшаб.
Пойимизга пояндоз тўшаб,
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

Бизни қирқиб ўсмасин ғаним,
Нина сочиб ўтмасин ғаним.
Йўлимизни тўсмасин ғаним,
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

Биз шу башар фарзандимиз дўст,
Шу миллатнинг дилбандимиз дўст.
Бизга муштоқ қанча қорақўз?
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

Шеър дардига ўралганмиз биз,
Наво бўлиб таралганмиз биз.
Шу эл учун яралганмиз биз,
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

Насиб этса сўлмагаймиз ҳеч,
Барги хазон бўлмагаймиз ҳеч.
Барҳаётмиз, ўлмагаймиз ҳеч,
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

Магар ўлсак дилда не қайғу?
То бор экан ишқ деган туйғу.

Шеъримизда яшаймиз мангу,
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

Ўлмагаймиз мангу барқарор,
Бизга бўлгай Парвардигор ёр.
То дунёда бедор қалблар бор,
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

Кечворганмиз ҳаловатгача,
Бор роҳат-у фароғатгача.
Маҳшаргача, Қиёматгача,
Бизни кутар қанча кўнгиллар!

ҚОРА ҚОЗОН

(Шоирларнинг даромади қанчалигига
қизиққанлар учун, ҳазилнамо...)

Қачон тўлар бу рўзғор ўлгур?
Нарх-у наво, ўйнаб турибди.
Йўқдан кўра бор, минг бор шукур,
Қора қозон қайнаб турибди.

Қунда ақча санар савдогар,
Пулнинг чиққан еридир, жигар!
Нолиб қолар сўрасанг агар:
"Қора қозон қайнаб турибди."

Қора қозон қайнамай ўлсин!
Қайнамаса ҳар бало бўлсин!
Уйгинаси буғдойга тўлсин,
Қора қозон қайнаб турибди.

Ўн икки ой қўлида кетмон,
Даласидан излайди дармон.
Тиржаяди, бечора деҳқон,
"Қора қозон, қайнаб турибди."

Титкиласа бор-у бисотинг,
Эски чориқ чиқмоқлиги чин!
Шукур қилиб яша-да, хотин,
Қора қозон қайнаб турибди.

Дўст-дўстига берар маслаҳат,
"Қорин тўйдирмайди муҳаббат!"
Меҳнат қилдик, мана, оқибат:
Қора қозон қайнаб турибди.

Рўзғор, мени қилдингку тамом,
Билиб бўлмас шом-у азонинг.
Билолмайман, - айтақол, қачон,
Оқаради, қора қозонинг ???

Шоирлар-чи?
Шоирга не наф?
Нуқул азоб, ҳасратда жони!
Кунда сўзни сара-саралаб,
Қандай қайнар қора қозони?!

Қанча пулинг бор, шоир иним?
Сени кўплар мақтаб юрибди.
Ерга боқиб сўз қотаман жим,
"Қора қозон қайнаб турибди!"

ОДАМ ЗАҲРИ...

– Фалончи Дунёдан ўтибди,
эшитдингми?

– Эшитдим, нима бўлган экан?
Одам чаққан эмиш...

Илон чақса – ўлмагай,
Омади кулиб боқса.
Аммо – омон қолмагай,
Одамни одам чақса...

Бутун бўлса жон-у-тан,
Тузалгай кирса тикан.
Ўлдирмай қўймас экан,
Одамни одам чақса...

Барчамизга Она Ер,
Фарзандим дер, болам дер.
Тангрим, Ўзинг сабр бер,
Одамни одам чақса...

Тил заҳрига даво йўқ,
Аллаловчи наво йўқ.
Вужудни куйдирар чўғ,
Одамни одам чақса...

Кимнинг бахти мунаввар,
Кимга толеъ муяссар.
Бу не ҳол, биродарлар?
Одамни одам чақса...

Қўрқманг илон, чаёндан,
Ҳазин бўлинг инсондан.
Музлаб борар товодан,
Одамни одам чақса...

Тузгувчи ҳам одамзод,
Бузгувчи ҳам одамзод.
Заққумга ботгай ҳаёт,
Одамни одам чақса...

Роббано, не синоат?!
Бу қандайин жиноят?
Йўқолади ҳаловат,
Одамни одам чақса...

Ўтди Ибни Синолар,
Ўтди қанча донолар.
Ўйга чўмар дунёлар,
Одамни одам чақса...

Яратган берсин паноҳ,
Ўзи ҳар недан огоҳ!
Шифо бўлгай қай гиёҳ?
Одамни одам чақса...

Шеърим, кўнглимнинг зори,
Неки кўнгилда бори.
Кимдан тиланай дори?
Одамни Одам чақса...

Даво топилса зора:
Қаро кўзлар толди-да?!

Илон захри чикора
Одам захри олдида?

Тузалмас ҳеч ким наҳот?
Йўлиққанга йўқ нажот.
Ожиз қолгай тиббиёт,
Одамни одам чақса...

Малҳам эм бўлса зора,
Жийда чўп, қозонқора.
Ўлим – энг сўнгги чора,
Одамни одам чақса...

Ўтар минг-минг замонлар,
Чорлагай тўрт томонлар.
Давоси не – ёронлар?
Одамни одам чақса...

ОТА ҲОВЛИ

Бу ҳовли, қанчалар гўзал бу ҳовли,
Тупроғин тафтидан кечмоғим душвор.
Нураб битай деган деворларида,
Отамнинг ушалмас армонлари бор.

Бу ҳовли, жонимга туташ бу ҳовли,
Гарчи ёшим улуғ, сочим қировли.
Қалбларни ўртаган ўша оловли,
Қора кунлар кечган, давронлари бор.

Нечун соғинаман гўдакларга хос?
Вужудимда титроқ, дилимда ихлос.

Бобомдан ёдгорлик , бувимдан мерос,
Деворга осиглик қумғонлари бор.

Анов иморатни, падарим қурган,
Отажон, қалбимни айрилиқ юлган.
Бу ҳовлини қўмсаб, соғиниб юрган,
Меңдек қанча кўнгли вайронлари бор.

Хаёлим болалик эрмакларида,
Кечалардек узун эртакларида.
Бу ҳовлининг қайси бурчакларида,
Онагинам эккан райҳонлари бор.

Бу ҳовлида қанча инсон кутилган,
Қанча айрилиқда қонлар ютилган.
Пахса деворларга ёзиб кетилган,
Ўқилмай қоп кетган дostonлари бор.

Бу ҳовли қасрмас, тўрт пахса девор,
Аммо меҳри юксак, мангу барқарор.
Бу ҳовлининг қадри баланд, улуғвор,
Ориятли, танги инсонлари бор.

Ҳали кунлар келиб, қаср қургувчи,
Қиёматга қадар қалам сургувчи.
Табаррук тупроғин кўзга сургувчи,
Камолиддин каби ўғлонлари бор...

ЛАГАНБАР ДОРГА

Таърифларинг тугаб битмадимикан,
Ўчмадими, нафсинг тутган шамчиروق?

Айт, жонингга тегиб кетмадимикан,
Бировнинг сояси бўлиб яшамоқ?

Умринг ўтаяпти тавозеъ билан,
Эртанги кунингдан нима кутасан?
Токай биров учун қовурасан жон,
Токай сув қуясан, сочиқ тутасан?

Сен-ку чопа-чопа оёқдан қолдинг,
Кафан бичдинг азал дилдаги орга.
Асл ҳақиқатни англатиб қўйдинг,
Билдим, қийин экан лаганбардорга.

Тўғри-да, умр бир омонат фурсат,
Яшамоқ ташвишда бағир ўймоқлик.
Осонмас, бир умр кўрсатиб "ҳиммат",
Бировнинг кетига пахта қўймоқлик...

ЁШЛИҚДАГИ ЎЙЛАРДИМ...

Ёшлиқда ўйлардим, даҳо бўламан,
Оламга атои Худо бўламан.
Ёлғончи Дунёга, телба Дунёга,
Жаннатдан таралган ниҳо бўламан.

Ёшлиқда ўйлардим: кўксим тўла чўғ,
Олов оғушида завққа тўламан.
Хазинам бор, вале бир тийн чақам йўқ,
Бу кетишда бир кун гадо бўламан.

Ёшлиқда ўйлардим: тақдир йўл очган,
Мени кўролмаслар йўлимдан қочган.

Дунёга муҳаббат уруғин сочган,
Йўл бошловчи Одам Ато бўламан.

Ёшлиқда ўйлардим: мени тож қилган,
Теграмда мурувват шамоли елган,
Гўёки дунёга қайтадан келган
Тиббиёт қироли Сино бўламан.

Ёшлиқда ўйлардим: мен боқий мафтун,
Мен шундоқ мукамал, ҳаммадан устун,
Бевафо дунёдан ўтсам ҳам бир кун:
Яна қучоғингда пайдо бўламан.

Бугун англадимки, қалбим бир уммон,
Мен бир шеър гадоси, туганмас достон.
Кўнгил бир ён тортар, тириклик бир ён,
Икки ўт ичинда адо бўламан...

БУЮКЛАР ВА ДУНЁ

Мен сендан илтифот кутмайман, инон,
Орзуларни сенга кўрмасман раво.
Сенинг боринг армон, кечмишинг армон,
Даҳони тупроққа алишган дунё!

Мен сендан мурувват қилмайман умид,
Садағанг керакмас, лутфинг керакмас.
Керакмас, худбинлар тўқиган ўтит,
Менга дард, маърифат, ижод бўлса бас.

Калтабин, пастларга тутиб зарингни,
Даҳони хор қилган сен эмасмисан?

Эзиб қанча-қанча буюкларингни,
Чақага зор қилган, сен эмасмисан?

Чинқиргим келяпти кўксимга уриб,
Қисмат қилмишидан қисилар юрак.
Тиригида рўшно кўрсатмай туриб,
Мозорда зар сочмоқ, айтинг не керак?

Дарвоқе, биз нодон, сен эса ғолиб,
Ўзимиз табиб-у, ўзимиз касал;
Улуғ инсонларни ўлдириб олиб,
Ўлганда қабрига қўямиз ҳайкал.

Ўттиз беш ёшида кулади Моцарт,
Хазон бўлди улкан, буюк истеъдод.
Очлик, юпунликдан эзилиб чунон,
Қирчиллама ёшда жон узди, ҳайҳот!

Қаранг, бугун дунё банклари аро,
Моцарт концертидан миллион даромад.
Ҳолбуки, ҳаётлик чоғида даҳо,
Бир цент учун йиллаб қиларди меҳнат.

Моцарт фитратини санаймиз буюк,
Улкан асарлари сахналар гули.
Тиригида буюк даҳонинг ҳатто
Ўтин олмоқликка етмаган пули.

Сендан улуғларнинг кўнгли тўлмаган,
Сенга ёт саналган "буюк" отли ген.
Ҳатто бошпанаси, уйи бўлмаган,
Хумда яшаб ўтган буюк Диоген.

Қанчалаб олим-у, фузалоларга,
Оғир юмушларни қилдирган ҳам сен.
От-у эшакларинг бир ёнда қолиб,
Йўлбарсингга омуш илдирган ҳам сен.

Қўрқма, сенга ҳечам қилмам итдао,
Малҳам бўлолмаيمان, сенинг жонингга.
Қўрқаман, эртага мен бўлсам даҳо,
Алишиб кетасан қотган нонингга...

МЕН БИТТА ҲЕЧ КИМ...

Мени танитайсиз, мени билмайсиз,
Менинг ҳеч кимсага йўқдир керагим.
Соғинмайсиз мени, назар қилмайсиз,
Сизнингча мен кимман? Мен битта ҳеч ким.

Мени танишмайди, билмайдилар ҳам,
Ғамларимга сирдош фақат юрагим.
Сизга саволим бор: нотаниш одам,
Айтинг-чи, мен кимман? Мен битта ҳеч ким.

Мени танимаган, билмаганлар кўп,
Барини бирма-бир келади қучгим.
Ана, кўчаларда юрибди бир тўп,
Айтинглар, мен кимман? Мен битта ҳеч ким.

Кулгимга ишонманг, ёлғон куламан,
Ёлғондан жилмайиб, хўрсинаман жим.
Саволимга жавоб талаб қиламан,
Айтинглар, мен кимман? Мен битта ҳеч ким.

Косани тўлдирманг, ичмайман шароб,
Шаробмас, қонимни келадир ичгим.
Сиздан кутганим шу, бир оғиз хитоб,
Айтинг-чи, мен кимман? Мен битта ҳеч ким.

Тўғри, мен ҳеч кимман, ҳеч ким, вассалом,
Сукунатга очиб бердим йўлимни.
Менга дўстлик, бахтдан бошланган калом,
Аллақачон дўстдан ювдим қўлимни.

Фақат Тангрим менга ҳамдамдир ёлғиз,
Бандалар захмидан чарчадим, толдим.
Фақат Ўзи ҳукм этгайдир холис,
Ёмонларни фақат Худога солдим.

Мен бир ғалатиман, назар қилмайсиз,
Гоҳ ётгим келадир, гоҳ кўкка учгим.
Мени танимайсиз, мени билмайсиз,
Мен битта ҳеч кимман, мен битта ҳеч ким...

ЎЗБЕК АЁЛИ

(УШБУ ШЕЪРНИ АСЛ ЎЗБЕК
АЁЛЛАРИГА БАҒИШЛАЙМАН)

Қачон азобларинг топаркан поён,
Қачон бўларкансан меҳнатдан холи?
Қўлинг косов, сочинг супурги ҳамон,
Жонинг қирқтаמיד, ўзбек аёли?

Саҳардан – шомгача, билмайсан тиним,
Гоҳ қирга чопасан, гоҳо далага.

Ўғил-қизим дея, юрагинг тилим,
Борлигинг бахшида шу тўрт болага.

Лойинг меҳнат билан қорилганми ё?
Саҳарлаб нон ёпиб, хамир қорасан.
Кун бўйи хизматни қилиб муҳайё,
Оқшом тушмасидан ухлаб қоласан.

Ҳордиқ олмоқ учун етмайди вақтинг,
Ҳушинг йўқ соч кесиб, қошинг юлмоққа.
Юмушларда синар, шиддатинг – шаҳдинг,
Бир зум фурсатинг йўқ пардоз қилмоққа.

Олифта қизлардан айт қаеринг кам?
Кўзгунгга бир қара, юзинг мисли ой.
Ахир сен ҳам ишқнинг боғида санам,
Қара, юзинг безар, жаннатий чирой.

Аслида сен кўркам, сен кўркли гўзал,
Олам таровати, саришта сенсан.
Сен биз куйламаган, энг буюк ғазал,
Биз қадрин билмаган, фаришта сенсан!

Сен менинг онамсан, сен бир хокисор,
Тик туриб фарзандин захмини ютган.
Сен менинг ҳалолом, тунлари бедор,
Ярим тун келишим интизор кутган.

Қўйгин, ёш жонингга қурмагил қафас,
Қўлларингни айла, қадоқдан холи.
Аслида аёлнинг жони қирқтамас,
Биргина жонинг бор, ўзбек аёли!

Биргина жонинг бор, жонинг қирқтамас,
Сен ҳам битта гулсан, боғда, чаманда.
Сен ҳам бир меҳмонсан, тингин бир нафас,
Ёйил, яйраб яша, гўзал Ватанда.

Ахир, сен миллатнинг гултожидурсан,
Сен миллат эртаси, миллат камоли.
Сен гулзор қўйнида очилган гулсан,
Сен ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Баъзан қадринг билмай, қилдик беқадр,
Минг битта ҳасратда бағрим тиламан.
Сен ким? Момо Ҳаво, аёлсан, ахир,
Сенга бошим эгиб таъзим қиламан.

Сен умр мазмуни, эркакнинг бахти,
Сен эрнинг эртаси, фарзанд камоли.
Келди таърифингни айтмоқлик вақти,
Ердаги фаришта, Ўзбек аёли!

ТАВАЛЛО

Нокаста ёр қилма, Парвардигоро,
Ёт элда хор қилма, Парвардигоро!
Ўзингга муҳтож қил, Ўзингга зор қил,
Бандангга зор қилма, Парвардигоро!

Ё Раббий, ризқимни қилгил зиёда,
Майли, Каъбатуллоҳ борай пиёда.
Илтижо қиламан, икки дунёда
Бандангга зор қилма – Парвардигоро!

Бандани минг қўйга солгувчи Ўзинг,
Бу дунёда мангу қолгувчи Ўзинг.
Бергувчи Ўзингсан, олгувчи Ўзинг,
Бандангга зор қилма – Парвардигоро!

Юзимни қаратма номард касларга,
Қалбимни тўлдирма хор-у хасларга.
Кунимни қолдирма худбин, пастларга,
Бандангга зор қилма – Парвардигоро!

Раббано, ғайирлар тўсди йўлимни,
Нокаслар тишлатди кескир тилимни.
Ёлвориб Самога очдим қўлимни,
Бандангга зор қилма – Парвардигоро!

Ўн саккиз минг олам, Сенингдир, Сенинг,
Жумла бани одам, Сенингдир, Сенинг.
Айттил, Сендан ўзга кимим бор менинг?
Бандангга зор қилма – Парвардигоро!

Мен бир ожиз қулман, не-га ярайман?
Қалбимни илоҳий ҳисга ўрайман.
Неки тилагим бор Сендан сўрайман,
Бандангга зор қилма – Парвардигоро!

Не берсанг қўнаман, қиламан тоқат,
Сенинг қаламингдан битилмиш қисмат.
Неки атагансан розиман, фақат,
Бандангга зор қилма, Парвардигоро!

Берганингни тортиб ололмас ҳеч ким,
Тақдирингга қарши боролмас, ҳеч ким.

Таъна, маломатдан қотмасин бетим,
Бандангга зор қилма, Парвардигоро!

Йўл билдим насиба этган йўлингни,
Кўзимга суртайин ўнг-у сўлингни.
Тангрим, Эгам деган ҳеч бир қулингни,
Бандангга зор қилма, Парвардигоро!

МЕНИНГ АРМОНИМ

Дард нимадир, айрилиқ нима,
Армон нима, айт менга санам.
Билсанг ҳануз ўртар изтироб,
Сенсизлигим қилади алам.

Муҳаббат не, ишқ недир дилдор?
Манглайдаги ситамлар нечун?!
Минг йилларким тортаман озор,
Сени севиб қолганим учун.

Юрагимга боқ ўзинг сокин,
Назар сол дил сарҳадларига.
Қунлар келар, жилмайиб секин,
Қўл силтайман йиғлаб барига.

Армон нима – айтгил, азизам,
Англаб етай ўлмасдан бурун.
Кўзимга кенг кўринсин олам,
Қучоқ очсин менга қаро тун.

Аммо бир оз англагандекман,
Ишқнинг тотли қайғуларини.

Шу кўзларинг сувга оқизган
Бир шоирнинг орзуларини.

Армон менга бегона эмас,
Менга ўғил тутинган армон.
Менга васлинг шунчаки ҳавас,
Менинг иним айрилиқ ҳижрон.

Аслида-чи, аслида неча
Ситамларинг ўртайди жоним.
Силолмасдан қолганим ўша,
Кокилларинг менинг армоним.

АРМОН

Қанча баҳорларим кузга айланди,
Орзулар ортдаги изга айланди.
Ўша қиз айланди армонларимга,
Армонларим ўшал қизга айланди.

Тезлашиб кетдилар юрак зарбларим,
Тупроққа қўшилиб борар гардларим.
Кўксимни куйдириб ётган дардларим,
Қоғозга тўкилиб сўзга айланди.

Воҳ, бир талай эди тилакларингиз,
Тутолмай ўртандим билакларингиз.
Ишққа тўла эди юракларингиз,
Наҳотки бир парча музга айланди.

Севги нима ўзи? Севги бир ҳиммат,
Унинг кечмиши ҳам, битмиши ҳикмат.

Токчамда қоп кетган ягона сурат,
Ярамга сепилган тузга айланди.

Тунлар оғушига чорлаётган ким?
Эгнида нур либос, товланар, сим-сим.
Юз йиллар чамаси, менинг вужудим,
Йўлларга термулган кўзга айланди.

Мен-ку, ситамларга кўниқдим буткул,
Юрагим ўзгача ҳисларга машғул.
Барглари қовжираб қолган атиргул,
Назаримда бугун сизга айланди..

ЎРГИЛАЙИН

(НАРЗИ МОМОГА)

*“Сурхандайра”, биззи ота юрт. Сурхондан
келдик, сурхонга қайтамиз. Бир шеър
айтгил балам. шеъринг қолади, шеъринг...*

Нарзи момо суҳбатларидан.

Деворида Нарзи момом кўзлари бор,
Остонада совчиларнинг излари бор.
Ҳов нарида, мунғаяди кўҳна ҳовли,
Шу ҳовлининг, дуркун-дуркун қизлари бор.
Шу табаррук изларингдан ўргилайин,
Ўша шаддот қизларингдан ўргилайин.

Бунда яшар бўй қизларнинг аслари,
Ип ечолмас қанча сарой, қасрлари.
Ўн икки ой баҳорларга айланади,
Бутун йилнинг тўртта гўзал фаслари.

Баҳорларинг, кузларингдан ўрғилайин,
Ўша шаддод қизларингдан ўрғилайин.

Гўзалларинг термулади сочин тараб,
Тунлар олис юлдузларга дардин ўраб.
Бир парирўй тикилади иқболимга,
Хўрсинади, олис-олис йўллар қараб:
Жовдираган кўзларингдан ўрғилайин,
Ўша шаддот қизларингдан ўрғилайин.

Воҳ, шунчалар олисмиди, “Сурхондайра?”
Менсиз ғариб, ёлғизмиди, “Сурхондайра?!”
Тахлам-тахлам тўшакларда ўтиргим йўқ:
Чорлайверар, оғушига эски бўйра.
Эски наMAT, бўзларингдан ўрғилайин,
Ўша шаддод қизларингдан ўрғилайин.

Кўҳна ҳовли қучоғингдан учиб кетай,
Муздеккина сувларингдан ичиб кетай.
Дуркун-дуркун қизларингни қучолмадим,
Эскигина дарвозангни қучиб кетай.
Шўрхок тупроқ, тузларингдан ўрғилайин,
Ўша шаддод қизларингдан ўрғилайин.

Мақтаб келдим, ота макон ерларимни,
Пичирладим, айтаримни, дерларимни.
Дил дардимни сўйлолмадим қизларингга,
Деворингга битиб кетай шеърларимни.
Ғадир-будур юзларингдан ўрғилайин,
Ўша шаддод қизларингдан ўрғилайин.

ҲАҚИҚИЙ ЭРКАК

Эркаклик мақомин олмоқ бўлган зот,
Ўзингча жилмайиб завққа тўласан.
Оила боғингни этолсанг обод,
Ўшанда ҳақиқий эркак бўласан!

Қўлингдан жиловни бўшатдингми, бас,
Тўрт-беш тагипастга эрмак бўласан.
Қачонки нафсингга қурасан қафас:
Ўшанда ҳақиқий эркак бўласан!

Танти бўл!
Дилларга ёзилгай номинг!
Умрбод, афсона, эртак бўласан.
Мангу жарангласин айтган каломинг,
Ўшанда ҳақиқий эркак бўласан!

Болам, бир пандимни қулоғингга ил,
Амал қил, мард, соҳир юрак бўласан.
Оиланг шаънини жондан азиз бил,
Ўшанда ҳақиқий эркак бўласан!

Ҳақиқий, ҳақиқий эркак бўл, жигар,
Мардлар минг йил яшар, шунчаки ўлмас!
Атрофга назар сол, англасанг агар,
Асл, мард йигитнинг сохтаси бўлмас!

Қачонки, эл-юртга тиргак бўласан,
Ўшанда ҳақиқий эркак бўласан!

УКАМ

(ҚАДРДОНИМ – ЖИГАРИМ ОЛИМЖОН УКАМГА)

Пешонамга битганда ғамни,
Кўзимга тор қилса оламни.
Шу эзилган юраккинамни,
Меҳри билан ўраган, укам,
Йиқилганда суяган, укам.

Тўяр бўлсам бир кун аридан,
Ҳаёт қизганса гар заридан.
Бу дунёнинг ташвишларидан
Акасини аяган, укам,
Йиқилганда суяган, укам.

Меҳри билан умрим безатган,
Хатоларим бўлса тузатган.
Насибасин менга узатган,
Йўқ кунимда яраган, укам,
Йиқилганда суяган, укам.

Бошимга иш тушганда билиб,
Олислардан югуриб елиб,
Ҳеч бўлмаса телефон қилиб,
Саҳардан ҳол сўраган, укам,
Йиқилганда суяган, укам.

Ён-атрофим тўлса ғанимга,
Қалқон мендек кўнгли яримга,
Ўғил-қизим, фарзандларимга,
Бахт-у иқбол тилаган, укам,
Йиқилганда суяган, укам.

“Дўст” дегани қоним тотганда,
Бўғзимда зор сўзим қотганда,
Бошим ёстиқларга ботганда,
Беморликда қараган, укам,
Йиқилганда суяган, укам,

Парвардигор, ёлғиз паноҳим,
Елкамдадир савоб-гуноҳим,
Ҳақ сийласин сени, илоҳим,
Акасини сийлаган, укам,
Йиқилганда суяган, укам.

ИДДАО

Марҳаматга қачон бораман?

Муҳаммад Юсуф.

Шамолларга сирим айтаман,
Сирим, куйган дилим айтаман.
Ота юртим соғинчи қийнар,
Бухорога қачон қайтаман?

Не улуғлар бағрингга шошган,
Тупроғинг бахт кўзларин очган.
Қўйвор мени, қўйвор, эй, Тошкан,
Бухорога қачон қайтаман?

Мен ҳеч кимман, элга суюкмас,
Бир оташман, бағри куюкмас,
Оддийгина касман, буюкмас,
Бухорога қачон қайтаман?

Мусофирлик олди аламин,
Юрагимга солди аламин,

Саволимга жавоб бер замин,
Бухорога қачон қайтаман?

Менга муштоқ қанчалаб диллар,
Зор-интизор узатиб қўллар,
Мунча узоқ бўлмаса йўллар,,
Бухорога қачон қайтаман?

Қаранг, юзим гулдек сўлди-ёв,
Юрагимга ситам тўлди-ёв,
Назаримда, минг йил бўлди-ёв,
Бухорога қачон қайтаман?

Фақат кўча кезишга яраб,
Сипо кийиб, сочимни тараб.
Хўрсинаман ойнага қараб,
Бухорога қачон қайтаман?

Ким тушунар, кўнгли яримни,
Ана, сочдим топган заримни.
Соғинганман ўғилларимни,
Бухорога қачон қайтаман?

ОНАИЗОРИМ

Сийратдаги сирлар кўчганда тилга,
Не гўзал туйғулар сиғмаса дилга.
Минг йиллик умидлар бўлганда сароб,
Нима таскин берар куйган кўнгилга?
Уммон бўлиб тошса кўзимдаги нам,
Тор кўринса кўзга шундай кенг олам.

Яшамоқдан безиб кетган чоғларим,
Фақат бир зот бўлар жонимга малҳам.
Кундузи дуода, тунлар бедорим,
Онаизорим!

Омадим келмаса йиғлаганим у,
Изтиробда бағрин тиғлаганим у.
Ғанимларим қоним ичиб шодланса,
Шундай кенг дунёга сиғмаганим у.
Мен бир содда касман, найрангдан йироқ,
Тортганим изтироб, топганим фиरोқ.
Кўксимда осиглиқ турар ҳануз ҳам
Онам ёшлигимда таққан кўзмунчоқ.
Мени балолардан асрар туморим,
Онаизорим!

Яримта нонимни илиб кетди дўст;
Эл бўлиб теримни шилиб кетди дўст.
Боримни қўлимдан юлиб кетди дўст,
Дилдаги сиримни билиб кетди дўст.
Куйдириб, бағримни тилиб кетди дўст,
Йиқилсам устимдан кулиб кетди дўст!
Дўст дедим, дўстимдан панд едим охир,
Дил бериб оқибат дард едим охир.
Аросат ичинда тўлғониб, ёниб,
Ўртаниб яшамоқ қанчалар оғир!
Бу ёруғ дунёда топганим, борим,
Онаизорим!

Топганим, тутганим боламга деган,
Ҳар луқма ютганим боламга деган.
Мен кўрмаган кунлар ўғлимга тортиқ,
Бир умр кутганим боламга деган!

Боласи ғам тортса куйганим ўша,
Дуосида айтиб суйганим ўша.
Олисларга кетсам, соғиниб, алқаб,
Расмимни кўксига куйганим ўша.
Фарзанд қайғусида сочлари қорим,
Онаизорим!

Онаизорим!
Сенга не улашдим, сенга не бердим?
Фақат ғамни тутдим, фақат дард, озор.
Кўзларингда фарзанд ташвишин кўрдим,
Азобимдан мерос сочингдаги қор.

Мен шеърни эркалаб, суйиб толмадим,
Насихатларингни қалбга солмадим.
Ёшим қирққа қараб кетяпти, ҳануз,
Меҳрингга муносиб бўла олмадим.
Сен кафтда тутасан бутун оламни,
Елкангга опчилаб дардни, аламни.
Тонглари ўртаниб шивирлайсан жим,
"Худойим, асрагин шоир боламни!.."
Кўкларга туташган туғени зорим,
Онаизорим!

"Худойим, асрагин шоир боламни!"
Мудом кўкка очиқ кўлинг, онажон,
Нодон боланг йиғлаб айтади қачон?
"Яратганим, Ўзинг асра онамни!.."

Тўлғониб йиғлайди кўксимда зорим,
Дилимда ашъорим, кўлимда торим.
Бу телба дунёда топганим, борим,
Онаизорим!

ДУНЁ

Ён атрофинг тўла адолатсизлик ,
Андишанг кўзида сохта табассум.
Сахийлар нонига бахилинг шерик ,
Бойларинг роҳатда, азобда мазлум...
Сен буюк уммонсан, сен бир денгизсан,
Коинот бағрида ястанган гўё.
Бағринг тўла инсон – вале ёлғизсан,
Разолат йўлини танлаган дунё...

Кимга оғу тутдинг, кимгадир асал,
Кимнингдир кифтига оғир юк ортдинг.
Баъзан қилмишига ҳақ тўлар маҳал,
Наҳсингмас, ғарибнинг ёқасин тортдинг.
Сенга нима менинг – тўрт энлик шеърим?
Дод солиб қиласан ёлғон иддао.
Мен сени шеър айтиб титратолмадим,
Онам алласидан титраган дунё!

УЧРАШУВ

Кўринишдан қирмиз гулга ўхшайсан,
Роса бийрон-бийрон тилга ўхшайсан.
Ўзини хотиржам тутятган малак,
Мен каби безовта дилга ўхшайсан...
Термулсам, опқочиб нигоҳларингни,
Ҳаёдан юзингга тортасан парда,
Бошқара олмайсан қароқларингни,
Бир дард ошкор боқар қорачиқларда...
Зимдан кузатасан, билдирмай секин,
Юзимдан нимадир ҳисни излайсан.

Ичингда ҳасратдан ғалаён, лекин
Қувончдан сўзлайсан, бахтдан сўзлайсан...
Сезаман...
Сезаман...
Билдирмайман, лек,
Кўксингни тебратган титроқларингни.
Оҳиста тишлайсан ҳуркак оҳудек,
Қизилга бўялган дудоқларингни...
Кўринишдан қирмиз гулга ўхшайсан,
Роса бийрон-бийрон тилга ўхшайсан.
Ўзини хотиржам тутятган малак,
Мен каби безовта дилга ўхшайсан...

КЕЧИККАН СЕВГИ

Кечиккан севгимни нима қиламан,
Қандай йиғлайман-у, қандай куламан?
Уфққа термулиб хаёл сураман,
Кечиккан севгимни нима қиламан?

Ғуссалар бағримни эзар бемалол,
Қалбимда бир ҳасрат кезар бемалол.
Тун-у кун танимни чулғар бир савол:
Кечиккан севгимни нима қиламан?

Кечиккан севгимни нима қиламан?
У бир руҳим аро учган наводир..
Мунгли кўзларимдан порлар хавотир,
Мен бир соддагина, ночор боламан;
Кечиккан севгимни нима қиламан?

О севги, бунчалар ҳасратинг улкан,
Сўнгсиз қийноқларинг юрагим юлган.

Менинг дил уйимга берухсат кирган,
Кечиккан севгимни нима қиламан?

Ушалмас орзуга тутайми мотам?
Ё чексиз қайғуга тутайми мотам?!
Ўзинг йўл кўрсатгил, Яратган Эгам,
Кечиккан севгимни нима қиламан?

Кўксимда унган гул – сўлдиролмасам,
Ё бағрига ўзни тўлдиролмасам.
Ўз севгимни ўзим ўлдиролмасам,
Кечиккан севгимни нима қиламан?

Ўртанмоқ, ўттиз беш, ё қирқ ёшимда,
Бир гўзал хаёлда, бири қошимда.
Эй, Худо – минг битта савдо бошимда,
Кечиккан севгимни нима қиламан?

Осмонга отайми, бағримга босай,
Ё кўзлар тубига қуёшдек ботай.
Саросар турибман, банди бургутдай,
Кечиккан севгимни нима қиламан?

Кўкка учирсамми, ё Ерга кўмсам?
Гулдек бўйларини хўп шеърга кўмсам.
Ҳаловат йўқ менда, ором йўқ бир дам,
Кечиккан севгимни нима қиламан?

Юрагим, кунларинг дардларга тўлди,
Икки ўт ичинда бўларинг бўлди.
Камолиддин Шукур айта қол энди,
Кечиккан севгингни нима қиласан?

ЖАҲОЛАТ

Бунда доим чалкаш ҳақиқат,
Алмашинар тунлар кундузга.
Дарди борлар, тунлари фақат,
Дардларини айтар юлдузга.
Бунда ҳасад, хусумат ҳоким,
Ғамгин боқар кўкдаги ойлар.
Бор ҳасратин ичга ютиб жим,
Қўр тўкади, кўркам саройлар.
Мушибатлар ва ғамлар илғор,
Елиб борар қадамлар адл.
Минг йилдирким, бу ерда илк бор,
Ҳақиқатни қилишган қатл!
Меҳр мангу ичиккан бунда,
Хиёнатнинг бошин силайди.
Бу ер ёмон, ҳар куни тунда,
Одамлар одамни тунайди...

АЗАЛИЙ ҲАСРАТ

Азалдан мавжуд бу ҳасад деган дард,
Азалдан кўп бошга надомат солган.
Ифводан жон берган қанча-қанча мард,
Туҳмат ҳам янгимас, эскидан қолган.

Қараб боқ тарихнинг сарҳадларига,
Вақтида тўлмаган бирор паймона.
Қафаслар бошпана бўлган барига,
Ё дўстлар сотишган, бўлиб бегона.

Сохтакор воизлар неларни демас,
Ҳақ тинглаб тинмагай кўзларнинг ёши.
Кўқдаги қонталаш бўлган ой эмас:
Мирзо Улуғбекнинг кесилган боши!

Азалдан, азалдан қолган бу ҳасрат,
Одамзод наслининг бағрини янчар.
Ғанимлар отага айлаб "марҳамат",
Ўғлининг қўлига тутқазган ханжар...

Кўролмас бандалар худбин нокаслар,
Кўпларни зулматнинг кўксига босган.
Тўрт-бешта илмсиз, ифвогар каслар,
Ҳазрати Машрабни дорларга осган.

Тарихдан, чин тарих ажралса кўринг,
Нархи бир пул келган, номуснинг орнинг.
Ҳар қайси замонда нарироқ юринг,
Иши сотмоқ бўлган лаганбардорнинг.

Туҳматнинг томирин даст узганларга,
Тош отиб, ёлғондан куйган ўшалар.
Эл эрки йўлида саф бузганларга,
"Босмачи" деб тамға қўйган ўшалар?!

Динни пеш айлаган мутаассиблар,
Ҳақ динни англамай жар солмишдир шан.
Илм деб ҳайқириб безатган минбар,
Жаҳолатга ботган илмсизликдан.

Ларзага келган гоҳ беором дунё,
Ловуллаб ёнади тупроқлар ҳамон.

Воҳ, қайси пешволар ўқиган фатво,
Тошбўрон қилсин деб, жоҳил оломон?

Демак, азал мавжуд, ҳасад деган дард,
Азалдан кўп бошга надомат солган.
Ифводан жон берган, қанча-қанча мард,
Тухмат ҳам янгимас, эскиттан қолган!

ҲАҚИҚАТГҲЙГА

Сенга қийин, фақат ўксиб,
Кўздан ёшинг сидирасан.
Минг йил бўлди, ер юзида
Ҳақиқатни қидирасан?!

Ҳақиқат йўқ – сўнган бир чўғ,
Ўрнида тўп куллар қолган.
Оромингни адолатсиз,
Ҳаловатсиз кунлар олган.

Билдинг, сенинг излаганинг –
Сахродаги чақиртикан.
Кўзларингга кўрингани,
Бош-кети йўқ сароб экан.

Ўша-ўша, ўзгармайсан,
Юзинг ориқ, ўзинг ориқ.
Кунлар сайин титилмоқда,
Оёгингда эски чориқ.

Бошинг эгик, гавданг букик,
Миянг тўла минг битта ўй.

Ҳақиқат йўқ дунёсидан
Нима топтинг, ҳақиқатгўй?!

Азал шундай:
Омад кулган
Зардан гилам тўшаганга.
Ҳамиша ҳам қийин бўлган
Виждон билан яшаганга!..

СЕНИ СУЙГАНМАН

Муҳаббат – жонимга жаҳонинг пайванд,
Гоҳо роҳат топдим фироқларингдан.
Кел – ёнимда ўтир, тарк этма фақат,
Ўзим айланайин қароқларингдан.

Тўғри – мен чекмаган заҳмат қолмади,
Мажнунга айланиб кездим саҳролар.
Севдим – севавердим, юрак толмади,
Жонга жабр этди қанча Лайлолар...

Тўғри мен адашдим – алдандим гоҳо,
Ҳолсиз кўчаларда тентираб юрдим.
Лек сени изладим сарҳадлар аро,
Топдим – қўлларингни кўзимга сурдим.

Муҳаббат, умидлар мангу ўлмагай,
Чунки сен дилларга инган иқрорсан.
Сен бўлсанг кўнгилда ғубор бўлмагай,
Шукурки, яхшиям дунёда борсан.

Қизларни эслатма, қизлар керакмас,
Айрилиқ дардида роса куйганман.
Қароқўзлар эмас, ўзинг бўлсанг бас:
Мен асли қиз эмас, сени суйганман!

ТЕНТАГОНА ОРЗУЛАР ЁМОН...

Тентагона орзулар ёмон,
Кишини не кўйга соладир.
Сўнг руҳимда – бир меҳрибон қиз,
Хумор-хумор йиғлаб қоладир.

Тентагона орзулар баланд,
Узатаман – етмайди қўлим.
Бу дунёнинг бири камлигин
Наҳотки сен билмайсан, гулим?..

Тентагона туйғулар ёмон,
Ич-этимни қовураб бешан...
Мен севгининг гулзорларидан
Юрагимга изладим Ватан...

Сўнг толиқдим:
Ва унсиз боқдим,
Бир парирўй қароқларига.
Кўниколмай такрор зорландим,
Муҳаббатнинг фироқларига.

Ўша кўзлар муҳрланмиш жим,
Бағримдаги мармарлар аро.
Тушларимда мени тинч қўймай
Қароқлари таратар жило.

Тентагона орзулар ҳайрон,
Қай томонга бошлайдир қисмат?
Мен қалбимга излайман таскин,
Наҳот армон экан муҳаббат?!

Толиқаман – сўнг қалам тутиб,
Шеърятнинг баҳрин кезаман.
Юрагимнинг сарҳадларига
Ўша қизнинг расмин чизаман.

Сўзларимни сочаман бесас,
Ўшал олис фироқлар учун.
Тушларимда жилмайиб турган
Тундек қора қароқлар учун...

Тентагона орзулар ёмон,
Кишини не кўйга соладир.
Сўнг руҳимда – бир меҳрибон қиз,
Хумор-хумор йиғлаб қоладир...

ТЎЛДИРИБ КЕТАМАН ДУНЁНИ...

Тўлдириб кетаман – дунёни ишққа,
Бир умр куйлайман, шоҳман ё фақир.
Кел, жўр бўл – мен айтган ўтли қўшиққа,
Дунё муҳаббатдан яралган, ахир!

Бутун бўлгай дилнинг ярим умиди,
Хулоса чиқаргум хатоларимдан.
Титрасин – сулувлар оташ вужуди,
Менинг дардга тўла наволаримдан!

Ҳайқирай – додимдан қуласин тоғлар,
Бекорга эмасдир дил тўла туғён.
Бир лаҳза бахтиёр бўлмаса агар
Нечун бу дунёда яшайдир инсон?

Сен дард-ла, умид-ла яшагил мангу,
Дилбарим, қалбингни маҳв этмасин занг.
Хумор кўзларингдан қочирсин уйқу,
Менинг шеърларимдан яралган оҳанг!

Сени зор ўтмишнинг бурчакларидан,
Жимгина кузатсин менинг шеърларим.
Бир умр кўксингни айлабон маскан,
Умрингни безатсин менинг шеърларим...

Мен эса... Сен мени ўйлама, тамом!
Ҳов – олис юлдузга бўйлайвераман.
То қиёмат қадар соғиниб мудом,
Жарангдор қўшиқлар куйлайвераман.

Тўлдириб кетаман – дунёни ишққа,
Бир умр куйлайман, шоҳман ё фақир.
Кел, жўр бўл – мен айтган ўтли қўшиққа,
Дунё муҳаббатдан яралган, ахир!

ОДАМГАРЧИЛИКНИ УНУТИБ ҚЎЙДИК...

Яхшини куйдириб, ёмонни суйдик,
Макрдан тўймадик, меҳрдан тўйдик.
Менимча, дунёда энг улуғ неъмат,
Одамгарчиликни унутиб қўйдик.

Киборлик отида чопдик эгарлаб,
Кўзларга хас отдик, жигар-жигарлаб.
Хиёнат илмини обдон эгаллаб,
Одамгарчиликни унутиб қўйдик.

Бировнинг ҳақидан қилмадик ҳазар,
Қилмишимиз кўпни қилди дарбадар.
Алҳазар айтайлик, минг бор алҳазар,
Одамгарчиликни унутиб қўйдик.

Бўйинбоғлар қия, кокиллар қия,
Ким бўлдик , ўзганинг луқмасин ея?!
Кўксимизга уриб, инсонмиз дея,
Одамгарчиликни унутиб қўйдик.

Мангу меҳр истар, одам – одамдан,
Ғам келар оқибат тўзғиган дамдан.
Энди не кутамиз жумла оламдан?
Одамгарчиликни унутиб қўйдик.

Қақраган гул бўлди одамгарчилик ,
Ранжиган дил бўлди одамгарчилик.
Мунча тақчил бўлди одамгарчилик?
Одамгарчиликни унутиб қўйдик.

Биз ўтган гулзорлар бугун тақир чўл,
Кеча ёмғир эди, бугун ёғар дўл.
Худойим кўрсатиб берган тўғри йўл –
Одамгарчиликни унутиб қўйдик.

Одамгарчиликни унутиб қўйдик,
Руҳият безовта, юраклар оғрир,

Елкада қиёмат юки бор оғир.
Наҳот умр ўтар шундай, шу таҳлик?
Наҳотки ҳақиқат йиғлайди сағир?!

Одамгарчиликни унутиб қўйдик,
Биз киммиз, тўғриси айтинг одамлар?
Асли-ку, оқибат пешвомиз эди,
Яна оқибатга қайтинг одамлар...

Ёлғондан ўртандик , ёлғондан куйдик ,
Ёлғондан алқадик, ёлғондан суйдик.
Бани одам учун энг улуғ неъмат –
Одамгарчиликни унутиб қўйдик...

Дилдаги шахвоний ҳаваслар тинди,
Юракларга иймон нурлари инди.
Жумла одамзодга айтарим шулдир:
Одамгарчиликка қайтайлик энди,
Одамгарчиликка қайтайлик энди!..

ТУШ

Ётибман – ғафлатга буткул бурканиб,
Елкамдан рутубат босади оғир.
Ётибман – ич-этим тимдаб, ўртаниб,
Минг йилким, бошимдан ёғади ёмғир...

Ётибман – дилим хун, тилим кесилган,
Танамни бир ҳасрат сиқади ёмон.
Кўксимга зил-замбил харсанг босилган,
Чақнаган кўзларим уйқуда ҳамон.

Ухляяпман ҳануз – ғафлат ҳамроҳим,
Бўғзимда туйғулар қилар ғалаён.
Мени бу уйқудан уйғотадир ким?
Ҳақ сўзим ҳайқириб айтаман қачон?

Дилимни калхатлар чўқилаб кетган,
Тилимни калхатлар чўқилаб кетган...
Узлатга кетгандек бошим-оёғим,
Қўлимни калхатлар чўқилаб кетган!

Англолмай ётибман, биллолмай лолман,
Қай маҳал боқийлик майига тўлдим.
На руҳ, на тириклар сафида борман,
Вужудим тупроқми? Наҳотки ўлдим?..

Ичимдан отилмоқ бўлар бир вулқон,
Уйғотинг – тириклик томон қайтаман.
Тингласин одамзод ҳайқириб чунон,
Буюк ҳақиқатни баланд айтаман!!!

Дилимни калхатлар чўқилаб кетган,
Тилимни калхатлар чўқилаб кетган...
Узлатга кетгандек бошим-оёғим,
Қўлимни калхатлар чўқилаб кетган!

Ёлворай!
Ёлворай
То Маҳшар қадар,
Саждалар этайин тургунча дунё.
Кўзларим нурингдан бўлсин мунаввар,
Мени бу ғафлатдан уйғот Худоё!!!

ЮРАГИНГГА ҚУЛОҚ ТУТ...

Юрагингга қулоқ тут, эркам,
Алдамайди – қалб деган дилгир.
Яша дейман – дунёда бекам,
Қўйгин мендан олма хавотир.
Қўйгин, мендан олма хавотир,
Умр гулинг узмасин ташвиш.
Чин ошиқлар ўлмайди, ахир,
Ёнингдаман – мудом ёз-у қиш.
Ёнингдаман...

тутаман қўлинг,
Хаёлларинг ичра оқаман.
Бешиқдаги ягона ўғлинг,
Қўзларига кулиб боқаман...
Ёнингдаман...

гарчи мен мазлум?!
Қўниб вужуд титроқларига.
Сабо бўлиб қўнаман бир зум,
Лабларингнинг қирғоқларига!..
Юрагингга қулоқ тут, гулим,
Алдамайди юрак бечора.
Мен қоламан силкитиб қўлим,
Ўзим билан ўзим оввора...
Сен беармон яша дунёда,
Қийнамасин ичингдаги сир.
Яша ҳаммадан ҳам зиёда:
Фақат мендан олма хавотир...

УЛФАТИНГДАН НИМА ТОПДИНГ?..

Ким бир умр ризо бўлди ҳимматингдан,
Ким севинди – фойдаланди кулфатингдан?!
Бошга бало келса чин дўст қўлин чўзди,
Улфатингдан нима топдинг, улфатингдан?

Илигингдан палов дамлар пазандалар,
Қадахларинг эркатоий арзандалар,
Уйинг тўрин макон этган газандалар,
Улфатингдан нима топдинг, улфатингдан?

Борингда-ку – эшигингда қатор-қатор,
Таъзим қилиб итингни ҳам қилар безор,
Гар йиқилсанг мазах қилиб, сиринг сотар,
Улфатингдан нима топдинг, улфатингдан?

Дўст дегани юлдузлардан, ойдан бўлак,
Дўстнинг меҳри – бойлик деган жойдан бўлак.
Ростини айт: тўрт пиёла майдан бўлак,
Улфатингдан нима топдинг, улфатингдан?

Омад кетди – бирдан қочди жононларинг,
Атрофингда қолди кўнгли вайронларинг,
Қани энди ўша "улуғ" инсонларинг?
Улфатингдан нима топдинг, улфатингдан?

Узоқлардан термулади энди бари,
Ёнингдаги "рахнамолар" сендан нари,
Бошландими – юрагингинг санчиқлари?!
Улфатингдан нима топдинг, улфатингдан?

Тақдирнинг шум чўққисига урилди бош,
Кўкарди кўз, синди кўнгил, ёрилди қош,
Улар энди бошқасига пиёладош,
Улфатингдан нима топдинг, улфатингдан?

Мен ҳам кўп бор адашганман, заволим бор,
Кимгадир гап айтмоқликка малолим бор,
Камолиддин Шукур сенга саволим бор:
Улфатингдан нима топдинг, улфатингдан?

ЁЛҒИЗЛАРГА

Умр ўтар – дарё оқар ҳорғин-ҳорғин,
Тун ўрнини бўшатади кундузларга.
Ёлғиз дилга бирор кимса бермас таскин,
Ҳеч кимсанинг раҳми келмас ёлғизларга.

Кўкда ҳилол тўлиб-тўлиб солланади,
Тонг отмасдан юлдузларнинг жони ҳалак.
Саҳар мардон бор мавжудот жонланади,
Фақат маҳзун бежо урар ёлғиз юрак.

Суйган гулим, сен ҳам меңдан беҳабарсан,
Юлдузларга учгим келар – юлдузларга.
Ҳар ким ҳасрат ясаб олган ташвишлардан,
Ҳеч кимсанинг раҳми келмас ёлғизларга.

Боролмадим, сен ҳам йўқлаб келмадинг ёр,
Ойдек сузиб қучоғимга тўлмадинг ёр.
Ким-кимларнинг ҳасратига шерик бўлдинг,
Фақат менинг ҳасратимни билмадинг ёр!

Самоларни қучган ўшал сорлар ўтар,
Булбуллар дил узолмагай гулларингдан.
Хаёлларим секин бориб қўлинг тутар,
Муҳаббатнинг иси келар қўлларингдан.

Юлдузларни қучгим келар – юлдузларни,
Нарвон қўйиб чиқиб кетай юлдузларга.
Ё Худойим – Ўзинг қўлла ёлғизларни,
Ҳеч кимсанинг раҳми келмас ёлғизларга...

ҒАЛАТИ ТУШЛАРИМ

Тушларим ғалати – тушларим ғалат...
Ўз ҳолимга қўймас мени бу тушлар?!
Гоҳ жилмайиб кулиб қўйса муҳаббат,
Гоҳ тушимда кўксим чўқийди қушлар.

Тушларим ғалати, – тушларим бўлак,
Жисмимни минг пора қилар тунларим.
Шу тушлар остида мудом жонсарак,
Бир бошқача ўтиб борар кунларим.

Ғалати тушларга бурканиб бесас,
Жим, ҳорғин табассум этади жоним.
Назаримда жоним ўзимникимас,
Икки ўт ичинда кечар ҳар оним.

Тушларим ғалати, тушларим ғалат,
Гоҳо суюнаман – гоҳо безаман.
Баъзан тунлар қалбим ором топган пайт,
Бир ғалати қўлнинг тафтин сезаман.

Сезаман – кўзларим ёпганда уйқу,
Ишқ менга ҳаловат тилаб кетади.
Қалбимни аллалаб ўзгача туйғу,
Муҳаббат сочларим силаб кетади...

Сўнг олис сарҳадлар кенгликларидан,
Мен томон жилмайиб қарайди бир қиз.
Хаста вужудимга бахш этиб малҳам,
Мени сочларига ўрайди бир қиз...

АЛВИДО АЙТМОҚҚА ШОШМА...

Алвидо айтмоққа шошма, малагим,
Ҳали бу дарёлар оқажак тўлиб.
Сен бир ён – мен бир ён хўрсинганча жим,
Ажрашиб кетмаймиз бегона бўлиб...

Алвидо айтмоққа ҳовлиқма, эркам,
Ҳали бу гулзорлар чаман бўлажак.
Кўнгил яролари топади малҳам,
Интизор қучоқлар бахтга тўлажак.

Алвидо айтмагил – шошма, гўзалим,
Қараб боқ:
Азалдан дунёси бир кам.
Таскин беролмади менинг ғазалим,
Пойингга сочаман шеърларимни ҳам.

Пойингга сочаман, соврилсин елга,
Ҳовлиқиб интизор термулсин юрак.
Севгидан айрилган девона дилга
Мунчалар ифтихор, журъат не керак?

Алвидо айтмагил – кузак шамоли,
Бевақт совурмасин япроқларини.
Етим ишқ сезмасин тарқаб хаёли,
Юрагимнинг унсиз титроқларини.

Ҳали бир ошуфта кунлар келажак,
Ҳижронлар шунчаки хумор бўлади.
Сен бахтдан шўх, масрур кезасан ҳалак,
Вафодан бўйнингда тумор бўлади.

Алвидо айтмоққа шошма, малагим,
Ҳали бу дарёлар оқажак тўлиб.
Сен бир ён – мен бир ён хўрсинганча жим,
Ажрашиб кетмаймиз бегона бўлиб...

ЮРАГИНИ ЁҚҚАНИ КЕЛДИМ

Сой эдим – сой бўлиб оққани келдим,
Уфққа бир тўйиб боққани келдим.
Мажнунтол – покиза кокилларингга
Шеърдан маржон тумор таққани келдим.

Сен мангу авайла – туморларимни,
Бўйнингга тақ берган зуннорларимни.
Кел – шамшод бўйингга термулиб туриб,
Шеър айтиб ёзайин хуморларимни.

Шеър айтай, сўзларим пояндоз бўлсин,
Қаҳратон бўлмасин – мудом ёз бўлсин.
Шеърларга жо бўлган юрагим қони
Гулдек ёноғингга гул пардоз бўлсин.

Сой эдим – сой бўлиб оққани келдим,
Юзингга бир тўйиб боққани келдим.
Тошга айланётган бир гўзал қизнинг
Тошдек юрагини ёққани келдим...

БИР БОР КЎРСАЙДИМ...

Кулиб турган кўзларингда ғам,
Ким тушунар, кимдир тушунмас.
Шодон яша – дард чекма, эркама,
Маҳзун юрмоқ сенинг учунмас!

Кулиб турган кўзларингда ғам,
Ич-ичингдан сизади соғинч.
Йўл қарайсан кун бўйи, эркама,
Юрагингда энг сўнгги илинж.

Кулиб турган кўзларинг сирли,
Биров билар, биров англамас.
Кунлар келар – чароғон, нурли,
Сен ўзингни асрай билсанг, бас!..

Кулиб турган кўзларинг бедор,
Тунлар ўтар изтиробларда.
Ўз-зингга бағишлаб алёр,
Ўз-ўзингга қиласан зарда...

Кулиб турган кўзларингда ғам,
Ғамларингни олсам эди жим.
Соғинаман кун сайин, эркама,
Кўзларингни бир бор кўрсайдим,
Кўзларингни бир бор кўрсайдим...

ОРЗУ

Гўдак бўлиб қолсайдим яна,
Унутсайдим ташвишларимни.
Ғам-андухдан айласа пана,
Тақдир мендек кўнгли яримни...
Гўдак бўлиб қолсайдим яна,
Тўйиб меҳр сутин ичардим.
Хиёнатни, жафони эмас,
Бешигимнинг бағрин қучардим.
Нима кўрдим ўзи улғайиб?
Бир чеккада йиғлайди юрак.
Мана – ўлтирибман мунғайиб,
Мендек телба кимга ҳам керак?!
Гўдак бўлиб қолсайдим яна,
Хизр кўрсам шуни сўрардим.
Орзуйимни айтсам – дарёлар
Тўлқин уриб шовуллайди жим...
Улғайишни ёқтирмай қолдим,
Давр борми гўдак пайтдаин?
Ўша олис, покиза, тотли,
Дамларимга қандай қайтайин?
Гўдак бўлиб қолсайдим яна,
Дардларимни қувиб солардим.
Мурғаклигим қилиб баҳона,
Тўйиб-тўйиб йиғлаб олардим.

Гўдак бўлиб қолсайдим яна...

ОҚИБАТ

Ўйланиб қоламан – қиёмат яқин,
Қайга қўл узатсанг санчилар тикан,
Дунёда райҳонлар қовжираб секин,
Тиканаклар – райҳон, гул бўлдимикан?..

Ўйланиб қоламан хаёл суриб гоҳ,
Инсон олиймақом, жаҳондан огоҳ.
Ўзи жорий қилган “пул” деган матоҳ,
Одам шул матоҳга қул бўлдимикан?..

Интиганимиз шу:
Зар, шон-у шуҳрат,
Бир бериб – минг йиллар қиламиз миннат.
Саҳардан – шомгача тўқиймиз ғийбат,
Бутун вужудимиз тил бўлдимикан?..

“Ишқ” десам юзимдан йиртилар парда,
Тушларимга кириб қилади зарда.
Хиёнат топтаган оилаларда
Севги ёниб-ёниб қул бўлдимикан?..

Одил йўлда эмас, ғафлат саримиз,
Дин деймиз – аслида диндан наримиз,
Айшнинг завқин тотган вужудларимиз,
Изтиробда қолган дил бўлдимикан?..

Дунё тезкор деймиз, тезкормас дунё,
Ҳар лаҳза яхшилик учундир гўё.
Ажаб – туғишгандан туғишган айро...
Оқибат дегани шул бўлдимикан?..

Ё Раббий!
Йўлимни Ўзинг томон бур,
Қалбимга иймоннинг иншоотин қур.
Илдам Сирот томон йўл босай мағрур,
Ундан ўзга йўллар йўл бўлдимикан?..

Мен ҳам бир осийман шу кенг жаҳонда,
Бир жони омонат тахти равонда.
Тавба деб айтаман: Бизнинг замонда,
Одамнинг қадри бир пул бўлдимикан?..

ҚИЗЛАРИМГА

Дуо айлай – эй, Яратган Парвардигор,
Икки дунё ёруғ қилсин юзларимни.
То ҳаётман, айтадурман такрор-такрор,
Минг ўғилга алишмасман қизларимни.

Тақдир менинг сўқмоғимдан йўл очса ҳам,
Ҳар бир босган қадамимдан гул очса ҳам,
Бошгинамдан кунда тилло, зар сочса ҳам
Минг ўғилга алишмасман қизларимни.

Сабр қилдим, ожизларга Тангри ёрдир,
Гарчи қисмат қилмишидан сочим қордир.
Қизларимдан бўлак яна кимим бордир?
Минг ўғилга алишмасман қизларимни.

Ярашади – сочимдаги қировларим,
Сўнмаган ҳеч юракдаги оловларим,
Худо берса ўғил бўлгай куёвларим,
Минг ўғилга алишмасман қизларимни.

Шулар бордир, бахт-у иқбол умримга зеб,
Шулар ҳамроҳ, эзилмайман дард-у ғам еб,
Ўртанмайман, ўксинмайман “ўғлим йўқ” деб,
Минг ўғилга алишмасман қизларимни.

Иқбол берсин, иқболига шерикман-ку,
Ширингина хаёлига шерикман-ку,
Шулар билан бир умрга тирикман-ку,
Минг ўғилга алишмасман қизларимни.

Майли, менинг бошим эгсин бир кам дунё,
Майли, менинг кўз ёшларим бўлсин дарё,
Ўғил қадри жон-жонимдан ўтар, аммо
Минг ўғилга алишмасман қизларимни.

Камолиддин, тингла айтган сўзларимни,
Вақти етгач тупроқ кўмгай кўзларингни.
Гарчи менинг тобуткашим бўлмаса ҳам
Минг ўғилга алишмасман қизларимни,
Минг ўғилга алишмасман қизларимни...

МУСОФИРЧИЛИК

(ОЛИСДАГИ ЖИГАРЛАРИМИЗГА БАҒИШЛАЙМАН)

Адоғи топилмас – турфа саволлар,
Олис-олисларга судрар хаёллар.
Юраги безовта, кўзлари гирён,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Дунё ғавғосига бормикан чора?
Кошкийди, тушлари ўнг бўлса зора.
Фарзанд соғинчидан юраги пора
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Олисдан юртига бўйлаб яшайди,
Ёлғондан қўшиқлар куйлаб яшайди,
Йиқилган рўзгорин ўйлаб яшайди
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Ҳеч кимга сирларин этолмас ошкор,
Гоҳида эзилиб тортади озор,
Кунлари хавотир, тунлари бедор,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Атайин такрорлар эрмакларини,
Ёшлиқда тинглаган эртақларини,
Айбини беркитар эркакларининг
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Егани тиқилиб томоқларига,
Бирдан ёш тўлади қароқларига,
Кўниколмас тақдир қийноқларига,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Киприкка ёш эмас, ҳасратлар инди,
Юраклар зорини айтингиз энди.
Келинг – Ота юртга қайтингиз энди,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Сокин ўтиб борар умрнинг қиши,
Ёқам тутиб борар умрнинг қиши.
Нозик елкасида рўзгор ташвиши,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Ҳар кишига бўлсин давлат муяссар,
Нур кўриб, рўзгори бўлсин мунаввар.

Бегона юртларни кезар дарбадар
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Гоҳо тушунмаслар қилар маломат,
Билиб бўлмас беморми ё саломат,
Эркак каби ишлаб топмас ҳаловат,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Тушунмаслар тошлар отганида ҳам,
Кўксига тухматлар ботганида ҳам.
Ҳалол меҳнат қилиб тинмаган бир дам
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Онаси ўтганда – кўзин ёпмаган,
Ризолигин тилаб юзин ёпмаган,
Баъзан рўзғорида қадр топмаган,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Кимлар сарсон кезмиш бурчин ўташиб,
Кимнингдир ноласи кўкка тутташиб,
Ўтинаман – асло қолманг адашиб,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Баъзилар қовламай ҳар босган изни,
Тухмат-у бўҳтонга қолдирмай сизни,
Кўзларига сурсин қўлларингизни,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Нетай, дил дардимни шеърга ўрайман,
Яратгандан сизга иқбол сўрайман,
Сизга чин дилимдан омад тилайман,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Юрагини ғамга ботириб кетган,
Ёноғида ёшин қотириб кетган,
Гоҳида адашиб, сотилиб кетган,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Эркак айби билан, хатоси билан,
Эзилган тириклик савдоси билан,
Бошида минг битта ғавғоси билан
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Отасин тупроққа қўйганда эли,
Келолмай қон ютган, эзилиб дили,
Тириклик қурбони, йўқчилик қули –
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Қизингиз – келинчак, келолмадингиз,
Тебранди беланчак, келолмадингиз,
Ўғлингиз ҳолини сўролмадингиз...
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Кунлар оқиб борар – дарёми, анҳор?
Ватанни бир кўрмак тутади хумор,
Боласининг ширин кулгусига зор,
Мусофир юртларда юрган аёллар.

Соғинч ёмон дерлар, изтироб ёмон,
Ҳасрат инсон рангин айлайди сомон,
Омонликда қайтинг – уйингиз томон,
Мусофир юртларда юрган аёллар...

МАҲЗУН ЧОҒЛАРНИ КЎРДИМ...

Термулдим – юракка шўнғиди малҳам,
Бир гўзал, бир кўркам боғларни кўрдим.
Ғурури тоғлардан баландроқ ўлкам,
Бағрингда минг йиллик тоғларни кўрдим!

Кўрдим – ким отлиқда, кимдир пиёда,
Ким ғамдан чалажон, кимдир зиёда,
Озмунча вақт яшаб ўтар дунёда
Қанча касал, қанча соғларни кўрдим.

Дардинга дармонинг бўлмадим мен ҳам,
Уй шифтига ойдек тўлмадим мен ҳам,
Қомати букчайган онам-а - онам,
Ҳазин юрагингда доғларни кўрдим.

Кўрдим – хиёнатнинг оловин ёққан,
Кимсалар кўксига тасбеҳин таққан,
Бургутман – сорман деб тик мағрур боққан,
Нигоҳлар ичинда зоғларни кўрдим.

Кўрдим – чеки йўқдир, олис йўлларнинг,
Бир томчи сувга зор, сахро, чўлларнинг,
Порага узанган қаттол қўлларнинг
Тирсагига қадар ёғларни кўрдим.

Олисга бормади мен отган тошим,
Ҳануз маломатдан чиқмайди бошим,
Қара – қирққа кирмай оқарди сочим:
Мен ҳам қанча маҳзун чоғларни кўрдим...

ЎЛИК ВИЖДОНЛАР

Дарахтлар уйғонди,
Уйғонди замин –
Уйғонди тупроққа кўмилган гиёҳ.
Илдизлар симирди тупроқнинг намин,
Чечаклар жонланиб,
Тортдилар огоҳ –
Увилаб юборди ногоҳ ҳайқириб,
Бурчак-бурчакларда жим қотган шамол.
Ғафлатдан уйғонди
Қушлар қийқириб;
Минг йиллар мудраган ўлик тан мисол!
Уйғонинг!
Уйғонинг!!!
Бонг урди дунё,
Нидога жўр бўлди бутун коинот.
Чиркин босиб кетган бўғотлар аро
Нидолар учдилар, бонг уриб
Ҳайҳот!

Фақат бир зум тиниб, жим қолди олам,
Жим қолиб кутдилар
Бедор инсонлар.
Шундайин талотўп ҳайқириқ ичра
Уйғонмасдан кетди ўлик виждонлар...

КЕЛМИШ

Тун кетиб – бир гўзал саҳарлар келмиш,
Ортидан бахт етар маҳаллар келмиш.

Бу кун бир фарахбахш кунга ўхшайдир,
Яратгандан бизга назарлар келмиш.

Бир пайтлар дўст қуйди – шароблар сиздим,
Бу кун ғанимлардан заҳарлар келмиш.

Умрни мен севинч они деб билдим,
Ажабким, севинч - ла хатарлар келмиш.

Қоқилмоқлик бирла ўтган умрда,
Тонг ўтиб, шомида зафарлар келмиш.

Ғалат ураётир юрагим бу кун,
Нигородан бизга хабарлар келмиш...

НЕЧУН ЙИҒЛАЯПСАН, МУҲАББАТ?

Юрагимда доғларим қат-қат,
Ғамгин бўлган чоғларим қат-қат,
Ўксинаман – бўламан диққат,
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Юрагингга тиғдек ботган ким?
Алдаб-алдаб қонинг тотган ким?
Сенгинани қон йиғлатган ким?!
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Ишқ қуроли чўкич бўлдими?
Қиз қадри бир ўпич бўлдими?
Юрагинг зардобга тўлдими?!
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Севмоқ бўлса – мен сева қолай,
Ўз жонимга изтироб солай,
Йиғлама, кел – дардингни олай,
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Севги увол бўлгани-чунми?
Висол хаёл бўлгани-чунми?
Чин севгининг ўлгани чинми?!
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Мағрур эдим – бошим бўлди ҳам,
Кулиб туриб, кўзларимда нам.
Безовтаман тушларимда ҳам,
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Бир хушрўй кун юрган эдинг-ку,
Ишқ кўшқини қурган эдинг-ку,
Кеча кулиб турган эдинг-ку?!
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Жиққа ёшга тўлибди кўзинг,
Ялтирайди ёноғинг, юзинг,
Қанчаларни йиғлатиб, ўзинг
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Барги хазон кунлар учунми?
Айтилмаган унлар учунми?
Хиёнатли тунлар учунми?!
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Сен йиғладинг – кўчди жайронлар,
Қанча ўққа учди жайронлар,

Ҳайрон боқди дили вайронлар,
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Бардош тилаб бардошларингга,
Сўқмоқ аро йўлдошларингга,
Жўр бўлайми кўз ёшларингга?!
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

Умид қолмадими Лайлодан?
Устихонлар қолди Зухродан,
Ҳайқиради Мажнун саҳродан:
"Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?"

Бир яра бўлса-ку битарди,
Заҳмин шамол олиб кетарди.
Менинг йиғлаганим етарди,
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?

АҚЛИ ОДАМ

Ақли одамсан – хушинг жойида,
Озод тафаккуринг дунёдан огоҳ.
Ҳамроҳларинг сени йиқмоқ пайида,
Оёгинг остидан қазийверар чоҳ.

Ақли одамсан – топганинг ҳалол,
Кўзингни тикмайсан зарга, бойликка.
Тенгдошларинг яшар шаҳаншоҳ мисол,
Сен яшаб ўтыпсан – фақат ойликда.

Бошлиқларинг нолиб қилганда исён,
Уввос солса Ҳақдан бўлиб бегона.

Сен Тангрини эслаб, ҳам оби ёвфон
Ҳам бурда нонинга қилдинг шукрона.

Ақлли одамсан – гуноҳ қилмаган,
Кунда қилсам дейсан ҳеч йўқ бир савоб.
Дўстларинг пул санаш ҳадисин олган,
Сенинг қўлларингдан тушмайди китоб.

Гоҳо тушунолмай дунё корига,
Чеккада мунғайиб, термуласан жим.
Ҳеч ким қулоқ тутмас кўнглинг зорига,
Назарингда сен бир муштипар, етим.

Ақлли одамсан – тушунолмайсан:
Бир инсонни мунча қийнамоқ нечун?
Ўғри ё ғар бўлмоқ хўп даркормикан
Бу дунёда бахтли яшамоқ учун?!

Ақлли Одамсан – тушун-да, ахир,
Сиқилма – кўксингда турмасин санчиқ.
Қўй, тегма, измида бормоқда тақдир,
Мантиқсиз дунёдан излама мантиқ...

МЕН СИЗНИ ЖИМГИНА СЕВДИМ...

Мен сизни жимгина, жимгина севдим,
Минг йиллар чўзилди бир оғиз изҳор.
Армонга айланди умидим, севгим,
Мен уни бир умр этмадим ошкор.

Мен сизни жимгина, қимтиниб севдим,
Айтмоққа топмадим бир ҳовуч журъат.

Ва умид кўзлари мўлтираб тим-тим,
Пинҳона топталди буюк муҳаббат!

Фақат севиб ўтдим, севганча яшаб,
Хайқириб чиқмадим йўлларингиздан.
Ногоҳ пойингизга жонимни тўшаб,
Тиз чўкиб ўпмадим қўлларингиздан.

Шунчалар пинҳона севдим мен сизни,
Қалбимда титради ўзгача дунё.
Жонимдан ҳам ширин висолингизни
Хаттоки ўзимга кўрмадим раво.

Пинҳона-пинҳона кечди умрлар,
Мен томон бир назар қилмай ўтдингиз.
Беиз сўқмоқлардан кечиб саросар,
Севишимни бир бор билмай ўтдингиз.

Мен сизни жимгина, жимгина севдим,
Минг йиллар чўзилди бир оғиз изҳор.
Армонга айланди умидим, севгим,
Мен уни бир умр этмадим ошкор.

Мен сизни жимгина, жимгина севдим...

КЎНГИЛ ДЕГАН МАКОНДАДИР...

Сен эй, кўнглим – англадингми, имкон надир,
Хорлик нима, нима асли, даврон надир?
Юрак бағрим шу бир савол ўртаб ётар:
Армон надир,

армон надир,

армон надир?!

Менким – икки ўт ичинда оввораман,
Бечораман – бир нотавон бечораман.
Телбадурман – ўз-ўзимдан бегонаман,
Хаёлларим – ўшал хушрўй жанондадир.

Эрта деган қандай кечгай – кимлар билсин,
Банда борки, бор қисматин кузатгай жим,
Англадимки, энг мўътабар, буюк тилсим:
Синоатлар, кўнгил деган макондадир...

ШЕЪРМАН

Мен битта шоирман – ҳоқон эмасман,
Бировни камситган инсон эмасман!
Баъзилардек бурни осмон эмасман;
Тупроқман, хокисор заминман – ерман!

Гоҳо шодумонман, гоҳ кўнгли синиқ ,
Гоҳида ўжар-у гоҳи хушқилиқ.
Билганим – юрагим тўла ҳайқириқ ,
Тақдир ўрмонида занжирбанд шерман.

Дунё обод бўлди – бўлмадим обод,
Этагимни силкиб кетяпман, ҳайҳот!
Ёзганларим тўла – изтироб, фарёд,
Элнинг ҳасратини кўтарган эрман !!!

Ким эътибор бергай кўнгли яримга?
Тупурдим – тўрт танга топган заримга,
Сингиб бораяпман ўғилларимга:
Менким – Асадбекман, мен – Алишерман..!

Кимнинг бори иғво, билгани иллат,
Ўтган ҳеч бир куни ўтмас беминнат.
Кимнинг ичи тўла ҳасад, хусумат,
Албат – шу инсонга алвидо дерман..

Тилло зарҳал битдим, қофиясига
Бор-йўғимни тутдим қофиясига.
Қирмиз дудоқларинг хошиясига
Юрак қони билан битилган шеърман!

ТАБАҚА

Эгнинг юпун – қўлларинг қадоқ,
Кўзинг доим йўлларга муштоқ.
Чўнтагингни қоқсанг пул эмас
Кесак тушар, тўкилар тупроқ.
Эй, бағри кенг, юраги вайрон,
Ўзи хароб, – таърифи достон.
Кел – қадоқ қўлингдан бир ўпай,
Меҳнат учун яралган Инсон,
Заҳмат учун яралган Инсон!!!

Сенинг мудом қўлларинг мойда,
Гоҳ боғдасан, гоҳ салқин сойда.
Бировга тош отиб тинмайсан,
Қайда иғво – сен ўша жойда!
Қолдирмайсан – ҳеч кимга имкон,
Заҳринг татмай қолмас ҳеч бир жон.
Худо урган Худобезори,
Иллат учун яралган Инсон,
Туҳмат учун яралган Инсон!!!

ҚОЛИП

Жонланади ичимда тугён,
Жонланади чиркин хотира,
Тағин оғриқ беради чунон,
Юрагимда сирқиган яра.

Хаёлимни банд қилар ҳорғин,
Минг йилларки очилмаган сир.
Руҳим аро сингади сим-сим,
Қаландарлар айтган асотир.

Мени кимлар банд этмоқ бўлди,
Ким устимдан бўлмоқда ғолиб?
Айт, мен қандай ҳайқирай энди
Юрагимга солинган қолип?!

Мунғаяман – сўқмоқлар аро,
Чўнг кўкрагим очиб ташланган.
Юрак майда-майдадир гўё,
Майдаланиб, сочиб ташланган...

Йўқ – мен ғафлат уйқуси ичра,
Каловланиб кездим саросар.
Дунё қулоқ осмади сира,
Ортиб борди алаҳсирашлар.

Мен интилдим, қоялар томон,
Ҳайқириб ҳайқириб йиғладим.
Фарёд урган арслон мисол
Дунё қолипига сиғмадим.

Воҳ – уйғониб кетдим ногаҳон,
Манглай ботиб, қоп-қора терга.
Бир оҳ урдим титради жаҳон,
Сўнг кўксимни босдим зах ерга.

Рухим замин кезар саросар,
Таним ётар Ҳаққа ёлвориб.
Атрофимда сочилиб ётар
Парчаланиб ташланган қолип...

ИЙМОННИ ҚИДИР...

Тўрт ёнинг зулумот, тўрт ёнинг ғафлат,
Аммо – қалбга таскин топган пулларинг.
Осмоңдек гердайиб қурасан суҳбат,
Қай томон узатсанг етар қўлларинг.

Фақат англолмайсан – гўлсан шу қадар,
Одамгарчилик не – мурувват надир?
Холисилло бир гап айтай, биродар,
Иймонни йўқотиб қўйибсан –
Қидир!..

ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

Ҳақиқат нелигин билмоқчи бўлсанг,
Тиканаклар босган йўллардан сўра.
Чарчаган оёқлар – судралган аранг:
Меҳнатдан ёрилган қўллардан сўра!

Ҳақиқат ҳақида билмоқчимисан?
Ҳов анов далалар томон йўлинг бур.

Сўнг олис чўққини айлаган ватан
Бургутнинг кўзига тикилгин мағрур!

Ҳақиқат нелигин билмак истагинг,
Бор – уфқнинг қизарган кўзларига боқ.
Эй, сен нодон, ўзи нени истадинг,
Қара – оёғингда турди қалтироқ..

Ҳақиқат не ўзи? Ҳақиқат гўё
Ойнинг юзидаги чандиқ – ҳақиқат.
Бир пайтлар тебранган тўлқинлар аро
Тоҳирни оқизган сандиқ – ҳақиқат!

Ҳақиқат нелигин билмоқчи бўлсанг,
Аросатда қолган диллардан сўра.
Сув ўрнида қалққан кўкси тўла занг,
Ўрдаги тарк этган кўллардан сўра.

ОРЗУЛАРИМ ЎЗИМНИКИДИР!

Туйғуларим ўзимникидир,
Қайғуларим ўзимникидир.
Ушалса ҳам, ушалмаса ҳам
Орзуларим ўзимникидир!

Рост – бағримни тиғлаганларим,
Гоҳ дунёга сиғмаганларим,
Ўзимники йиғлаганларим,
Кулгуларим ўзимникидир...

Бедор юрак ҳасратга тўлган,
Менинг билан бўлгани-бўлган,

Кипригимга омонат қўнган
Уйқуларим ўзимникидир.

Қўймоқ мумкин бировга ихлос,
Қош-кўзлари ўхшашдир, бир оз.
Вале – юрак дарди бўлакча,
Инсон бўлсин – ўзлигига хос!

Дунё шундай яралган, инон,
Ичи тўла, тилсим-у, ўгит.
Бу дунёда ҳеч битта инсон
Ҳеч бирига қилмасин тақлид.

Ер юзида миллиардлаб жон,
Биз йўловчи – кемадир дунё.
Асли барча яралган инсон,
Бир-бирига ўхшамас асло!

Туйғуларим ўзимникидир,
Орзуларим ўзимникидир.
Ҳатто менга ярашиб турган,
Қайғуларим ўзимникидир!

БИРИНЧИ БЎСА

Ярим тун...
Чорбоғда шитирлаган сас,
Ва зим-зиё тундан куч олган умид.
Юрагинг потирлар – кўкрагинг қафас,
Ёнингдаги наҳот ўша қув йигит?
Ярим тун...
Атрофда бирор бир жон йўқ,

Титраб-қақшаб чиқар майин овозинг.
Вужудинг ёнмоқда бамисоли чўғ,
Тунда ҳам ловулар қизарган юзинг...
Ярим тун...
Қўлларинг титроқдан беҳол,
Қонсиз лабларинг ҳам учади пир-пир.
Нигоҳинг безовта ҳур оҳу мисол,
Қалбингни булутдек босар хавотир.
Билмайсан – не экан, ширин уйқудан
Айириб, чорбоққа судраган хилқат?
Бир зумда хаёллар кўкка учар шан,
Оҳ, бунча қудратли экан муҳаббат!
Сўнг танинг титратиб жунбушга солар,
Бир умр юракда қоп кетган ўша...
Қалбингни бир майин оғушга олар
Биринчи бўса...

БАХШИЁНА

Соғинганим билармидинг?
Эй, кўзлари қуралай!
Кел – сочингга ўра мени,
Сочларингга ўралай!
Дунё азал шундай дунё,
Назарига илмайди.
Бизнинг каби шоирларни
Сира писанд қилмайди..

Менку яшаб дунёсидан
Бир кун вафо топмадим.
Сен ҳам ширин дудоғингдан
Ўптирмадинг – ўпмадим..?!

Ўлмаган дил бир кун лим-лим,
Тўлармикан, ёр-ёр.
Лабларингдан бир бор ўпмай
Бўлармикан, ёр-ёр?

Ёр-ёр дедим, ёр-ёрларга,
Чуланди дил ёр-ёр.
Бир кун бутун бўлармикан
Куйган кўнгил, ёр-ёр?
Дил куйганда бир коса май
Малҳам экан, ёр-ёр,
Ошиқларга фақат ҳасрат
Ҳамдам экан, ёр-р.

Кўзларингни соғинганда
Ойга боқдим ўртаниб.
Одамзод ҳам изтиробга
Қолар экан ўрганиб.
Изтироб ҳам шунчалар, оҳ,
Кўп бўлурми Худоё?
Бир шоирга душман шунча
Тўп бўлурми Худоё?!

Ҳасратларим тизим-тизим,
Бўлмас кўзин ёпмасам.
Ҳеч бўлмаса юзларингдан
Уят бўлар ўпмасам.

Соғинганим билармидинг?
Эй, кўзлари қуралай!
Сочларингга ўра мени,
Сочларингга ўралай!

Дунё азал шундай дунё,
Назарига илмайди.
Бизнинг каби шоирларни
Сира писанд қилмайди..

ЎША КУН ХОТИРАСИ

(АВАЗГА)

Оломон...

Тўрт ёним тумонат одам,
Мунгли нигоҳларда қалқиган ҳасрат.
Ўзимни билмайман, билмайман бир дам,
Ўкириб-ўкириб йиғлайман фақат.
Ўкириб бораман, чиқмас овозим,
Кўксимнинг тубига чўккан ҳайқириқ.

Денгиздек оқади оломон сим-сим,
Маъюс термуламан, юрагим синиқ.

Ҳой, қайга кетяпсиз, елкангиз узра,
Унсиз қалқиб борар менинг жигарим.
Ҳеч кимдан садо йўқ, сас йўқдур сира,
Фақат ғамгин боқар, қорачиқлар жим...

Ё Раббий!

Бу қандай синоат, ахир,
Кўзимга тескари кўринар дунё.
Ичимни кемирар мангу хавотир,
Тупроққа айланиб боряпман гўё.

Мунтазир боқадир ҳолимга осмон,
Қуёш бошим узра абадий чироқ.

Яширинар мендан уялгансимон,
Булулар остига момоқалдироқ..

Мен нечук – мен нечук бу кўйга тушдим?
Нечун бу хилқатда худудим, жойим.
Шум қисматнинг аччиқ шаробин ичдим,
Ўзинг ёрдам бергин менга Худойим!

Бир муддат бошим ҳам айланади гир,
Тинади энг яқин дўстлар йиғиси.
Ё Худо, танам ҳам титрайди дир-дир,
Бўғзимга урилар шувоқлар иси.

Умидларим сўниб, юраклар тинар,
Шиддатли сокинлик сингади жонга.
Ёнади – бетиним юрагим ёнар,
Мўлтираб боқаман – мангу маконга.

Сўнг – такрор ўксиниб, тўлғониб, ўксиб,
Йиғлайман – юрагим ўйиб қайтаман.
Қабристон томондан сокин мунғайиб,
Онамни тупроққа қўйиб қайтаман...

ЎТИБ КЕТГАН

Бу йўллардан келиб қанча надоматлар ўтиб кетган,
Неча хоксор – неча кўнгли хижолатлар ўтиб кетган.

Кеча жонон, кеча хушрўй, бугунчи бир ҳовуч туфроқ,
Фарангис, Зулфизар, Нозик, Фароғатлар ўтиб кетган.

Ўтибдир носир-у олим, ҳам аркон, шоир-у даврон,
Бу йўлдин қанчалаб соҳиб кароматлар ўтиб кетган.

Етимлар луқмасин ўйлаб, неки бор-ўғини сочқан,
Сахийда Ҳотами Тойдек саховатлар ўтиб кетган.

Бу йўллар осуда кечмас, ки онда бор талотўплар,
Одамзод бошиға тушқон маломатлар ўтиб кетган.

Бу йўлга кирди ким – бир кун чиқиб кетмак муқаррардур,
Бу йўлдин қанчалаб бемор, саломатлар ўтиб кетган.

Бу йўллар қанчалар ўтмиш, кечирмиш давр-у давронлар,
Неча дорул омон кунлар, жаҳолатлар ўтиб кетган.

Одамким – ҳар хил-у турдир, бирови марди майдондир,
Биров айлаб ғанийларға хушомадлар ўтиб кетган.

Тириклик гўёки дарё – оқар тинмай, тиним билмай,
Югурмай ётқони ҳам бе ҳаловатлар ўтиб кетган.

Қалам йўн эй, Камолиддин, ки оний ўткадур умринг,
Қара шеърда неча ўтқур фаросатлар ўтиб кетган.

СЎНГИГА БЎЛУРМУ ЎЛИМ КИФОЯ?

Чегараси борми соғинишларнинг?
Унсиз ёнишларга борми ниҳоя?
Ё чексиз эзилиш, оғринишларнинг
Сўнгига бўлурму ўлим кифоя?

Чегараси борми муҳаббатнинг ҳам,
Наҳотки севмоқлик шу қадар азоб?
Наҳот висол бизга бегона, эркам,
Наҳот "бахт" дегани шунчаки хитоб?!

Чегара бормикан айрилиқларга?
Ҳижрон деганига бормикан меъёр?!
Наҳотки – сохталар бурканиб зарга,
Чин суйган юраклар тортадир озор?!

Чегара излайман изтиробимга,
Тўлқиндек ёприлар қалбимга ҳасрат.
Юракни майдалаб улашдим кимга?
Бевафога тортиқ бўлди муҳаббат.

Соғиндим – интизор сўқмоқлар аро,
Тинмай йўл қаради нигоҳим маним.
Гоҳ ўйчан, гоҳ ҳорғин, гоҳ мотамсаро,
Юракдан қоғозга оқди шеърларим.

Чегара топмадим севгининг оташ,
Дилларни ўртовчи наволарига.
Қачонгача бўлгай юрагим талаш,
Бу дунёнинг кўзи қароларига?

Чегараси борми – соғинишларнинг?
Унсиз ёнишларга борми ниҳоя?!
Ё чексиз эзилиш, оғринишларнинг
Сўнгига бўлурму ўлим кифоя?..

ФИРОҚ

Қаро кўзингиздан айланай, пари,
Воҳ, бунчалар гўзал қароқларингиз!
Кўксимни куйдирган олов сингари
Бунчалар ўртади фироқларингиз?

Пари қиз, лабингиз саҳоватпеша,
Жилмайиб кетдингиз– лов-лов ёндим мен.
Сизни рашк ўтида куйдирган ўша
Олифта қизларга ёқмай қолдим мен.

Пари қиз, бағрингиз тошми, билмадим,
Соғиндим, соғинчда эзилди жигар.
Дардим ичга ютиб юравердим жим,
Саболардан кутиб бирор бир хабар.

Фақат таскин бўлди – шу битта сурат,
Яхшиям суратдан йўқлаб турасиз.
Бизга ҳижрон бирла айрилиқ қисмат,
Сизга буюргани ҳасрат изма-из.

Соғиндим, жудаям соғиндим сизни,
Мунчалар танг экан иқболим маним?
Андишага боғлаб бир-биримизни
Жавобсиз қоп кетди “СМС” ларим.

Телефон қилмадим гоҳида атай,
Гоҳо кўтармадим терсангиз рақам.
Кўксим тўла ситам, қай бирин айтай?
Пари, эзиб қўйди мени оғир ғам!

Сизга ҳам осонмас, сизга ҳам мушкул,
Бир умр ҳижронда яшамоқ қийин.
Сиз бир нозикниҳол, сиз бир атиргул,
Бағрингиз қонатар ҳижрон кун сайин.

Соғиндим, қийнади юрагим ёмон,
Керакмас, кўксимдан юлиб берсангиз.

Мана, яна сизга қилдим телефон,
Гапирмай бир марта кулиб берсангиз...

СУКУТ САҚЛА МОЗОРЛАРДА...

Ҳикмат айтма гар ўзингда амалинг йўқ,
Пок юрагинг қолиб кетган мурдорларда.
Эскиларнинг мақоли бор, билиб айтган:
"Виждон деган нарса бўлмас – беорларда."

Кўзинг қайда, нечун ҳақни кўролмайсан?
Нигоҳларинг қолган кўзи хумморларда.
Азал шундай – ноҳақларнинг кўли баланд,
Эзгуликнинг умри ўтгай озорларда.

Мол сотмадинг, нени сотдинг, билолмайсан,
Ориятни сотиб кетдинг бозорларда.
Гар дунёни нелигини англар бўлсанг
Бориб бир зум сукут сақла мазорларда...

ИЛТИЖО

Йўлсизларга йўл бергин – Тангрим,
Қўлсизларга қўл бергин – Тангрим.
Тўрт томондан адашганларга,
Ўнгни бергин, сўл бергин – Тангрим.
Тилсизларга тил бергин – Тангрим,
Забон, сухан мўл бергин – Тангрим.
Энг ёмони дилсиз яшамоқ,
Дилсизларга дил бергин – Тангрим !!!

ТОИФА

Одамзод аслида икки тоифа,
Бошингга иш тушса кўрасан барин.
Бири оқибатдан тўқир сафсата,
Бири кўз-кўз қилар йиғилган зарин.

Бўлакка бўлиниб кетган одамзод,
Қанчалаб юракни босиб ётар занг.
Синаб боқ: оёгин кўтариб озод,
Тепкилаб ўтади ногоҳ йиқилсанг..

Асли борар ери бир жой бўлса ҳам
Сиғдирмас бир-бирин, эговлар азал.
Уларга иккига бўлинган олам,
Икки "буюк" қитъа: бой ва камбағал...

Одамзод иккита тоифа – бири
Ҳолингга ачиниб қарайдиганлар.
Яна бири – сенга панд бериб, сўнгра
Томоша қилишга ярайдиганлар...

КЎНГИЛ

Ғафлатга чулғаниб ўтаётир йил,
Сен хануз дард билан ака-ю сингил.
Умринг бино бўлиб роҳат кўрмадинг,
Ҳалиям ғам сочин тарайсан кўнгил.

Дунёга келдинг-у – топганинг армон,
Ҳолингга ўзинг ҳам қоласан ҳайрон.
Аканг шофёр бўлди, уканг-чи деҳқон,
Сен қай бир юмушга ярайсан кўнгил?

Бошинг омон чиқди турфа балодан,
Фақат бахт изладинг ер-у самодан.
Кечалар ёлвориб, йиғлаб Худодан
Айтгин, нималарни сўрайсан кўнгил?

Чиқдинг қисматнинг кўп тоғ-қирларига,
Кўксинг нишон бўлди ёмғирларига.
Бу дунёнинг йиртиқ тақдирларига
Энди қай матони ўрайсан кўнгил?

Йўқ, омад йўлига очасан қучоқ,
Кўзингда табассум – кўксингда пичоқ.
Ҳаяжонга ботиб, термулиб муштоқ,
Кимнинг йўлларига қарайсан кўнгил?..

Кимнинг йўлларига қарайсан кўнгил?..

ФАРҒОНА КЕТАМАН...

*Мен бу ерда ўт ёқсам,
Фарғонада тутуни...*

Кўшиқдан.

Фарғона кетаман...

довонлар ошиб,
Кетаман – тўнимни елкамга ташлаб.
Узун йўлларига жондай тутушиб,
Ётаман, тоғларда ўйчан, ёнбошлаб..

Фарғона кетаман – сассиз, садосиз,
Елкалаб кетмайман топган заримни..
Кетаман, ҳамроҳсиз, бир раҳнамосиз,
Фақат олиб кетгум – қўшиқларимни.

Гоҳ қуёш сингари жилва таратиб,
Тоғларин ортига сокин ботаман.
Майин тупроғига қулоғим босиб,
Ширин оҳангларин тинглаб ётаман.

Бу юртнинг ҳар гарди Ҳақ томон боққан,
Урчиган ҳақиқат толаларидан.
Бир пайтлар – сойлари сел бўлиб оққан,
Охунжон ҳофизнинг ноаларидан.

О улугвор гўша – о ота макон!
Нечун юрагингга меҳрим тўшайман?
Узоқда юрсам-да талпиниб ҳамон,
Қучоғинг соғиниб, қўмсаб яшайман.

Бораман – таниш йўл, сой, кулба ёлғиз,
Аён этар мени буюк бир сирдан.
Сўнг секин шивирлаб ўша хушрўй қиз:
Мисралар ўқийди Усмон Носирдан...

ОШИҚОНА

Бу сўқмоқлар қай томонга қараб кетган?
Ёт шамоллар сочларимни тараб кетган.
Ё Худоё – бу дунёнинг малаклари,
Талаб кетган, юрагимни талаб кетган!

Сокин-сокин арз сўзладим дарёларга,
Айтгин нима гуноҳ қилдим Лайлоларга?
Муҳаббатнинг қийноқлари мунча бисёр,
Дунёларга сиғмай қолдим, дунёларга?!

Наво бўлиб таралганим етмасмиди?
Садо бўлиб таралганим етмасмиди?!
Яратганим – нечун мени ўтга отдинг,
Ўзи ўтдан яралганим етмасмиди?!

Кўзларимни юмиб қўяр хавотирлар,
Дардларига кўмиб қўяр хавотирлар.
Оташларинг ичра унсиз яшаяпман,
Атрофимда мен билмаган қанча сирлар.

Боши минг бир бало экан ошиқларнинг,
Ҳар қадами хато экан ошиқларнинг.
Бу дунёда ошиқ бўлиб англаганим:
Шоҳлари ҳам гадо экан ошиқларнинг.

Қарайверсам, бағри дилим эзилади,
Кўрган сайин шайдолигим сезилади.
Қўл тегмаган зулфларининг толасига
Менинг кўнгил ҳасратларим тизилади.

Қаро экан, шу қуралай кўзлар қаро,
Остонада қотиб қолган излар қаро.
Минг йилдирким – мен бетайин оввораман,
Ўша санам қадам босган йўллар аро.

Бу сўқмоқлар қай томонга қараб кетган?
Ёт шамоллар сочларимни тараб кетган.
Ё Худоё – бу Дунёнинг малаклари
Талаб кетган – юрагимни талаб кетган!

ИЗҲОР

Қўлларинг тутаман дам-бадам,
Сўнг хумор кўзингга боқаман..
Шеър битиб юрагим қонидан
Тим қора сочингга тақаман.

Қўлларинг
Мунчалар бежирим,
Эҳтимол меҳрдан яралган?!
Куйларим – оҳ, менинг куйларим,
Куй эмас, дил бўлиб таралган!

Кўзларинг тубида эҳтирос,
Кўчади дилимнинг кўрига.
Кулгулар жарангин басма-бас,
Қўяман юрагим тўрига.

Умидлар бирам кўп, умидлар,
Тизилган – умримиз йўлига.
Қалбимни айлабон мунаввар,
Тутаман – муҳаббат қўлига..

Севгимиз...
Дарвоқе – севгимиз...
Ўйлайман: бағримиз мунча кенг?
Қайларда юрибмиз энди биз?
Тонг чорбоғ кезаман, ўксиб сўнг:
Оҳиста шивирлаб қўяман..
МЕН СЕНИ ТО ҲАНУЗ СЕВАМАН!!!

БЕДАВО ДАРД

Мен сени шунчаки севмадим, эркам,
Шунчаки эмасдир дилдаги ҳасрат.
Минг йилдир дардимга топмадим малҳам,
Тентираб васлингни изладим фақат..

Мен сени шунчаки севмадим, инон,
Бекор ёнган эмас кўксимда олов.
Телбавор севгининг дастидан чунон,
Қирққа кирмай инди сочимга қиров.

Юраклар зирқираб висолинг кутди,
Меҳрингдан умидвор титради танзим.
Нурини пойингга дам-бадам тўқди,
Интизор термулган кўзларим манзим.

Шунчаки, шунчаки куймади бу дил,
Шеър битиб бағрини эзди бир шоир.
Бир парирухсордан узолмай кўнги
Қайс бўлиб саҳролар кезди бир шоир.

Шоирга не дерсан, шоирга не бор?
Дарди висол эмас, икки мисра байт.
Икки мисра байт деб келмадим дилдор,
Қўлларингдан тутай, юрагингни айт!

Мен сени шунчаки севмадим гулшан,
Гуллардан пойингга дасталар сочдим.
Ёлғизлар масканин айладим Ватан,
Сўнг чексиз ҳасратга қучоғим очдим.

Йўқ, сени шунчаки севолганим йўқ!
Девона Мажнунга айланиб севдим.
Вулқонга айланди бағримдаги чўғ,
Мен ўша оловда бир умр куйдим.

Мен сени шунчаки севмадим, эркам,
Шунчаки эмасдир дилдаги ҳасрат.
Энди тополмайман дардимга малҳам,
Бир дарди бедаво экан – муҳаббат.

КЕЧИКИШ

Айрилиқнинг ўтида ёндим,
Юрагимни оташга солдим.
Билолмадим, билолмай қолдим,
Кечикдимми, эрта келдимми?

Англолмадим – тақдирда не бор?
Қисмат деган қизғанди дийдор.
Истасам ҳам келмайман такрор,
Кечикдимми, эрта келдимми?

Умр шошқин, висол мосуво,
Мен бир телба, мен битта гадо.
Бир гўзални қизғанди дунё,
Кечикдимми, эрта келдимми?

Ўттизимда ўт бўлиб севдим,
Йиғладимми ё кулиб севдим?
Кечир мени кечиккан севгим,
Кечикдимми, эрта келдимми?

Қалбим тутдим сендек Лайлога,
Юрагинг тут мендай адога.
Айт севгилим телба дунёга,
Кечикдимми, эрта келдимми?

ЎХШАШЛИК

Душман ғам гадонинг янги бир тури,
Бер деб ўтинади бағрингни эзиб.
Йўлида учраса ўзидан зўри
Нимадир тилайди қўлини чўзиб.

Аслида қўл чўзган гадода йўқ айб,
Гадо-ку пул тилар, ўзгасин демас.
Лаънати ғанимлар кўзингни бўяб
Жонингни сўрайди – пулингни эмас...

ТҮЙДА

("ЁШЛИК ХОТИРАЛАРИ" ДАН)

Эрка қиз, севгингиз соясида жим
Қалбингизда мудраб ётган умидман.
Мафтункор нигоҳлар сўроқлайди: “Ким?”
Мен ўша – сиз севган шоир йигитман!

Мен ўша-ўшаман, соддадил, ғамгин,
Олифта кийинган, аҳволи хароб.
Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин,
Мана – тўйингизда ичяпман шароб.

Тинимсиз ичяпман, тугамайди май,
Симирияпман, дардим ичимга ютиб.

Ҳозир чақиришар даврага атай,
Сизга бахт тилайман микрофон тутиб.

Шоирлар шунақа, шоирлар ғалат,
Улар мудом Мажнун бўлиб юради.
Жилмайиб турмоқлик уларга одат,
Ичи йиғлаб, кўзи кулиб туради...

ҚАРИҚИЗ

Кимнингдир наздида сен бир “қариқиз”,
Ўйлашар: севгидан, бахтдан нари қиз.
Аслида севгининг бўйтумори сен –
Ойпопук қизларнинг энг дилбари қиз!

Асли сен муҳаббат ечмаган тилсим,
Сен Мажнун излаган қоракўз Лайло.
Йиғлама гўзалим, йиғлама синглим,
Ёшингга арзимас бевафо дунё.

Дардингни қалбингга яшириб атай,
Ўралдинг юрагинг нолаларига.
Кечиккан севгини оссанг арзига
Оқарган сочларинг толаларига.

Жон синглим, ерларда ётган кўзмунчоқ,
Тақдирнинг сезмаган малоли сенсан.
Сен иқбол йўлига тутган шамчиноқ,
Қисматнинг хатоси, уволи сенсан.

“Қариқиз” миш, қайдан яралган бу сўз,
Қай юрак, қай тилдан таралган бу сўз?
Қаранг, ҳижрон кўшки сарҳадларидан
Интизор термулар тенгсиз қоракўз.

“Қариқиз” мас, ишқнинг мушк анбари қиз,
Баҳоси топилмас, зеб-у зари қиз.
Бу ғофил бандалар сенга тенг эмас,
Сен бир Фариштасан, сен бир Пари қиз!!!

МУҲАММАД ЮСУФ

Макрлари кўпдир асли ҳаётнинг,
Гоҳ кулиб яшайсан, гоҳо қон қусиб!
Ким дейди: " Менимча адабиётнинг
Чўққисига етган Муҳаммад Юсуф..."

Яна кимдир айтар: " Яшаб хилватда,
Тўрт-беш хил мошини бўлган албатта..
Диванларда ётиб, ботиб шухратга,
Ғазалларин битган – Муҳаммад Юсуф..."

Ким айтар: “Ялтироқ ҳайкалин ўпиб,
Яшаган шеър ёзиб, кунда пул топиб.
Боғларда Навоий байтларин ўқиб,
Париларин кутган – Муҳаммад Юсуф..."

Ким оғиз кўпирар қалаб сўзларни,
Лофдан қизартириб оппоқ юзларни.
"Шеър ўқиб қанчадан-қанча қизларни
Қўлларидан тутган – Муҳаммад Юсуф..."

Аслида-чи, асли?
Бегиб жафодан,
Баъзан кўнгли қолиб назм-у наводан.
Оқилни хорлаган қаттол дунёдан,
Йиғлаб ўтиб кетган – Муҳаммад Юсуф!

ХИТОБ

Парвардигор – қормиш азал
Инсоният лойини.
Сен эй, дўстим ўпаверма,
Бандасининг пойини.

Банда нима? Банда бир кун
Омонатдан жудодир.
Ўн саккиз минг олам Шоҳи –
Қодир Эгам Худодир.

Ҳаёт мисли гулга ўхшар,
Ифорини таратган.
Бу дунёни Парвардигор
Бир кам қилиб яратган.

Сен эй, дўст, кўп бадавлатсан,
Дилинг чоғ, серсафосан.
Каминг шу ё бефарзандсан
Ёхуд Ватангадосан.

Киши йўқдир, бу даҳр аро
Ҳеч беармон кетмаган.
Ҳеч бир кимса бошдан-оёқ
Муродига етмаган!

Банда борки, бир кун келиб
Ўлим сувин тотурлар.
Сен турган шу ер остида
Не-не каслар ётурлар.

Бу сўзларим насиҳатдир,
Қулоғингга қуйиб қўй.
Банда – Худо бўлолмаган,
Бўлолмади, билиб қўй!!!

АСЛИДА

Тиригида қилмай илтифот, қадр,
Ўлганда қабрига қурамуз қаср.
Не-не улуғ зотлар ўтдилар фақир,
Оддийгина яшар экан даҳолар...

ҚИЁМАТЛИ ДЎСТ БЎЛСИН!

Диллар меҳрга тўлсин,
Ғаним сарғайиб сўлсин.
Кўнгил топган дўстларинг,
Қиёматли дўст бўлсин!

Ётсанг, дил тиғлайдиган,
Дунёга сиғмайдиган.
Йиғласанг, йиғлайдиган
Қиёматли дўст бўлсин!

Жонинг омон бўлса, бас:
Ғийбатчилар не демас.
Дўст бўлса, сохта эмас,
Қиёматли дўст бўлсин!

Уйинг зарга тўлса ҳам,
Кунда омад кулса ҳам.

Биттагина бўлса ҳам
Қиёматли дўст бўлсин!

Жигаридек аяган,
Иқболингни сўраган.
Йиқилганда суяган
Қиёматли дўст бўлсин!

Отдамисан, пиёда,
Душманларинг зиёда.
Бу ўткинчи дунёда
Қиёматли дўст бўлсин!

Ёнгинангда юргувчи,
Бирга даврон сургувчи,
Хабар олиб тургувчи
Қиёматли дўст бўлсин!

Камолиддин, бор “зар” инг:
Битган шеър-у гавҳаринг.
“Дўстим” деб юрганларинг
Қиёматли дўст бўлсин!

ШОИРНИНГ ХОТИНИ

Рўзғор ташвишидан толибди,
Мен “шеър” дейман, у дейди “эрим”.
Хотинимга ёқмай қолибди,
Гўзалларга аталган шеърим.

“Кечир, - дедим, - кечиргил”, - дедим,
Узр сўраганга ўлим йўқ.

Уч кундирким, таъзирим едим,
Итларда бор, менда тиним йўқ.

Ўйлаб қолдим: “Нима қиламан?
Қуриб кетсин ўша гўзал қиз!” -
Десам йиғлаб деди: “Биламан,
Яна битта уйланмоқчисиз!”

Аранг тийдим ўзни кулгудан:
“Мен бир боғбон, ўзингсан гулим.
Кел, халос эт мени қайғудан,
Уйланишга етмайди пулим.

Сен гулимсан, ўзинг гулимсан,
Мен бир шабнам бутоғингга хос.
Рашк қилмагин сулув қизлардан,
Улар шеърий қаҳрамон, холос!

Сен улардан гўзалроқ азал,
Фақат сени келадир қучгим.
Сен гўзаллар ичра энг гўзал,
Ўзингга тенг келолмас ҳеч ким!

Бир жилмайиб, тиржайди хотин,
Ёқиб тушди шугина сўзим.
“Сўзларингиз қалбимга таскин,
Дадасидан айланай ўзим.”

Ўйлаб қолдим, сенга ҳам қийин,
Ишқ деб қўйган бунинг отини.
Сен борсанким, ёзаверай шеър,
Яшавор – шоирнинг хотини!

УЙИНГДАГИ АЁЛИНГ

Қай манзилда хаёлинг,
Қайда сўроқ-саволинг?
Сени кутар интизор,
Уйингдаги аёлинг.

Чаманнинг гул-доласи,
Бир мўминнинг боласи,
Болаларинг онаси
Уйингдаги аёлинг.

Сен деб бағрин тизлаган,
Кенг дунёга сиғмаган,
Бемор бўлсанг йиғлаган
Уйингдаги аёлинг.

Гоҳида билиб-билмай,
Қийнадинг назар қилмай,
Бир мунис атиргулдай
Уйингдаги аёлинг.

Муҳаббатинг риштаси,
Рўзгоринг сариштаси,
Уйингнинг фариштаси,
Уйингдаги аёлинг.

Кўчадан тинглаб эртак,
Бахтингни қилма эрмак,
Ёнингда суянч, тиргак
Уйингдаги аёлинг.

Чидаб, оҳ-у зорингга,
Рўзгоринг, бозорингга,
Кўнар йўғ-у борингга,
Уйингдаги аёлинг.

Баъзида синди шаҳдинг,
Баъзан етмади вақтинг,
Кўз очиб кўрган бахтинг
Уйингдаги аёлинг.

Боланг бошин силаган,
Кўз-у қошин силаган,
Сенга умр тилаган
Уйингдаги аёлинг.

Тангридан тортиқ, эҳсон,
Бола-чақа, хонадон,
Онанг каби меҳрибон
Уйингдаги аёлинг.

Юрагингни англаган,
Тилагингни англаган,
Дардларингни тинглаган
Уйингдаги аёлинг.

Дард чексанг – дард ютгувчи,
Шодон кунинг кутгувчи,
Лабингга сув тутгувчи
Уйингдаги аёлинг.

Қисмат оладир ўчин
Ҳар эгри қадам учун.
Кўз ёш тўкмоқда нечун?
Уйингдаги аёлинг.

Қара, қандай бетакрор,
Бундай гўзал қайда бор?
Кутар меҳр-у эътибор
Уйингдаги аёлинг.

Вақт етиб, кетиб омад,
Хуштор қилмай, хушомад,
Ёнингда қолгай, фақат,
Уйингдаги аёлинг.

Ғанимлар унмай сўлсин,
Бахт-у иқболинг кулсин.
Дуо қил, омон бўлсин
Уйингдаги аёлинг...

БОБОДЕҲҚОНГА

Заҳматга алишган ғанимат жонни,
Меҳнатда ер ўпиб, қучган осмонни.
Умрида кетмонни тутмаган каслар
Қўлларидадан ўпинг Бободехқонни!

Онадан туғилиб тиним билмаган,
Гулгун давраларда ўйнаб кулмаган.
Қишда ҳам ерига яхоб сув тараб,
Ерини тиндириб, ўзи тинмаган.
Жилмайиб турибди, юзида меҳр,
Қувончдан ёшланган кўзида меҳр.
Эрта-кеч, далам деб елиб-югурган,
Шу инсондек улуғ ким бордир, ахир?
Боласидан зиёд кўрган кетмонни,
Қўлларидадан ўпинг Бободехқонни!

Қўлларидадан ўпинг Бободехқонни,
Сохталик керакмас, самимий ўпинг,
Боринг, даргоҳига югуринг, чопинг,
Қўлларидадан ўпинг Бободехқонни!

Мен қандай бетайин, арзанда касман,
Мен битта болангман, соҳирнафасман.
Мен сенинг жўяқда туғилган ўғлинг,
Сени қуйламасам шоир эмасман!

Отажон, бор экан тандаги жоним,
Токи оқар экан томирда қоним.
Шу эзгу покиза меҳринг хурмати,
Қўлингдан ўпаман Бободехқоним!!!

Кел, қўлингдан ўпай, қўлларингни бер,
Шу қўллардан меҳр топган Она ер.
Сен билан бирга тер тўккали келдим,
Тер тўкиб хирмонда ўқиб берай шеър.
Ота, давринг келди, тер энди садаф,
Қара, болаларинг туришар саф-саф.
Меҳнатинг, шухратинг топди эрк, эъоз,
Энди даврага чиқ, топгин шон-шараф.
Нигоҳлари тўла орзу-армоним,
Қўлларингдан ўпай Бободехқоним!

Сўзларим ҳақиқат, тек боқинг, ҳайҳот,
Ардоқланг, авайланг, Бободехқонни.
Шу қадок қўлида эркалаб, озод,
Кўтариб турибди Ўзбекистонни,
Кўтариб турибди Ўзбекистонни!!!

ДЎСТ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА

Ҳаётда қийналиб қолганингда гоҳ,
Энг ширин нонини илинади дўст.
Оёғинг остига тутуди чироқ,
Йўлсиз қолганингда билинади дўст.

Нозик сирларингни этмайди ошкор,
Йиқилсанг – ёнингда бўлар мададкор.
Вужудингга тиргак, жисмингга мадор,
Қўлсиз қолганингда билинади дўст.

Асл дўст, – Тангридан энг гўзал эҳсон,
Ҳақдан тортиқдир у шаксиз, бегумон.
Тўшакка михланиб қолсанг безабон,
Тилсиз қолганингда билинади дўст.

Ҳаёт тортқиласа, сабаб, бесабаб,
Аламлар йўлласа, бир сенга атаб.
Қисқаси – айтаман, эркакча бир гап:
Пулсиз қолганингда билинади дўст !!!

БАХТ НЕ ЎЗИ ...

Бахт не ўзи? –
Боланг кўзи бахт.
Офтобда қорайган юзи бахт...!
Ҳар тонг, – ҳар шом, –
Ҳар субҳи саҳар,
Вижир - вижир айтар сўзи бахт !!!
Бахт не ўзи? –
Отанг суҳбати,
Онанг сўзи,
Ширин каломи.
Ишкомдаги пўрсилдоқ қумда,
Ҳар иккисин –
Босган изи бахт...
Бахт не ўзи? –
Ота уйдан сўр.
Эски буйра
Ҳам эски ҳужра,
Келганингда югуриб чиққан,
Укаларинг ўғил - қизи
БАХТ !!!

Бахт не ўзи? –
Бахт нисбий ўлчов!
Унга қирич, вазн керакмас...
Бахт эски тут
Танасига шод,
Момонг боғлаб кетган бўзи бахт !!!
Бахт не ўзи? –
Ўйловга чўмма,
Олдинга боқ , ортингга ўгрил.
Бахт бу гўзал умринг мазмуни,
Ўтиб борар баҳор,
Кузи бахт !!!
Бахт не ўзи, –
Шуям саволми?
Тафаккур қил, ўйла,
Фикр қил!
Нафас олиб, нафас чиқардинг,
Шунинг ўзи бахт...!!!

МЕНИ УНУТМОҚДА...

Мени унутмоқда мен севган Аёл...

Усмон Азим.

Мени унутмоқда мен севган Аёл,
Ўтмишга айланиб бормоқда ҳислар.
Бошқача боқмайди энди бу кўзлар,
Энди олисларга судрамас хаёл,
Мени унутмоқда мен севган Аёл.

Қалбида исёнлар эмас авжида,
Ҳар айтган сўзимдан топмайди малҳам.

Тўзғиган уйининг қай бурчагида,
Сочилиб ётибди сурастарим ҳам.

Кеча бошқачароқ кун эди кеча,
Бугун келдимикан, – умрнинг қиши?
Мен суйиб, эркалаб қучганим ўша,
Нозик елкасида рўзғор ташвиши.

Шуям иш бўлдими? – шуям юмушми?
Сен бир саҳродаги саробсан гўё.
Қалаштириб ташлаб турфа ташвишни,
Сен бир атиргулни сўлдирдинг Дунё ?!

Мени унутмоқда мен севган Аёл,
Билмам – нима экан, умиди, бахти?
Полопони ташна кабутар мисол,
Унинг муҳаббатга етмайди вақти...

Унинг юрагида бошқача туйғу,
Ўзи ярим кўнгли, янада ярим.
Биламан, – тинмасдан ёзсам ҳам мангу,
Қизиқтирмас уни менинг шеърларим.

Биламан, – бир пайтлар мен шеър ўқисам,
Шодликдан энтикиб чақнаган кўзлар.
Бугун бозор дунё бозорларидан,
Кемтик рўзғорига нимадир излар.

Телевизорлардан чиқишлар нима?
У менинг бўйимга қилмайди парво.
Гўёки муҳаббат майиб бир кема,
Биз фарқ бўлганлармиз тўлқинлар аро.

Мени унутмоқда дақиқа сайин,
Қалбига ўзга ҳис бўлган муяссар.
Қора таңдиридан жилмаяр майин,
Аллақачон ёнган хотира дафтар...

Мени унутмоқда мен севган Аёл,
Унутмоқда мендек кўнгли яримни.
Ана, – ташқарига отар бемалол,
Болалари йиртган расмларимни.

Мени унутмоқда, –
Мен ҳам кун сайин,
Кулгуларга ўраб тор сийратимни.
Ташвишларим ичра термулиб ҳорғин,
Тўпроққа қўйяпман, – муҳаббатимни...

Тупроққа қўйяпман, кўзларимда ёш,
Билмам юрак дардни, ғамни севдими?
Рўзғор ғамларига айладим талош,
Тириклик талаган етим севгини.

Барибир юрагим талпинаверар,
Тинглай деб ишқимиз эртақларини.
Қалб қурғур интилиб кўзига сурар,
Ғамгин муҳаббатнинг этакларини.

Ўртада кўнгилга, – кўнгилга қийин,
Уфққа термулиб сураман хаёл.
Ахир умрим ўтиб боргани сайин,
Мени унутмоқда мен севган Аёл...

ОДАМИЙЛИК ДАРСИ

Саноғи топилмас хатоларданмас,
Сочга қиров сепган жафоларданмас.
Мени суйган казо - казоларданмас,
Отамдан ўргандим Одамийликни!

Узун тунлар муштоқ келишим кутган,
Мени деб оввора, ўзни унутган.
Титроқ қўлларида борини тутган,
Онамдан ўргандим Одамийликни!

Менинг дардим ўзи бутун Оламча,
Ҳеч бир дам татимас, сен бўлган дамча.
Анов ачак - чечак юрган одамча,
Боламдан ўргандим Одамийликни!!!

БОЛАМ, – СЕН БАХТИЁР БЎЛИШИНГ КЕРАК

Сен Кўқда Қуёшдек тўлишинг керак,
Гул Диёрда даврон суришинг керак.
Бизга ўхшамасин, сенинг ҳаётинг,
Болам, – сен бахтиёр бўлишинг керак!

Болам, – сен бахтиёр бўлишинг керак!
Бизга назар қилма, – биз бир нотовон;
Биз меҳнатга банди, ташвиш деб ҳалак,
Биз йўқчилик қурбон айлаган инсон.

Болам, – сен бахтиёр бўлишинг керак!
Токим гўзал умринг бўлмасин увол,
Ғам ҳасратда адо бўлмасин юрак,
Бағринг чулғамасин аламли хаёл.

Беҳуда сарфлама билагинг кучин,
Мазлумдан олмагил мазлумнинг ўчин.
Эртанги Қуёшли кунларинг учун,
Болам, – сен бахтиёр бўлишинг керак!

Инсон борким уни таъқиб этар ғам,
Одамийзод қалбин чулғамиш алам.
Бизнинг орзулар ҳам сенда мужассам,
Болам, – сен бахтиёр бўлишинг керак.

Бахт асли бир тугун, ечилмас тилсим,
Бахт Илоҳий қудрат, Илоҳий неъмат.
Бахтни англамадик , яна ким билсин,
Балки уни биздан қизғанди қисмат?!

Сени буюк кунлар кутмоқда, демак,
Мунғайиб бурчакда ўқима эртак.
Сен шунга мажбурсан, шунга масъулсан,
Болам, – сен бахтиёр бўлишинг керак!

ОТА БЎЛДИМ

Отам Тоҳир Ҳазратқул ўғлига...

Юрак парвозга шай, – яшашга мафтун,
Қувонч оғушида чинқирар беун.
Кеча бола эдим, бугунчи, бугун,
Улғайиб қудратга тўлдим Отажон,
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим – Отажон.

Энди қолар бўлди ортимда отим,
Ўғлим юрагида урар ҳаётим.
Бешиқда чинқирар, менинг зурётим,

Бир қувонса, минг бор қулдим Отажон,
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим – Отажон.

Парвонаси бўлдим, ою кунларда,
Йиғлаганда дардим қотди унларда.
Бемор бўлиб чиққан, бедор тунларда,
Узилган ғунчадек сўлдим Отажон,
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим – Отажон.

Ўғил қизим келиб тўлди қучоғим,
Боғбонга айландим, гуркираб боғим.
Дардин тузатолмай қон ютган чоғим,
Сизнинг қадрингизни билдим Отажон,
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим Отажон.

Ота, – азоб экан, бағир тўлгунча,
Падарнинг азоби экан ўлгунча.
Шундай катта калон Йигит бўлгунча,
Қора сочингиз қор қилдим Отажон,
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим – Отажон.

Келинг, – бир силай кўз қошларингизни,
Шукронасин айтай, ошларингизни.
Ўттизга кирмасдан сочларингизни,
Нега оқарганин билдим Отажон,
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим – Отажон.

Кетидан қувладик , тиллони, зарни,
Отажон, кечиринг мендек қайсарни.
Олтинга тенг ўша насихатларни,
Энди қулоғимга илдим Отажон,
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим – Отажон.

Баъзан, билиб-билмай бердим азият,
Баъзида ўғилдек қилмадим ҳурмат.
Нелар қилган бўлсам кечиринг фақат,
Айб қилиб, бағримни тилдим Отажон,
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим – Отажон.

Мен ҳам сиздек ҳалак , фарзанд ғамин еб,
Ахир фарзанд тумор, фарзанд бизга зеб.
Кечами - кундузми бола чақа деб,
Эслолмайман, – қачон тиндим Отажон?
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим – Отажон.

Камолиддин айтди, сиз қулоқ илинг,
Ўғлингиз дардини бир ҳикмат билинг.
Қўлингизни очинг, – бир дуо қилинг,
Неварангиз билан келдим Отажон,
Мен ҳам сиздек Ота бўлдим – Отажон.

БИР ҚИЗ

Бир қиз тушларимда қийнайди мени,
Қўзлари чиройли, юзлари ойдин.
Лабларимга тутиб ишқ деган майдин,
Уйқумда бир ҳис - ла, сийлайди мени,
Бир қиз тушларимда қийнайди мени...

Қийноқлар жонимга сингади бир - бир,
Тўлғониб ётаман, – тўзғиб ётаман.
Хаёллар уфқига шамсдек ботаман,
Болишимда бошим, дилда хавотир.
Бир қиз тушларимда қийнайди мени...

Кўзимга термулар, дардингни айт дер,
Яна муҳаббатни кўшкига қайт дер:
Ва секин пичирлар “Севаман сени,”
Бир қиз тушларимда қийнайди мени.

Найлайин, – қайлардан излайин малҳам,
Қай бир гўшалардан қидирай ором,
Тағин қийнаганда ўшал дилором,
Розиман, – уйқумда беармон ўлсам...

Ўлсам ўлибманда, йўқдир муаммо,
Фақат сени ўйлаб бедорман Лайло.
Сенку ором билан яшайсан аммо:
Бир қиз тушларимда қийнайди мени,
Бир қиз тушларимда қийнайди мени...

УНУТИШ

Гул тутганга гул тутмоқчиман,
Пул тутганга пул тутмоқчиман.
Кўз ёшимга арзимас ҳеч ким;
Ҳаммасини унутмоқчиман.

Шароб тутган Ёшлигимни ҳам,
Гоҳ юпун – гоҳ очлигимни ҳам.
Ўша қаро сочлигимни ҳам,
Ҳаммасини унутмоқчиман.

Ҳаммасини унутмоқчиман !!!
Токи умрим бўлмасин барбод,
Тушун дўстим, – тушунгин бир дам,
Ахир бир бор берилгай ҳаёт!

Ҳаммасини унутмоқчиман !!!
Чунки ўтмиш тун каби қора,
Туйғуларга дегум алвидо,
Салом Дунё, – хайр хотира...!

Ҳаммасини унутмоқчиман !!!
Фақат мендан ранжима Эркама,
Зор термулма, сўз дема Эркама, –
Ҳаммасини унутмоқчиман !!!

Анқомиди бир чимдим сабр?
Бу не аҳвол, – айт бу не жабр?!
Шундай яшаб бўлурми ахир,
Ҳаммасини унутмоқчиман.

Осмон билдим, юракнинг кучин,
Қисмат мендан олмоқда ўчин.
Сенга яхши бўлмоғи учун:
Ҳаммасини унутмоқчиман,
Ҳаммасини...

МУҲДАРИЖА

Луқмон Бўрихон. Безовта кўнгил куйчиси.....	3
Иқрор.....	5
Ватанинг бўлсин!.....	6
Шунчаки севиб бўлмайди.....	8
Севаман Ватан!!!	9
Ватан абадий!	12
Халқаро тинчлик кунига	14
Отам туғилган ҳовли	15
Кеч кузак	17
Бахтим нима – бахтсизлигим не?.....	18
Бухоройи шариф дерлар	20
Навоий бўлғай...	21
Оқибатсизлар.....	22
Кўнгил йўлларида...	23
Жуда қийин...	24
Қўмсаш	25
Муҳаббат	26
Ўғлимга насиҳат	27
Илинж.....	29
Инсон бўлиб қол!	30
Ният	31
Излайман малҳам...	32
Отам – тожим, онам – давлатим!	33
Виждонини пулга сотаётганлар	35
Ота-онанг тириклигида	35
Оддий ҳақиқат	36
Эркакча гап.....	40
Баҳор келганига ўхшайди	40
Дарвешона	41
Омадсиз йигит	43

Аччиқ ҳақиқат.....	45
Қайданам билсин?	46
Лабларингиз пичирлайди	47
Гуноҳ.....	48
Ҳикмат.....	48
Рўмолли қиз	50
Яшаш керак!	51
Отамнинг уйи.....	52
Зайнабга.....	53
Дўст	55
Ўғит	56
Умр.....	58
Муҳаббат не?	59
Баъзилар	61
Икки томчи	62
Изтироб	62
Пахтазорда туғилган акам.....	64
Англамоқ	66
Бир жилмайиб қўйинг.....	67
Одамзод	68
Бизни кутар қанча кўнгиллар	69
Қора қозон	71
Одам захри.....	73
Ота ҳовли.....	75
Лаганбардорга.....	76
Ёшлиқдаги ўйлардим... ..	77
Буюклар ва дунё.....	78
Мен битта ҳеч ким.....	80
Ўзбек аёли	81
Тавалло.....	83
Менинг армоним.....	85
Армон.....	86

Ўргилайин	87
Ҳақиқий эркак.....	89
Укам.....	90
Иддао	91
Онаизорим	92
Дунё.....	95
Учрашув.....	95
Кечиккан севги.....	96
Жаҳолат	98
Азалий ҳасрат	98
Ҳақиқатгўйга	100
Сени суйганман	101
Тентакона орзулар ёмон... ..	102
Тўлдириб кетаман дунёни... ..	103
Одамгарчиликни унутиб қўйдик.....	104
Туш	106
Юрагингга қулоқ тут.....	108
Улфатингдан нима топдинг?.....	109
Ёлғизларга	110
Ғалати тушларим.....	111
Алвидо айтмоққа шошма.....	112
Юрагини ёққани келдим	113
Бир бор кўрсайдим... ..	114
Орзу.....	115
Оқибат	116
Қизларимга	117
Мусофирчилик.....	118
Маҳзун чоғларни кўрдим.....	122
Ўлик виждонлар.....	123
Келмиш	123
Нечун йиғлаяпсан, муҳаббат?.....	124
Ақлли одам.....	126

Мен сизни жимгина севдим...	127
Кўнгил деган макондадир...	128
Шеърман	129
Табақа.....	130
Қолип	131
Иймонни қидир.....	132
Ҳақиқат ҳақида ҳақиқат	132
Орзуларим ўзимникидир!	133
Биринчи бўса.....	134
Бахшиёна.....	135
Ўша кун хотираси.....	137
Ўтиб кетган.....	138
Сўнгига бўлурму ўлим кифоя?	139
Фироқ	140
Сукут сақла мозорларда.....	142
Илтижо	142
Тоифа	143
Кўнгил.....	143
Фарғона кетаман.....	144
Ошиқона.....	145
Изҳор	147
Бедаво дард	148
Кечикиш	149
Ўхшашлик.....	150
Тўйда	150
Қариқиз	151
Муҳаммад Юсуф	152
Хитоб	153
Аслида.....	154
Қиёматли дўст бўлсин!	154
Шоирнинг хотини	155
Уйингдаги аёлинг	157

Бободехқонга.....	159
Дўст ҳақида қисқача.....	160
Бахт не ўзи	161
Мени унутмоқда.....	162
Одамийлик дарси	165
Болам, – сен бахтиёр бўлишинг керак.....	165
Ота бўлдим	166
Бир қиз	168
Унутиш	169

КАМОЛИДДИН ШУКУР

**ОТАМДАН ЎРГАНДИМ
ОДАМИЙЛИКНИ**

ШЕЪРЛАР

МУҲАРРИР:

ТЕХНИК МУҲАРРИР:

МУСАҲҲИҲ:

САҲИФАЛОВЧИ:

И. СУБҲОНИЙ

А. ОДИЛОВ

Н. ҚИЛИЧЕВ

А. ҚАЛАНДАРОВ

Нашриёт лицензияси А-1 № 115 30.09. 2008. Оригинал – макетдан босишга рухсат этилди. 4. 10. 2019. Бичими 60x84. Кегли 16 шпонли. “Times” гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Босма табоғи 11. Адади 1000. Буюртма № 166. Бухоро вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, “Бухоро” наشريёти: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5. Баҳоси келишилган нархда.

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11.